

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“МАТН
ТИЛШУНОСЛИГИ”**
фани бўйича услубий қўлланма

*Самарқанд давлат университети
ўқув- услубий кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган*

Самарқанд - 2012

УДК:4
Й -69
ББК:81

Йўлдошев Б., Ражабова К. “Матн тилшунослиги” фани бўйича услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012 – 110 б.

“Матн тилшунослиги” фани лингвистика (ўзбек тили) йўналиши бўйича таълим олаётган 1-босқич магистрларига ўтилади. Шунингдек, 5220100 – филология (ўзбек филологияси) йўналишининг 3-курс талабаларига “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” фанида матн устида ишлаш усуллари юзасидан машгулотлар олиб борилади. Мазкур иш магистрантлар ва бакалавр талабалар орасида ана шу машгулотларни илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этишига ёрдам беради. Услубий қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми матн тилшунослигининг назарий ва амалий муаммолари, уни ўқитиш масаласига бағишланган. Бу қисмда матн компонентларининг поғонали муносабати, матнда синтактик алоқани таъминловчи лексик воситалар талқини, матн компонентларининг семантик ва прагматик муносабатлари, “Матн тилшунослиги” фанини ўқитиш муаммолари ҳақида сўз юритилади. Ишнинг кейинги қисмида матн ёрдамида нутқ устириш усуллари ўрганилади.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма матн тилшунослиги муаммолари билан қизиқувчи талабалар, магистрантлар, аспирант ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Тузувчилар: **Б.Йўлдошев, К.Ражабова**

Масъул муҳаррир **проф. А.Абдусаидов**

Тақризчилар: **проф. Б.Ўринбоев**
доц. Х.Хайруллаев

© Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, 2012

МАТН ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

1. МАТНДА СИНТАКТИК АЛОҚАНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЛЕКСИК ВОСИТАЛАР ҲАҚИДА

Таянч сўз ва иборалар: матн, матн компонентлари, матн компонентларининг синтактик алоқаси, матнда синтактик алоқани таъминловчи воситалар, лексик такрор, олмошлар, синоним сўзлар, абзацлараро синтактик муносабат.

Кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида матн, унинг моҳияти, лексик ва грамматик хусусиятлари тадқиқига бағишланган ишлар ортиб бормоқда. Уларнинг аксариятида матн компонентларининг семантик алоқасини ўрганишга асосий эътибор қаратилади. Бизнингча, матн компонентларининг синтактик жиҳатдан ҳам боғланишли эканлигини мукамал талқин этиш учун вақт келди, зотан, матн фақат семантик жиҳатдан эмас, балки синтактик жиҳатдан ҳам яхлитликни тақозо этади. Бошқача айтганда, матн компонентлари қандай йўсинда бўлмасин синтактик жиҳатдан ҳам ўзаро боғланган бўлади.

Кузатишлар шундан далолат берадики, матн компонентларининг ўзаро синтактик боғланишига қуйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатади: а) лексик такрор; б) синонимик муносабатлар; в) олмошлар; г) кириш сўз ва бирикмалар; д) боғловчилар.

Лексик такрор баъзан матн компонентларининг синтактик алоқаси учун асос бўлади: *Мана бугун, Низомжон яна Дилдор билан учрашди. Низомжон йиғилиб қолган гапларини энтикиб, шошилиб гапирар, Дилдор бўлса бепарвогина унинг гапларига қулоқ солиб борар эди. Умуман, Дилдор кейинги пайтларда сал бошқачароқ бўлиб қолган эди. Низомжонни кўрганда бир қизариб оларди-да, тилдираб қочиб кетарди* (С.Аҳмад. Уфк).

Келтирилган матнда *Низомжон* ва *Дилдор* сўзларига эътибор берсак, уларнинг турли синтактик вазифаларда келиб, матн компонентларининг ўзаро синтактик муносабатини таъминланаётганини кўрамиз. Биринчи гапда *Низомжон* эга, *Дилдор* тўлдирувчи, иккинчи компонент – мураккаб синтактик

курулмада эса *Низомжон* ва *Дилдор* сўзларининг ҳар иккаласи ҳам эга вазифасида келмоқда. Учинчи гапда *Дилдор* эга вазифасида, тўртинчи гапда эса *Низомжон* сўзи тўлдирувчи бўлиб келмоқда. Бундан ташқари, мазкур матнда *гаплари* сўзи ҳам такрорий қўлланилиб, бир ўринда воситасиз, иккинчи ўринда эса воситали тўлдирувчи вазифасини бажаради.

Маънодош сўзлар бадий матн компонентларининг синтактик муносабатини ифодалашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда бир компонентнинг сатҳида келаётган маълум бир сўзнинг иккинчи, учинчи ва ҳ.к. компонентларда синонимлари ёки синонимик маъноли унсурлари иштирок этади: Қиш совуқлари ҳам *Гавҳаршодбегимнинг* ҳаётидан узоқлашиб кетди. Улуғбек . . . икки қаватли кўшқда *онаси* шарафига катта *қабул маросими* ўтказди. Маросимда *Гавҳаршодбегимнинг* барча *келинлари* шаҳарнинг *аслзода аёллари* ҳам иштирок этдилар. *Зиёфатдан* сўнг *ҳаммаларига* саруполар улашилди. (П.Қодиров. Она лочин видоси).

Келтирилган матнда синонимик маъноли куйидаги сўзлар мавжудлигини кўрамиз: *Гавҳаршод бегим* – *она (си)*, *қабул маросими* – *зиёфат*, *келинлар (и)*, *аслзода аёллар* – *ҳаммалари(га)*, *барча* – *ҳамма*.

Айни пайтда матн компонентлари (гаплар)нинг сони тўртта бўлиб, синонимик маъноли сўзлар уларнинг барчасида қатнашмоқда ва компонентларнинг ўзаро синтактик алоқасини таъминлайди¹.

Матннинг таркибий қисмлари ўртасида синтактик алоқа шаклланиши учун олмошларнинг ҳам аҳамияти жуда каттадир. Бунда олмошнинг от, сифат, сон, равиш каби мустақил сўзлар ўрнида қўлланила олиши муҳим мавқега эга бўлади: *Меҳмонлар оғир сукунатдан қоронғи хонақоҳга битта – битта кирдилар. Барча ўзини гўё пайгамбар қабри олдида ҳис этарди. Ўртадаги тошни навбат билан бир – бир ўпиб, ҳўнг – ҳўнг йиғладилар.*

Гумбаз устидаги кабутарлар овози уларга гўё самодан келган пайгамбар овози каби туюларди (Ойбек. Улуғ йўл).

Берилган матн тўрт компонентли бўлиб, биринчи ва иккинчи гаплар *барча* жамловчи олмоши воситасида, иккинчи ва учинчи

¹ *Сильман Т.И.* Синтактико – стилистические особенности местоимений // Вопросы языкознания, 1970, № 4. – С. 23-24.

гаплар имплицит ифодали *улар* учинчи ва тўртинчи гаплар эса *уларга* олмошлари билан синтактик алоқада эканлигини кўрамиз. Мазкур олмошларнинг барчаси *меҳмонлар* сўзининг субститутлари сифатида келиб *барча* – эга, яширин ҳолда келаётган *улар* ҳам эга, *уларга* олмоши эса воситали тўлдирувчи вазибаларини бажармокда.

Матн компонентларининг синтактик алоқаси кириш сўз воситасида воқеланиши ҳам мумкин. Бунда кириш сўз ўз вазибасига кўра боғловчига яқинлашади². Хусусан, кириш сўз вазибасида келган модал сўзларда бундай имконият анча салмоклидир. Кириш сўзлар ҳозиргача тилшуносликда гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага эга эмас, деган фикр қатъийлашган.

Матн шаклланишида боғловчилар ҳам муҳим вазиба бажаради. Бунда боғловчиларни вазибаларига кўра иккига бўлинади: а) мустақил гапларнинг ўзаро муносабатини таъминловчи боғловчилар; б) абзацлар муносабатини таъминловчи боғловчилар³.

Матн таркибидаги мустақил гапларнинг синтактик муносабатини таъминловчи боғловчилар микро майдонда ҳам, макро майдонда ҳам қўлланиши мумкин⁴.

Боғловчи макроматн таркибида келганда кўпроқ абзацларнинг семантик ва бир пайтнинг ўзида синтактик алоқаларини таъминлаш учун хизмат қилади:

1. *Атрофни ўраб келаётган мерганлар ёй ўқи билан уни нишонга олаётганларига кўзи тушиб, ваҳимаси баттар ошди. Саросима ичида қоятошнинг нариги пана томонига ўзини отди.*

Бироқ қоянинг нариги томони икки юз қулоч баландликдаги тош жарзов эди. Зов тагидан ўтган Ҳирот дарёси тоғлардан келган сел билан тўлиб – тошиб оқмоқда (П.Қодиров. Она лочин видоси).

2. . . . ошириб бажарганларга устама мукофот белгилаш; тоғда собиқ Қуйки районини тиклаш; унинг ўзига хос экономикаси билан алоҳида шуғулланиш . . .

² Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика: - М.: Высшая школа, 1973. – С. 76-79.

³ Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. – Л.: Наука, 1983. – С. 61-65.

⁴ Кожевникова К. Об аспектах связности в тексте как целом // Синтаксис текста. – М.: Наука, 1979. – С. 26-28; Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. ДДА. – Тошкент, 2001. – Б. 11-13.

Лекин бу таклифларни айтиш учун Ориф ака кўп идораларнинг ичига кириб чиқди (А.Мухтор. Чинор).

Берилган мисолларнинг ҳар иккиси ҳам макроматннинг муайян парчалари саналади. Биринчи мисолда макроматннинг икки абзаци *биноқ* зидлов боғловчиси орқали синтактик ва семантик муносабатга киришаётганини кўрамиз. Айни пайтда икки абзацнинг синтактик алоқаси учун *қоя, нарғи томони* сўз ва сўз бирикмалари ҳам хизмат қилмоқда. Бу ўринда абзацлараро лексик такрор қўлланилаётганини кўрамиз. Мазкур воситалар, ўз навбатида, абзацлар ўртасидаги синтактик муносабатнинг янада мукамалроқ тус олишига кўмаклашмоқда.

Иккинчи мисолда абзацлараро синтактик муносабат *лекин* зидлов боғловчи вазифасида шакллангани кўзга ташланади. Бу ўринда ҳам синтактик алоқанинг узвий эканлигини қайд этамиз. Чунки айни пайтда икки абзац синтактик муносабати учун иккинчи абзац бошида келаётган боғловчидан ташқари, *бу* кўрсатиш олмоши ҳамда биринчи абзацда маъно салмоғини умумлаштириб кўрсатаётган *таклифлар* сўзининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда.

Шундай қилиб, матн компонентларининг турли йўллар билан, жумладан, лексик такрор, синонимик воситалар, олмош - субститутлар, кириш сўз ва бирикмалар, боғловчи кабилар ёрдамида синтактик муносабат ташкил этишини кўрамиз. Албатта, биз бу ўринда мазкур воситалар хусусида илмий мулоҳаза юритиётганимиз йўқ. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, уларнинг ҳар бири келгусида алоҳида тадқиқотлар учун асос бўла олади. “Матн тилшунослиги” фани бўйича маъруза тингловчи магистрантлар ва бакалавр талабалар ана шу ҳолатни инобатга олишлари лозим.

Назорат саволлари:

1. Матн компонентларининг ўзаро синтактик боғланиши ҳақида тушунча.

2. Матн таркибида мустақил гапнинг синтактик муносабатини изоҳланг.

3. Матнда абзацлараро синтактик муносабат қандай таъминланади?

4. Матндаги синтактик алоқани таъминлашда олмошлар ва маънодош сўзларнинг ўрни.

2. МАТН КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ВА ПРАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: Матн ва унинг характерли белгилари, матн – нутқ маҳсули сифатида, матндаги семантик муносабат, радикал семантик муносабат, бевосита семантик муносабат, боғланишли нутқ, матн компонентларининг прагматик муносабати, “грамматик гап” ва “мантиқий ҳукм”, абзац макроматн компоненти сифатида.

Маълумки, матннинг ҳар қандай тури ҳам тугалланган фикр ифодасини беради. Бу матннинг характерли белгиларидан бири саналади. Унинг иккинчи белгиси компонентларининг мазмунан боғланишли эканлиги ҳисобланади. Зотан, матн горизонтал чизиқда (синтагматик қатор доирасида) шаклланади ва бу жиҳатдан коммуникатив яхлитликни ташкил этади. Шундай бўлгач, ўзбекча матнларда боғланишлилик қуйидаги икки кўринишда воқеланади: а) матнда берилаётган икки ва ундан ортиқ ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик; б) ҳодисаларнинг ўзаро қоришуви натижасида шаклланган маъно бутунлигида акс этувчи боғлиқлик.

Матн, албатта, нутқимиз маҳсулоти саналади. Шунинг учун “боғланишли нутқ” (“связная речь”) тушунчаси тўғридан-тўғри матн билан алоқадордир. Матнда боғланишлилик унинг компонентлари муносабатида, биринчи галда уларнинг семантик муносабатида ўз аксини топади. Тилшунос олимлар матнда ифодаланаётган семантик муносабатни ўз навбатида, қуйидагича икки турга ажратиб ўрганмоқдалар:

1. Радикал муносабат. Бунда матн компонентлари ўзаро тўғридан-тўғри боғланмай матнда ифодаланаётган умумий маъно сатҳида муносабатга киришади.

2. Тўғридан-тўғри ёки бевосита муносабат. Бунда матннинг таркибий қисмлари бир -бирига боғлиқ бўлади ва бирининг маъноси иккинчисининг таъсирида ойдинлашади⁵.

⁵ Кожевникова К. Об аспектах связности в тексте как целом // Синтаксис текста. – М.: Наука, 1979. – С. 56-58.

Айтиш лозимки, матн компонентларининг ўзаро боғланишига хос бўлган семантик муносабатнинг ҳар икки тури ҳам муҳим аҳамият касб этади, зотан, ҳар бир матннинг асосий вазифаси маълум хабар ифодасини беришдан иборатдир. Бу эса семантик яхлитликни талаб қилади. Матннинг бундай сифати муқаррар равишда ёзма нутқда кузатилади. Оғзаки нутқда эса унинг семантик бутунлиги ҳар доим ҳам воқе бўлавермайди. Чунки, оғзаки нутқда узук-юлуқ жумлалар ҳам кўп ишлатилади. Бундан ташқари, маъно яхлитлигига тингловчининг репликаси ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади.

Матн компонентларининг маъно жиҳатдан боғланишли бўлиши нафақат матннинг маъно бутунлигини, балки унинг таркибий қисмлари саналувчи мустақил гапларнинг ҳам мазмуний салмоғи беками-кўстлигини таъминлайди. Тўғри, матндан ташқарида гап грамматик жиҳатдан мутлақо камчиликсиз бўлиши мумкин. Лекин унинг маъно бутунлиги фақат матн сатҳида бошқа гаплар билан ўзаро муносабатда келганда тўлиқ ифодасини топа олади. Бу матн таркибида қўлланилган барча гапларга хосдир, фақат матннинг бошланишида келган гап ўзининг нисбий мустақиллиги билан шу матн таркибига кирган бошқа гаплардан фарқ қилади⁶.

Матн таркибида гапларнинг ўзаро семантик муносабатлари хусусида сўз юритилганда, тафаккуримизда ҳукмлар мажмуаси қандай боғланишини тасаввур этиб кўрмоғимиз лозим, зотан, матн компонентларининг боғланишли эканлигини ўрганиш тил ва тафаккур бирлиги диалектик қонуниятидан келиб чиқади. Шунинг учун мустақил гапларнинг ўзаро муносабати замирида шаклланувчи гапдан катта ҳар қандай нутқ бирлиги ўзининг умумий мазмуни салмоғи жиҳатидан тафаккур маҳсулининг тил унсурлари воситасида ифодаланишини тақозо этади.

Гапнинг сўзлар муносабатидан ташкил этилишини назарда тутсак, бунда сўзнинг фикр ифодасини воқелантирувчи белги эканлигини далилай оламиз. Бироқ нутқимиз қолипида рўй берувчи психологик мулоқотда сўз эмас, балки гап асосий белги саналади. Бу нутқимиз сатҳида гапнинг ўзига хос мақомини, унинг бошқа бирликлардан (масалан, сўз, сўз бирикмаси ва ҳ.к.) фарқини аниқ

⁶ Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. –М.: Высшая школа, 1973. – С. 49-59.

ва равшан намоён этади⁷. Ўз вақтида француз тилшуноси Э.Бенвенист “гаплар гуруҳи гап сатҳига нисбатан алоҳида сатҳ бирлигини шакллантира олмайди”,- деган фикрни олға сурган эди. Бироқ, бизнингча, бу фикр унчалик асосли эмас. Чунки матн бор экан, у албатта, гаплар, гаплар гуруҳи орқали шаклланади. Шу нуқтаи назардан матн лингвистик тадқиқот объекти бўлиши ўз-ўзидан аёнدير. Аммо, проф.Ё.Тожиев тўғри таъкидлаганидек, матн “тил бирлиги эмас, балки тилшунослик системасининг тадқиқ объекти. Матнни шу маънода яхлит birlik деб баҳолаш мумкин. Гапга ҳам, матнга ҳам фонема, морфема, лексема тарзидаги тил birlikлари сифатида уларга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, бир иерархияда турувчи birlikлар сифатида қараб бўлмайди”⁸.

Шуни ҳам айтиш лозимки, мантиқ фани нутқда ҳукмлар муносабати масаласи билан шуғулланмайди. Бу нарса синтактик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Мантиқда ҳар бир ҳукм алоҳида ўрганилади, синтаксисда эса ҳукмнинг ҳукм билан муносабатини ўрганиш глобал аҳамият касб этади. Бундан ташқари, мантиқда ҳукмнинг ифодаланиши усуллари катта мавқега эгадир. Аммо бунда ҳам ҳар бир ҳукм алоҳида талқин этилади. Боғланишли нутқ синтаксисда эса икки ёки ундан ортиқ ҳукмлар муносабати, уларнинг бир-бири билан боғланиши масаласи устувор аҳамиятга эгадир.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар тил билан мантиқнинг ўзаро узвий боғлиқлигини кўрсатади. Аммо бу билан мантиқ ва тил категориялари қоришиб кетади, демоқчи эмасмиз, албатта. Чунки мантиқнинг ҳам, тилнинг ҳам фақат ўзига хос бўлган қонуниятлари мавжуд. Шунинг учун синтактик категорияларни мантиқ категориялари нусхаси сифатида талқин этиб бўлмайди. Ана шу боис ҳукм тушунчасини бу ўринда шартли деб билмоғимиз лозим. А.А.Потебнянинг таъкидлашига кўра, грамматик гап мантиқий ҳукм билан бир хил маъно касб эта олмайди⁹.

Дарҳақиқат, ҳукмнинг аниқ ва мукамаллиги фақат нутқда аниқланади. Бунинг учун эса бир неча ҳукм ўзаро муносабатда олиб таҳлил этилади. Шунинг учун анъанавий мантиқда муайян

⁷ Потебня А.А. Из записок по русской грамматике, т.1-2.-М.,1958. – С. 42-47.

⁸ Тожиев Ё. “Матн”га ёндошув // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами). 5-чиқиши. – Тошкент: “Академнашр”, 2010. – Б. 204.

⁹ Потебня А.А. Из записок по русской грамматике, т.1-2.-М.,1958. – С. 68-69.

бир ҳукми нутқдан ташқари ҳолатда олиб таҳлил қилиниши бугунги кун талабларига жавоб беролмай қолди.

Бугунги кунда анъанавий грамматикаларимизда берилган синтактик қурилмалар таҳлилидан ўзгача таҳлил материалларига эҳтиёж туғилганлиги сабабли одатдаги семантик ва синтактик таҳлиллар доираси анча кенгайди. Бошқача айтганда, матн лингвистикаси масаласи кун тартибига асосли равишда кириб келди. Бунинг асосий далили сифатида ҳозирги лингвистик тадқиқотларда ўзаро боғланишли бўлган бир неча синтактик қурилмалар нутқнинг яхлит бир бўлаги сифатида талқин этилаётганини кўрсатиш мумкин.

Нутқда ўзаро боғлиқ бўлган гапларнинг семантик ва синтактик муаммоларини ўрганишда мазкур гапларни алоҳида олмай, ҳар бирини бошқалари билан боғлиқ ҳолда талқин этилгандагина уларнинг маъно тугаллиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Бундай вазиятда мазкур гапларнинг нафақат маъно тугаллиги, балки синтактик хусусиятларининг ҳам анча мукамал изоҳланиши учун имконият яратилади. Масалан, маълум бир нутқ парчасида *намойиш* хусусида фикр билдирилаётган бўлса, *намойишчилар* (демонстранты) сўзи бундай матн учун субъект вазифасини ўтайди, зотан, мазкур сўз бир ўринда гапда ўзининг аслий шаклида, бошқа гапларда эса олмош билан (масалан, *улар*, *ўзлари* олмошлари), ўзга бир синонимик сўз билан (масалан, *кишилар*, *одамлар*, *халқ*) ифодаланади ва ҳар сафар гапда бу тушунчанинг мавжудлигини ҳис этамиз.

Матн компонентлари таркибида бирор сўз ёки бирикманинг бу тахлит қўлланиши нафақат семантик, балки синтактик вазифа ҳам бажаради. Чунки мазкур сўз олдинги гапда грамматик эга вазифасида келса, кейинги гапларда тўлдирувчи, аниқловчи бўлиб қўлланилиши ҳам мумкин¹⁰.

Бироқ, шуни ҳам айтиш лозимки, матннинг синтактик таҳлили мустақил гапларнинг синтактик таҳлилидан тубдан фарқланади. Матннинг синтактик таҳлилида бош ва иккинчи даражали бўлақлар, шунингдек, сўз бирикмалари таҳлилида қўлланадиган мослашув, бошқарув, битишув усуллари хусусида тўғридан-тўғри

¹⁰ Турниёзов Н., Йўлдошев Б. Матн тилшунослиги (услубий қўлланма). – Самарқанд, СамДУ нашри, 2006. – Б. 58-62.

сўз юритиб бўлмайди. Агар гап таҳлилида сўзлар ўртасидаги синтактик алоқа ва унинг турлари ўрганилса, матн таҳлилида мустақил гаплар ўртасидаги синтактик боғланиш ҳақида маълумот талаб қилинади. Фақат бугина эмас, макроматн ўрганилганда унинг компонентлари ҳисобланувчи абзацлар ўртасида шаклланган синтактик муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ана шулардан келиб чиқиб, ўзбекча матнларни синтактик ва прагматик таҳлили бобида ҳали ўз ечимини кутаётган жуда кўп жумбоқлар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Назорат саволлари:

1. Матнда ифодаланадиган радикал семантик муносабат ҳақида тушунча.

2. Матнда ифодаланадиган бевосита, тўғридан-тўғри семантик муносабат хусусиятлари.

3. Мантиқ ва тил категорияларининг ўзаро алоқаси ҳамда фарқли томонлари.

4. Ўзбекча матнларнинг синтактик ва прагматик таҳлили ҳақида.

3. МАТН ВА МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАНING ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Таянч сўз ва иборалар: матн, қўшма гап, мураккаб синтактик қурилма, период, содда период, мураккаб период, туб структура, предикатив марказ.

Маълумки, тил бирликлари ўз ички табиатига кўра доим ўзидан катта бирликлар сатҳида синтактик фаоллик касб этади, яъни фонема морфема ёки сўз сатҳида, морфема сўз сатҳида, сўз гап қолипида, гап эса матн доирасида нутқий фаолликка эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳозирча синтаксисда, умуман матн тилшунослигида қўлланилиб келган “қўшма гап” терминининг маълум даражада изоҳталаб эканидан далолат беради. Гап шундаки, қўшма гап дейилганда гапнинг ўша гап ичида синтактик фаоллик касб этаётганидек тасаввур уйғотади. Бу эса тил бирликларининг поғонали муносабати қоидасининг кўпол равишда бузилишига олиб келади.

Масаланинг бу тахлитда ҳал этиб келинаётгани нотўғри эканлиги тилшунослар алоҳида таъкидлаб келмоқдалар. Масалан, М.В.Ляпоннинг фикрича, “Қўшма гап икки ёки ундан ортиқ нисбий тугалланган (коммуникатив маъноли) хабар парчаларини ташкил этувчи гапларнинг ўзаро онгли равишдаги бирикуви натижасини тақозо этар экан, унинг структурасида матнга хос жиддий белгилар мавжудлигидан келиб чиқмоғимиз ва буни эътироф этмоғимиз лозим”¹¹.

Бундай фикр ва мулоҳазалар проф.Н.Турниёзов ва унинг шогирдлари томонидан ҳам айтилмоқда. Масалан: “Тилшуносликда азалдан қўлланилиб келаётган “қўшма гап” терминини мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Чунки қўшма гап деганимизда, биринчидан, гапларнинг қўшилаётганини (бирикаётганини) тушунсак, иккинчидан, янги мураккаб тузилишли қурилманинг ҳосил қилинишини ҳам англаймиз. Бундай мураккаб қурилма матн тушунчаси билан тенглашади”¹².

Шуни эътиборга олиш лозимки, рус тилшунослигида “қўшма гап” (“сложное предложение”) терминидан ташқари “мураккаб синтактик бутунлик” (“сложное синтаксическое целое”) атамасидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, рус тилшунослигида гапдан юқори бундай тил бирликларини ифодалаш учун “сверхфразовое единство” (“фразадан юқори бутунлик”) термини ҳам қўлланади. Бунда ҳам бир неча гапнинг матн таркибида яхлит синтактик бутунлик тарзида намоён бўлаётганлиги англашилади.

Шу билан бирга матн тилшунослигида *п е р и о д* термини ҳам қўлланиб, унинг таркибида содда гаплар ҳам, қўшма гаплар қатнашиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Жумладан, акад. Ғ. Абдурахмонов периодга қуйидагича таъриф беради: “мураккаб составли гапларда маълум бир мазмун муносабати ифодалангани, оҳангда тугаллик бўлгани учун, бу хил гап қурилмалари ўзига хос белгига эга бўлади ва улар *п е р и о д* деб номланади... Период тузилиши, оҳанги, мазмунига кўра яхлит бир бутунликни ташкил этади, бу хил бутунликлар содда ёки мураккаб бўлиши мумкин: агар улар бир хил, бир турдаги гаплардан тузилса (масалан бир неча эргаш гапли қўшма гаплар, бир неча содда гаплардан тузилган

¹¹ Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. – М.: Наука, 1983. – С. 8.

¹² Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 89.

боғланган ёки боғловчисиз кўшма гаплар ва хоказо), содда период дейилади, агар бу бутунлик турли хил гаплардан тузилса (масалан, эргаш гапли кўшма гап ва боғловчисиз кўшма гап бирикмаси каби), мураккаб период дейилади”¹³.

Таъкидлаш керакки, период шаклан “фразадан юқори бутунлик” (“сверхфразовое единство”), яъни жумла ёки гапдан катта бирликдан қарийб фарқланмайди. Зотан “фразадан юқори бутунлик” ҳам гаплар мажмуасидан ташкил топади ва бунда ҳар бир гап иккинчиси билан мазмунига кўра боғланган бўлади. Кейинчалик А.Мамажонов ўзбек тилидаги периодлар муаммосини махсус тадқиқ этиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган¹⁴. М.Абдупаттоев эса матн таркибидаги грамматик жиҳатдан тўлиқ шаклланган нисбий мустақил гапларнинг семантик жиҳатдан бирикувидан ташкил топган синтактик қурилмаларни суперсинтактик бутунлик (ССБ) деб номлаган эди¹⁵. Масалан: *“Ҳаво совуқ, осмонда захардек аччиқ қор учқунлари эринчоқ кезади. Кўчаларни ойнадек муз босган, машиналар эмаклагудекқўрқа-пуса имиллайди. Нафас олсанг озингга совуқ олов кираётгандай бўзгингни ачиштиради. Одамлар тойгоноқда йиқилиб майиб бўлмаслик учун эҳтиётлаб қадам босади”* (Ў.Ҳошимов).

Юқорида яхлит ССБ келтирилган бўлиб, у тўртта нисбий мустақил гапдан ташкил топган, шулардан учтаси кўшма гап, биттаси эса содда гап кўринишидадир. Бу гаплар грамматик ва семантик жиҳатдан боғланган ҳамда ягона бир мавзуни – қиш пайтидаги пейзаж тасвирини ёритишга хизмат қилиши билан характерланади. Шунга кўра, Л.М.Лосева ана шундай кўринишдаги ССБларни таҳлил қилар экан, “ҳар бир ССБ бу ўз бошланиши, ривож ва тугалланмасига эга бўлган миниатюра ҳолидаги ҳикоядир”, - деб тўғри таъкидлаган эди¹⁶.

Аслида, терминлар сонини кўпайтириш орқали матн таркибидаги гапдан юқори бундай лисоний бирликлар табиатини очишда салмоқли ютуқларга эришиш қийин. Бир неча гапларнинг, шу жумладан мураккаб синтактик қурилмаларнинг бирикувидан ташкил топган бутунликни бир йўла матн деб, агар у матн ичида

¹³ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси (синтаксис). - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 232.

¹⁴ Мамаджанов А. Периоды в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 22 с.

¹⁵ Абдупаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. НДА. – Тошкент, 1998. – 23 б.

¹⁶ Лосева Л.М. Как строится текст. – М.: “Просвещение”, 1980. – С. 13.

берилган бўлса, матн компоненти деб аташ мақсадга мувофиқ, деган фикрдамиз.

Шундай қилиб, икки ва ундан ортиқ гапларнинг ўзаро семантик ва синтактик жиҳатдан боғланишидан ташкил топган бутунликни мураккаб синтактик қурилма деб аташ тил бирликларининг поғонали (иерархик) муносабати қонуниятига мос келади. Бунда яхлит матнни ҳосил қилувчи қўшма гапнинг тенг боғланишли ва эргаш боғланишли ҳар икки тури ҳам мазмунан тўлиқ сақланган бўлади:

1. *Кўп вақт ўтмай, қирқ тўрт йил Форсу Ироқда давру даврон сурган, Шоҳ Шужоъ билан Шоҳ Маҳмуд хабар олмаганларидан хайрон, охир оқибат – ҳамма бало ўзи ардоқлаб вояга етказган суюкли ўғилларидан келганлиги етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, дунёдан беҳабар Амир Муборизиддин зиндонда, азоб-уқубатлар чангалида бандаликни бажо келтирди* (Муҳаммад Али. Мироншоҳ Мирзо, 67).

2. *Шоҳ Шужоъ тантанавор юришини тўхтатмади, Табризга бориб қудасининг маъракасида қатнашди, кейин Қазвинни олди ва Исфaxonга қараб от сурди* (Муҳаммад Али. Мироншоҳ Мирзо, 69).

3. – *Юзингизга солиб ўлтирмаймен, эй падари бузруквор! Бўлар иш бўлди! Бундан наф йўқ! – Султон Аҳмад жалойир газабини зўрға тийди. – Шоҳ Шужоънинг шундай разилу номард эканлигини билардим!.. Билардмс! Падаркуш-ку у! Мана, қудачиликнинг оқибати!.. Шунчалар гофилман-а мен галварс!.. Хонавайрон бўлдук! Хонавайрон бўлдук!* (Муҳаммад Али. Мироншоҳ Мирзо, 58).

4. - *Кўй, қизим, қўй. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Шундоқ бўлишини билган эдим. Аммо эринг уруш кўрди, мусофирчилик кўрди, йўлини топиб олгандир, деб ўйлаган эдим. Бўлмапти-да* (Саид Аҳмад. Уфқ).

Келтирилган мисолларда компонентлари тенг боғланаётган мураккаб синтактик қурилмалар мавжуд. Компонентлари тенг боғланаётган мураккаб синтактик қурилмаларда икки-учтадан мустақил предикатив марказ мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири орқали тасвирланаётган воқеликка алоҳида аҳамиятга эга бўлган муносабат билдирилмоқда. Бунинг асосий боиси ҳар икки компонент ҳам ўзича мустақил ҳолда туб структурага эга

эканлигидадир. Охирги мисолда эса матн таркибида тўртта предикатив марказ иштирок этмоқда.

Айни пайтда туб структура дейилганда, гапнинг синтактик жиҳатдан шаклланиши учун асос бўлаётган структурани тушунилади. Бошқача айтганда, туб структура – бу катта синтактик структуранинг вужудга келиши учун пойдевор (асос) вазифасини бажарувчи семантик структурадир. Бундай структура мавҳумлик белгиси билан характерланади. Зотан, унда синтактик структурада тўлдирилиши лозим бўлган бўш ўринлар кузатилади.

Эргаш боғланишли компонентлар муносабатига асосланган мураккаб синтактик қурилмалар таркибий қисмларининг бири (келтирилган учинчи мисол) хабар ифодасида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун бу компонент ўзига эргашиб келаётган иккинчи компонентга нисбатан семантик жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам устувор аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, мураккаб синтактик қурилмани ягона туб структура асосида шаклланишга олиб келади. Тобе компонент ҳам маълум бир туб структурага асосланса-да, бу структура матннинг синтактик жиҳатдан шаклланишида иккинчи даражали аҳамият касб этади. Қиёсланг: *...ёқди шекилли --- кулиб қўйди.*

Юқоридагилардан ташқари, мураккаб синтактик қурилма тенг ёки эргаш боғланишли компонентлар муносабатининг қайси бирини тақозо этишидан қатъий назар, унда устпредикативлик белгиси бўлади. Бошқача айтганда, мазкур қурилма компонентларининг алоҳида предикативлик белгилари асосида мазкур микроматннинг умумий предикативлик белгиси юзага келади¹⁷. Буни мураккаб синтактик қурилманинг воқеликка билдираётган муносабати орқали изоҳлаш мумкин. Дарҳақиқат, мураккаб синтактик қурилмада воқеликка билдириляётган муносабат яхлитланган ҳолатда кўзга ташланади: *Йиқилиб ҳолсиз ётган Шоҳ Мансурдек мард жангчини ўлдиришидан орланмаган, совға-инъомлар кутиб турган майманалик амирни дарҳол тутиб қатл этишларини, мол-мулкни эса мусодара қилишларини буюрди* (Муҳаммад Али. Мироншоҳ Мирзо, 209).

Мураккаб синтактик қурилма компонентларининг ҳар бири нисбий хабар ифодасини беришга қодир экан, бундай

¹⁷ Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Монография. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2008. – Б. 42-44.

қурилмаларни матн характерига эга дейиш мумкин. Шунинг учун уларни микроматн тарзида, яъни кичик матн тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундан кўринадики, мамлакатимизда матн тилшунослигида соҳасида, жумладан матн ва мураккаб синтактик қурилма мақомининг ўзаро муносабатини ўрганиш соҳасида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, Самарқандда проф.Н.Турниёзов томонидан асосланган матн деривацияси муаммоларини тадқиқ этиш илмий мактаби бу соҳада бир қатор хайри ишларни амалга оширмоқда. Кейинги йилларда Самарқандда “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари”, “Систем-структур тилшунослик муаммолари”, “Тил системаси ва ҳозирги замон лингводидактикаси” мавзуларидаги республика илмий-назарий анжуманларининг ўтказилиши¹⁸ ҳамда “Структур синтаксис асослари” номли монографиянинг нашр этилиши¹⁹ ҳам фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Назорат саволлари:

1. “Мураккаб синтактик қурилма” термини ҳақида тушунча.
2. Матннинг мураккаб синтактик қурилма билан ўзаро муносабати.
3. Матнда периодларнинг қўлланиш хусусиятлари.
4. Гап ва матннинг синтактик таҳлили орасидаги умумий ҳамда фарқли ҳолатлар.

4. МАТН ТАРКИБИДА НООДАТИЙ БИРИКМА- ЛАРНИНГ ГРАММАТИК СТРУКТУРАСИ

Таянч сўз ва иборалар: сўз бирикмаси, тургун сўз бирикмалари, фразеологизмлар, ноодатий бирикмалар, оксюмаронли бирикмалар, оксюмаронларда предикатив муносабат.

¹⁸ Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари (Самарқанд шаҳри, 2009 йил, 11-12 май). – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2009. – 328 б.; Систем-структур тилшунослик муаммолари. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари (Самарқанд шаҳри, 2010 йил, 28-29 май). – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2010. – 319 б.; Тил системаси ва ҳозирги замон лингводидактикаси. Республика илмий-амалий анжумани материаллари (Самарқанд шаҳри, 2011 йил, 25-26 март). – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2011. – 270 б.

¹⁹ Турниёзов Н., Турниёзова К., Хайруллаев Х. Структур синтаксис асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – 139 б.

Маълумки, тил системасида сўзлар ўзаро турли-туман алоқага киришади. Сўзларнинг тобеланиш йўли билан ўзаро боғланиши ҳам ана шу тизимнинг жуда муҳим қисмини ташкил этади. Икки ва ундан ортиқ мустақил сўздан тузилиб, тобеланиш алоқаси асосида бир грамматик бутунлик, семантик яхлитликни ташкил этган ҳар бир комплекс сўз бирикмаси саналади. Сўз бирикмасини ташкил қилган компонентлар мустақил маъноли сўзлар бўлиб, ўз маъноларини сақлаган ҳолда бошқа бир бирикмани ҳосил қилишда иштирок этади. Агар бир сўз бирикмаларини уларга яқин, ёндош бўлган бошқа бир тил ҳодисаси – турғун сўз бирикмалар ёки фразеологизмлар билан чоғиштириб кўрсак, фразеологизмлар деб аталган бирликни ташкил этувчи сўз (компонент)лар ҳаммаси бирлашибгина яхлит, бир бутун маънони (луғавий, лексик маънони) ифодалайди ва у кўпинча синтактик қисмларга бўлинмайди²⁰. Бошқача қилиб айтганда, турғун бирикманинг формал томони эмас, балки ўша бирикмани ташкил этувчи компонентларнинг жами, йиғиндиси яхлитликда бутун бир маънони ифодалайди: *қулоқ осмоқ – тингламоқ, ҳолдан тоймоқ – чарчamoқ, кўзига қарамoқ – эҳтиёт бўлмоқ* кабилар.

Сўз бирикмасини ташкил этган компонентлар бирор марказий сўз атрофига уюшади, сўзга ўхшаб сўз ўзгариш тизими билан боғлиқ бўлади. Сўз бирикмаси ўз таркибидаги ҳоким компонентнинг қайси сўз туркумига киришига қараб от бирикма (*бу йигит, чиройли боғ, ўқиган талаба, онамнинг рўмоли* каби), феъл бирикма (*болани чақирмоқ, яёв юрмоқ* каби), равиш бирикма (*овоздан тез, ўқдан тез* каби) сингари турларга бўлинади. Шу билан бирга сўз бирикмалари тобе компонент қандай синтактик вазифани бажаришига қараб атрибутив бирикма (*яхши бола, чиройли куйлак* каби), қаратқичли бирикма (*унинг орзуси, бобомнинг ҳассаси* каби), ҳолли бирикма (*тез юради, эртага боради* каби), тўлдирувчили бирикма (*уни топдим, ундан олдим* каби) сингари гуруҳларга ажратиб тасниф қилинади²¹. Ўзбек тилида ноодатий бирикмалар ҳам худди ана шундай тобе-ҳоким бўлақларнинг муносабати асосида шаклланади, яъни ноодатий бирикмаларнинг шаклланиш жараёни, формаси тилдаги сўз бирикмаларига мос келади, лекин ифодаладиган маъно, семантик

²⁰ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 23.

²¹ Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 30-72.

муносабат ноодатий характер касб этади, яъни “предмет ва унинг белгиси” семантик муносабати кутилмаган маъно кирраларига эга бўлади.

Кузатишлар шундан далолат берадики, ноодатий оксюмаронли бирикмалар матн таркибида асосан икки компонентдан иборат бўлади, ўзаро атрибутив муносабатга киришади ҳамда *сифат + от, сифатдош + от, от + от, сон + от* сингари грамматик моделлари асосида тузилади, яъни ноодатий бирикмаларнинг асосий қисми отли бирикмалардир. Ўз вақтида таниқли рус тилшуноси П.А.Лекант томонидан айтилган қуйидаги фикр бевосита ўзбек тилидаги ноодатий бирикмалар тизимига ҳам мувофиқ келади: “Предмет ва унинг белгиси” семантик модели сўз бирикмалари учун асосан атрибутив муносабатлар характерлидир”²². Олиб борилган статистик таҳлиллар тилимиздаги барча ноодатий оксюмаронли бирикмаларнинг 52 фойизини атрибутив муносабатли бирикмалар ташкил этишини кўрсатди. Шу билан бирга тилимизда феълли ноодатий бирикмалар ҳам бор. “Сўз эстетикаси” номли рисола муаллифлари бундай бирикмаларни “ғайриодатий бирикмалар” деб номлаб, уни қуйидагича изоҳлайдилар: “Ғайриодатий бирикмалар ...” мутлақо индивидуал фикрларни” индивидуал ҳолатда ифодалаш воситалардан биридир. Одатий бўлмаган бирикмалар ўзларининг “янгилиги”, индивидуаллиги ва айни ғайриодатийлиги билан тезда диққатни ўзига тортади. Китобхон беихтиёр бундай бирикмалар устида ўйлай бошлайди, натижада ёзувчининг ниятига чуқурроқ тушунади. Шунинг учун ҳам одатий бирикмаларга қараганда, ғайриодатий бирикмалар бадийлик нуқтаи назаридан кўпроқ аҳамиятлидир”²³. Масалан, шоир Мақсуд Шайхзоданинг “Шоир қалби дунёни тинглар” шеърининг олинган қуйидаги парчага эътибор қаратайлик:

*Товушларнинг кичик, улуги,
Товушларнинг ҳиди – бўйи бор.
Товушларнинг совуқ, илиги,
Товушларнинг ранги-рўйи бор.*

²² Лекант П.А. Современный русский литературный язык. – М., Высшая школа, 1988. – С. 263; Зайнутдинова Д.Т. Необычные словосочетания в русском и узбекском языках. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – С. 5-19.

²³ Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 40-41.

*Товушларнинг ширин-аччиги,
Бордир ҳатто юмшоқ, қаттиги.
Шоир рассом бўлсайди агар,
Чизар эди шундан лавҳалар.*

Юқорида келтирилган шеърӣ парчада *товушларнинг кичиги, товушларнинг ҳиди, товушларнинг совуғи, товушларнинг ранги, товушларнинг ширини, товушларнинг юмшоғи* каби бирикмалар ғайриодатийлиги, “янгилиги”, ноодатийлиги билан матн таркибида алоҳида ажралиб туради.

Ноодатий бирикмалар грамматик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Биз тўплаган материалларда сифат + от модели икки компонентли атрибутив бирикмалар оксюмаронни шакллантиришга кўпроқ хизмат қилади. Масалан, ўзбек тилида форсча-тожикча “ширин” сўзи “*шакар, бол, қиём ва шу кабиларнинг таъмига оид*” маъносини билдиради (ЎТИЛ-5, 1У, 579). Шунга биноан бу сўз ижобий баҳоли сўзлар билан келиб, *ширин олма, ширин сўз, ширин жон, ширин суҳбат* сингари бирикмалар ҳосил қилади. Худи шу қолипдаги бирикма зид маъноли сўзлар билан ҳосил қилинса, ноодатий, оксюмаронли бирикма вужудга келади: *ширин дард, ширин гам, ширин ўлик, ширин азоб, ширин ситам, ширин қийинчилик* каби. Масалан: “- *Отахон жаннати одам эканлар. Жуда ширин ўлик бўптилар*” (Саид Аҳмад. Лаб ҳақида достон). *Оксюмарон // оксиморон* сўзи юнонча (*охутогон – закий нодон*) бўлиб, қарама-қарши маъноли сўзлардан фавқулодда янги мазмун келтириб чиқаришга асосланган кўчим туридир. Оксюмарондаги мана шу хусусият унга кучли образлилик бахш этади²⁴.

Ёзувчи Назар Эшонкул ижодидаги “*бадбахт чехралар*” ноодатий бирикмаси ҳам худди шу модел асосида шаклланган, оксюмаронли, ноодатий бирикмадир:

Бадбахт чехралар – Худди қора чимматининг пардасини кўтариб, юрагингизни ўрташ учун сизга бир қараб қўйган гўзал форс қизи янглиғ унинг мавҳум, ҳалқалари бир-бирини зўрға ушлаб турган занжирдай узундан-узун жумлаларининг юзидаги ниқоби

²⁴ Салаев Ф., Қурбонӣзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 172.

остидан баъзан менга улуғ ёзувчининг бадбахт чехралари кўриниб кетарди²⁵.

Ҳозирги ўзбек шеъриясида фаол қўлланилаётган “дилбар сукунат”, “дилбар коинот” сингари ноодатий бирикмалар ҳам худди шу модел асосида шаклланган: *Сукут. Сукут. Дилбар сукут // Қалбда хаяжон* (Ш.Салимова); *Сен борсан – мен учун гўзал бу ҳаёт // Сен борсан – мен учун дилбар коинот* (А.Орипов) кабилар. Шу модел асосида шоир Абдулла Орипов томонидан яратилган “қари ўсмир” ноодатий бирикмаси эса бадий матнда юмористик фонни юзага келтириш учун хизмат қилган: *Етмишинчи йилларда қари бир ўсмир бўлиб, // Кўлтиқда Данте билан унинг ортидан чопдим* (А.Орипов).

Ўзбек тилида *сифатдош + от* модели икки компонентли атрибутив бирикмалар ҳам ноодатий оксюмаронли бирикмаларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Масалан, “бақирмоқ” феъли “*овозни борича қўйиб, шангиллаб гапирмоқ, қичқирмоқ*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ-5, 1, 187). Бу сўз сифатдош кўшимчасини қабул қилгач, *бақирган киши, бақирган бола, бақирган талаба* сингари бирикмалар таркибида аниқловчи вазифасини бажаради. Шу модел асосида шоир Рауф Парфи “*бақирган сукунат*” ноодатий бирикмасини ҳосил қилган эди.

Ўзбек тилида қаратқичли аниқловчи + қаралмиш модели атрибутив бирикмалар ҳам оксюмаронлар кенг қўлланмоқда. Масалан:

Ҳасрат боғи – Ўзбекистон Халқ шоири Шукурулло асари асосида қўйилган “*Ҳасрат боғи*” спектаклидаги воқеалар, фалсафий мулоҳазалар тоталитар тузум зуғумларини ўз тақдирида синаган халқ шоири ва драматург умр дафтариининг мазмуни десак муболаға бўлмас (Ислотов Т. *Ҳасрат боғи // ЎзАС*, 14.07.2006).

Виждон кўнғирогги – Неъмат Аминов адабиётда, ҳаётда *виждон кўнғирогини* мардона чалиб кетди, десак муболаға бўлмайди. Бу бебаҳо ва беозор кўнғироқ устозни билганлар, кўрганлар ва асарларини ўқиб-уқиганлар қалбида, хотирасида ҳамиша акс-садо бериб туришига ишонамиз (Жўраев А. Устознинг тилло табассумлари // *ЎзАС*, 14.07.2006).

²⁵ Н.Эшонкул. Маймун етаклаган одам, қиссалар ва ҳикоялар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. Ишда ёзувчи Назар Эшонкул асарларидан олинган мисоллар шу нашрдан келтирилади, қавс ичида “Н.Эшонкул” қисқартмаси қўйилади.

Оғриқ лаззати – сарлавҳа. Ёзувчи Назар Эшонкул ўз хикояларидан бирига шундай оксюмаронли сарлавҳа қўйган. “Оғриқ лаззати – энг олий лаззат, - деб ёзишарди маҳкумлар билан қилинган суҳбатларда, - бу лаззатни фақат оғриққа маҳкум бўлгач сезиш мумкин” (Н.Эшонкул); *Оғриқ фароғати* – Шундагина биз оғриқ фароғатидан сўнг ҳам унинг ўзимиз турган заминга тушмаганини англадик – у нариги ёқда, лаззат юртида қолган эди – унинг жонсиз танаси ҳам санъат асарига айланган ва яшноқ гулларга кўмилиб ётарди (Н.Эшонкул) кабилар.

Бундай қаратқичли бирикмаларнинг айримлари уч ва ундан ортиқ компонентли мураккаб ноодатий бирикмалардир: *Рўёдай омонат умидсизлик панжаралари* – Шунда сенинг кўнглинг дилбар, латиф, орзуманд туйғулар билан тўлади ва ҳаётингни бошқатдан бошлагинг, кўз олдингдаги рўёдай омонат умидсизлик панжараларини парча-парча қилиб ташлагинг келиб қолади (Н.Эшонкул); *Сирли фалак қалъаси* – Сенга менинг бу оху воҳларим етмайди. Сен хаёллар ҳам етиб боролмайдиган сирли фалак қалъасига яширингансан (Н.Эшонкул) кабилар.

Ўзбек тилида объектли муносабатга асослаган ноодатий бирикмалар ҳам маълум даражада учрайди. Масалан, шоир М.Абдулҳакимов ижодида “*оғриқларни севиб қолганман*” ноодатий бирикмаси кўзга ташланади. Бу бирикмада ҳоким компонент ўтимли феъл (*севиб қолмоқ*) ўзидан олдин тушум келишигидаги тўлдирувчи (*оғриқларни*) ни талаб қилган ва шу асосда объектли муносабат асосида тўлдирувчили бирикма шаклланган.

Тилимизда объектли муносабатга асосланган айрим ноодатий бирикмалар ҳам шаклланиб бормоқда, бунда бадий таржималарнинг улуши каттадир. Масалан, рус шоири Е.Евтушенко ижодида “*очлик билан тўқман*” ноодатий бирикмаси учрайди. А.Ахматовада эса “*увос тортиб ширин йиғлайман*” ноодатий бирикмаси ҳосил қилинган.

Шоир Рауф Парфининг “*Муҳаббат*” шеърідан олинган куйидаги матнга диққат қилайлик:

*Лов-лов ёнаётир қуёш – ул нажот,
Осмон чорлаётир, чорлар юксак тоғ.
Шундай юрагимда товушсиз фарёд,
Мен сенга инонмоқ истайман, эвоҳ..*

Бу шеърый матнда *товушсиз фарёд* ноодатий бирикма саналади, негаки бу бирикмани ташкил этувчи сўзлар (*товуш* ва *фарёд*)нинг маънолари бир-бирига зид, яъни форсча-тожикча “фарёд” сўзи “меъеридан ортиқ овоз билан нола (қилиш), дод солиб йиғлаш, додлаш” маъноларини билдиради (ЎТИЛ-5, 1У, 325-326), “овоз, садо, сас” маъноларини билдирувчи “товуш” (ЎТИЛ-5, 1У, 130)нинг зиди бўлган “товушсиз” сўзи эса унга аниқловчи сифатида қўлланган ҳамда яхлит сўз бирикмаси ҳосил қилинган. Ана шунинг ҳисобига бу сўз бирикмаси ноодатий бирикмага айланиб матнда кучли эмоционалликни ифодаловчи асосий воситалардан бирига айланган.

Бадий матнларда қўлланган айрим ноодатий бирикмалар оксюмаронлар предикатив муносабатга асосланган бирикмалардан ҳамда содда гап қолипни моделлардан иборат. Масалан, шоир Йўлдош Эшбек ижодида “*кулфатлар синди*” ноодатий бирикмаси қўлланган. Бу оксюмарон содда гап қолипни предикатив муносабат асосида шаклланган. Шоир Эшқобил Шукур ижодидаги “*лекин улугвордир ҳасад*” ноодатий бирикмаси ҳам ўзаро предикатив муносабатга асосланган. Ҳозирги ўзбек матбуотида қўлланилаётган “*футбол оқармоқда*”, “*бокс оқармоқда*” сингари ноодатий бирикмалар ҳам предикатив муносабатга асосланган ҳолда шаклланган:

Футбол қораймоқда – Германияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон биринчилиги яқунларига доир баъзи мулоҳазалар (ЎзАС, 14.07.2006). М.Аҳмедовнинг мақоласига шундай сарлавҳа қўйилган. Бу билан футбол чемпионатида қора танли футболчилар кўпроқ иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритаётганлигига ишора мавжуд: “Гана, Того, Кот д-Ивуар, Тринидад ва Тобаго, Ангола командаларининг маҳорати мухлисларга яхши совға бўлди. Навбатдаги жаҳон биринчилиги илк марта Африка қитъасида бўлади. Қитъа футболлари бугун Европа даражасида ривожланмоқда. Англия, Франция, Португалия, Россия каби мамлакатларнинг номдор клубларида қора танли ўйинчиларнинг нуфузи тобора ошиб бораётир. Улар маҳорат бобида бошқаларга ўртак бўлишмоқда” (ЎзАС, 14.07.2006).

Бокс оқармоқда - ...бир ҳамкасбимиз ака-ука Кличколарни назарда тутиб “*Бокс оқармоқда*” дея ёзганидай, биз ҳам юқоридаги

сарлавҳани танладик. Лекин гап, билсангиз ва эътибор қилсангиз, рингда ҳам, рангда ҳам эмас... (ЎзАС, 14.07.2006).

Ухлаётган бахтни уйғотинг – “ЎзАС”нинг 9 июнь сонида чоп этилган Дамин Жўрақуловнинг “*Ухлаётган бахтни уйғотинг*” мақоласида ёзилганидек, инсон ўз вақтининг қули эмас, жиловдори бўлиши зарур. Чунки беҳуда ўтган ҳар бир дақиқамиз қайтмайди (ЎзАС, 14.07.2006).

Шундай қилиб, ўзбек тилида ноодатий бирикмалар асосан атрибутив, қаратқичли, объектли муносабат асосида шаклланади, айрим ноодатий бирикмалар эса содда гап қолипли предикатив муносабат асосида юзага келган ҳамда ноодатий бирикмаларнинг барча структурал кўринишлари бадиий, публицистик матнларда фаол қўлланиши билан характерланади.

Назорат саволлари:

1. Сўз бирикмаси ва унинг турлари ҳақида тушунча.
2. Эркин сўз бирикмаси ва турғун сўз бирикмаси орасидаги муносабат ҳақида.
3. Ноодатий бирикма ва унинг грамматик структураси ҳақида.
4. Матнларда ноодатий бирикма (оксюмаронли бирикма)ларнинг қўлланиш хусусиятлари.

5. МАТН КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ ПОҒОНАЛИ МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА

Таянч сўз ва иборалар: *матн компонентлари, якка сўз ва матн, сўз бирикмаси ва матн, гап ва матн, матнда поғонали муносабат, мураккаб синтактик қурилма ва матн, абзац ва матн.*

Ҳозирги кунга келиб матн лингвистикаси тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланди, бу соҳада янгидан-янги умумлашмалар қилинмоқда. Бу соҳанинг шаклланиши ва ривожиди таниқли олим, проф. Б.Турсуновнинг алоҳида ҳиссаси бор эди. Худди шу олим ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида матн таҳлилига бағишланган бир неча марта халқаро ва республика илмий анжуманлари ўтказилган. Шулардан 1998 ва 2000 йилларда уюштирилган илмий анжуманлар ўз кўлами жиҳатдан матн

лингвистикаси тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади²⁶. Бу анжуманларнинг бирида проф.Б.Турсунов иловали курилмаларни матннинг синтактик-стилистик категорияси сифатида ўрганиш ҳамда уларнинг матндаги поғонали муносабати ҳақида муҳим фикр-мулоҳазаларни билдирган эди²⁷.

Аввало шуни айтиш керакки, матн бир сўздан, сўз бирикмасидан, ва бир гапдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Бундай матнларнинг биринчиси бир компонентли бўлади. Бунга махсус қўлланишли сўзлар мисол бўла олади. Масалан: 1. “Сароб”, “Сумбул”, “Турналар”, “Аяжонларим”, “Диёнат”, “Умид”, “Ҳукм”, “Уфқ”, “Ғилдирак”, “Садоқатнома”, “Муҳаббатнома”, “Куёв”, “Жимжитлик”, “Алпомиш” – бадий асарларнинг номлари (идеонимлар ёки библионимлар); 2. “Тошкент”, “Ўзбекистон”, “Лондон” – хариталар номлари ва ҳ.к.

Сўз бирикмаси орқали ифодаланган матн ҳам кўпроқ бирор санъат асарининг номи (идеоним) сифатида воқеланади: *От билан суҳбат; Кўҳна дунё; Улуғбек ҳазинаси; Қайтар дунё, Юлдузли тунлар* кабилар.

Айни пайтда бундай матнлар икки компонентли саналади ва бу орқали бир сўзли матндан фарқланади. Бироқ сўз бирикмаси билан ифодаланган матн фақат икки компонентли эмас, балки кўп компонентли бўлиши ҳам мумкин: *Менга етиб келмаган хат; Икки эшик ораси; Тушда кечган умрлар; Она лочин видоси; Беш болали йигитча; Қшидан қолган қарғалар; Дайди қизнинг дафтари* – бадий асарларнинг номлари.

Гап орқали ифодаланган матн компонентлари вазифасида ҳам сўзлар қатнашади: *Сени Ватан кутади. Ўзбекистон – мустақиллик диёри* кабилар.

Лекин матн тилшунослиги муаммоларини бир сўзли, бирикма ёки бирор содда гап билан ифодаланган матнлар асосида ўрганиш, унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай матнларга таяниб тил системаси бирликларининг нутққа кўчирилишига оид масалалар тавсифини мукамал ҳолатда амалга ошириб бўлмайди. Бундан ташқари, кичик матнлардан микро- ва макросистема

²⁶ Лингвистическая интерпретация специального текста и активизация обучения иноязычному общению. Материалы международной теоретической конференции 28-30 сентября 1998 года. – Самарканд: СамГУ, 1998. – 254 с.; Матн ва унинг талқини (хвлқаро илмий-назарий конференция материаллари). – Самарканд: СамДЧТИ нашри, 2000. – 255 б.

²⁷ Турсунов Б.Т. Ягона синтактик-стилистик категория остида // Матн ва унинг талқини (хвлқаро илмий-назарий конференция материаллари). – Самарканд: СамДЧТИ нашри, 2000. – Б. 10-14.

ҳақида, матн компонентларининг семантик ва синтактик боғланиши хусусида ҳам тўлиқ маълумот ололмаймиз. Шунинг учун матн тилшунослиги масалаларини катта матнлар, ҳеч бўлмаганда, матн мақомидаги мураккаб синтактик қурилмалар асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. М.Абдупаттоев бундай синтактик қурилмаларни суперсинтактик бирлик (ССБ)лар термини билан номлаган эди²⁸.

Ҳозирги замон тилшунослигида матн компонентлари таснифи масаласи ҳам анча мураккабдир, чунки мустақил сўздан бошлаб, гап, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац, боб кабиларнинг барчаси матн компонентлари жумласига киради ва улар матн таркибида поғонали (иерархик) муносабатга киришади. Қуйида ана шулардан баъзиларига тўхтаб ўтамиз.

Матн бир сўз билан ёки сўз бирикмаси билан ифодаланганда унинг компоненти вазифасида мустақил сўз келади. Масалан, “Юлдузли тунлар”, “Чаён йили”, “Ҳижрон кунларида”, “Йиллар армони”, “Ёшлик девони”, “Истамбул фожияси”, “Мунгли кўзлар”, “Жаннати одамлар”, “Уфқ бўсағасида”, “Келинлар қўзғолони”, “Авлодлар довони”, “Чотқол йўлбарси” сингари сўз бирикмаси орқали ифодаланган матнларни икки компонентли деб атаймиз.

Матн компоненти сўз бирикмаси тарзида келиши ҳам мумкин. Лекин сўз бирикмасини бирор жиддий зарурат туғилгандагина матн компоненти тарзида ўрганилади. Одатда катта матнлар бир нечта гапдан ташкил топган бўлади. Шунинг учун гап матннинг асосий компоненти саналади: *Айвонда китоб ўқиб ўлтирган Гавҳаршод бегим гоҳо саҳифалардан кўзини олиб, ўша тоғлар атрофида ўралашадиган булутларга ўйчан тикилади. Баланд тоғ тизмаси устидан ошиб ўтолмайдиган оғир қора булутлар чўққилар бошига шамол бўрони келтириши, дўл ёғдириши бегимнинг қўлидаги Яздий “Зафарнома”сининг таҳликали воқеаларига ўхшаб кетади* (П.Қодиров. Она лочин видоси).

Берилган матн икки компонентли бўлиб, бу компонентлар кетма-кет келмоқда. Агар мазкур матн компонентларининг ички қурилишини таҳлил этиш лозим бўлса, ҳар бир гапни алоҳида ўрганиш ва уларнинг нечта сўздан ташкил топаётганлигига эътибор берилади: Матннинг биринчи компоненти ўн олти сўзнинг, иккинчиси эса ўттиз сўзнинг ўзаро муносабатидан ташкил топмоқда. Айтиш лозимки, матн таркибига кирган барча гаплар бир-бири билан маъно жиҳатидан ҳам синтактик жиҳатдан ҳам боғланган бўлади. Аммо бу боғланишни гап таркибидаги сўзлар боғланиши билан тенглаштирмаслик лозим. Чунки гап

²⁸ Абдупаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. НДА. – Тошкент, 1998. – Б. 4-6.

компонентларининг бири бош бўлак, бошқалари эса иккинчи даражали бўлак тарзида синтактик вазифа бажаради. Матн компонентларининг ўзаро боғланиши эса, биринчи навбатда гапларнинг маъноларига асосланади. Шунинг учун ҳам бунда “боғланишли нутқ” тушунчасидан фойдаланиш ўринлидир.

Мураккаб синтактик қурилма компонентлари ўзаро икки хил боғланади. Уларнинг бирини тенг боғланиш деб, иккинчисини эса эргаш боғланиш деб номлаймиз. Шунга биноан мураккаб синтактик қурилмаларни ҳам фарқлаб ўрганамиз:

1. *Турсунбой ювиниб уйга ўтиб кетди-да, бир оздан кейин кийиниб чиқди. У чинакам биров ҳавас қилса арзийдиган йигит бўлганди* (Саид Аҳмад. Уфқ).

2. *Кучи, гайрати танига сиғмайдиган бу йигит кўча эшиги олдида ўтириб, атайин кучини кўрсатиб қўйиши учун эшак қўшилган араванинг орқасидан тортиб юргизмай қўяр, қондаги бугдойми, унми, нима бўлса тиши билан кўтариб иргитарди* (Саид Аҳмад. Уфқ).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида компонентлари тенг боғланишли, иккинчисида эса компонентлари муносабатлари эргаш боғланишга асосланган мураккаб синтактик қурилмаларни кўрамыз.

Матн компонентлари вазифасида абзац ҳам келади. Абзац, албатта, том маънода матн саналади. Бироқ у катта матн таркибида унинг компоненти ҳисобланади, чунки матн таркибидаги фикр тугаллиги бир неча абзац сатҳида берилади. Абзац матн таркибида, хусусан, семантик жиҳатдан муҳим мавқега эгадир. Буни матнда ифодаланаётган умумий хабарнинг қисмларга бўлиб берилишида янада аниқроқ кўриш мумкин. Чунки ҳар бир абзац матннинг маълум бир мазмуний парчасини тақозо этади:

Низомжон бирдан лоҳас бўлиб яна ёстиққа бош қўйди. Бадани гўё куйиб кетгандек бўлди. Бу одамларга ортиқча ташивиш бўлди-ку, энди кўрмагани шу қолдими?

Кўзи илиниб уйқуга кетди. Жаннат хола унинг устига Икромжоннинг тўнини ёпиб ёстигини тузатди. Низомжон гарқ терга пишган, чаккаларидан маржон-маржон тер қўйяпти (Саид Аҳмад. Уфқ).

Кўринадики, мисол сифатида берилган ҳар икки матн ҳам маъноларига кўра бир-бири билан боғланмоқда. Катта матн таркибида қўлланилар экан, абзац матннинг умумий маъноси билан қандайдир йўсинда боғланган бўлади. Бундай боғланиш, юқорида стилистик усул тарзида кўриб ўтганимиз сингари, икки матн ўртасида кузатилмаслиги ҳам мумкин. Лекин катта матнда ифодаланган умумий маънонинг қандайдир парчаси билан ҳар бир абзац алоқадор бўлади.

Катта матн таркибида келувчи компонентлар ўз грамматик категорияларига кўра бир хил бўлмайди, албатта. Уларнинг бири сўз, иккинчиси сўз бирикмаси, учинчиси гап, тўртинчиси мураккаб синтактик қурилма, бешинчиси абзац ва ҳоказо категорияларда бўлиши мумкин. Аммо ана шу категориялардаги ҳар бир компонент синтактик ва семантик фаоллашуви жиҳатидан поғонали муносабатни тақозо этади. Қуйида ана шу масала тавсифига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Матн бир сўз билан ифодаланган бўлса, унда тил бирликларининг поғонали муносабати фонема, морфема ва сўзлар мисолида кузатилади. Масалан, *китобхонларга* сўзи билан ифодаланган матн компонентларининг поғонали муносабатига эътибор берайлик. Бунда 13 фонема ишлатилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзларига тегишли морфема таркибида фаоллашмоқда: *китоб +хон+лар+га*.

Мазкур морфемалар эса сўзнинг таркибий қисмлари сифатида синтагматик қатор сатҳида фаоллашмоқда.

Матн сўз бирикмаси билан ифодаланган бўлганда ҳам поғонали муносабат юқорида эслатиб ўтилган морфемалар мисолида бўлади, зотан, сўз бирикмаси номинатив бирликни тақозо этади. Агар сўз бирикмасини гапнинг сатҳида ўрганадиган бўлсак, поғонали муносабат сўз бирикмаси ва гап категориялари ўртасида вужудга келади: *Мактабимиз боғи чиройли* (мактабимиз боғи, боғ чиройли). Бироқ бундай вазиятда сўз бирикмаси матн мақомида бўлмайди.

Матн гап билан ифодаланган бўлса, поғонали муносабат сўз ва гап доирасида вужудга келади: *Ўзбекистон – келажаги буюк давлат*. Айни пайтда қўлланилаётган ҳар бир сўз гап таркибида синтактик ва семантик фаоллик олмақда.

Матн компонентлари гап ёки мураккаб синтактик қурилмалар билан ифодаланганда улар орасидаги поғонали (иерархик) муносабат бирмунча мураккаблашади. Бошқача айтганда, гап мураккаб синтактик қурилма ёки матн таркибида синтактик фаоллик олади. Мураккаб синтактик қурилма эса, ўз навбатида, абзац ёхуд катта матн сатҳида синтактик актуаллик олади. Абзацнинг синтактик фаоллиги ҳам, ўз навбатида, ўзидан катта боб ёки матнда таъминланади. Шунинг учун бир боб таркибида ёки бобларга бўлинмаган матн таркибида бир пайтнинг ўзида бир неча абзац синтактик фаоллик олиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Матн компонентлари ва уларнинг таснифи ҳақида.
2. Сўз бирикмаси орқали ифодаланган матнда поғонали муносабатнинг намоён бўлиши.

3. Мураккаб синтактик курилма орқали ифодаланган матнда поғонали муносабатнинг намоён бўлиш усуллари.

4. Катта матн таркибида компонентларнинг поғонали муносабати.

6. МАТНДА ГУМОН ОЛМОШЛАРИНИНГ АЙРИМ СЕМАНТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: сўз туркуми, мустақил сўз туркуми, олмош, гумон олмоши, сўроқ олмошлари, олмошларда келишик, эгалик, кўплик қўшимчалари, ноаниқлик, гумон маъноси, функционал-услубий хусусият, матнда олмошнинг актуализаторлик вазифаси.

Ўзбек тилида гумон олмошлари предмет, белги ёки ходиса ҳақидаги ноаниқ тасаввурни билдириб, уларга умумий, мавҳум (абстракт) ва тахминли ишора қилиши билан характерланади²⁹. Гумон олмошлари номаълумликни – сўзловчи шахс, субъект аввал учратмаган ёки тушунтириб бера олмайдиган нарса-ходиса тушунчасини билдиради. Гумон олмошлари орасида фаол қўлланувчи *қандайдир* олмошида ана шу мавҳумлик, номаълумликнинг айрим жиҳатлари рўёбга чиқади ёки актуаллашади. Масалан: *Қошлари бир-бирига туташган, қисилган кўзлари тўрда сурат бўлиб қолган Фазилатга қадалган, лунжлари ичига ботиб кетган қорамтир юзида газаб эмас, йўқ, қандайдир чексиз бир алам муҳрланган* (О.Ёкубов. Диёнат). Келтирилган матн таркибидаги “қандайдир” гумон олмоши жуда ҳам чексиз, поёнсиз ғам-алам билан тўлган қахрамон ички дунёсини очишга восита бўлган.

Энди публицистик услуб намунаси бўлган қуйидаги парчага эътиборни қаратайлик: *Кеча кечқурун осмондан қандайдир номаълум жисм учиб тушди* (“Халқ сўзи”). Бу парчада ифодаланувчи мавҳумлик, гумон оттенкаси икки сўзда – ҳам “номаълум” сўзида, ҳам “қандайдир” гумон олмошида оўёбга чиқмоқда. Шу ўринда келтирилган парчада “қандайдир” гумон олмоши ортиқчадек, грамматик плеоназм (ортиқчалик) ҳодисаси содир бўлаётгандек туюлади. Агар биз юқорида келтирилган

²⁹ Бу ҳақда қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 359; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 318 ва бошқалар.

гапнинг бошқача вариантыни ўзаро қиёсласак, матн таркибида “қандайдир” гумон олмошининг функционал ўрни ўз-ўзидан англашилади: *Кеча кечқурун осмондан қандайдир номаълум жисм учиб тушди // Кеча кечқурун осмондан номаълум жисм учиб тушди*. Бу парчалар қиёси шундан далолат берадики, “қандайдир” олмошининг матнда қўлланиши билан шу матн ёрдамида ифодаланаётган номаълумлик оттенкаси кучли, таъсирчан тарзда намоён бўлади ҳамда ўша номаълум нарсанинг қандайлигига қизиқиш оттенкаси ҳам рўёбга чиқади. Шунга кўра тилшунос олимлар гумон олмошлари ва бошқа айрим тур олмошлари матнда қўлланилиши билан услубий актуализаторлик хусусияти намоён бўлишини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқдалар³⁰. Шунга кўра, гумон олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари ўрганилаётганда уларни матн таркибидаги бошқа тил бирликлари билан ўзаро уйғунлигини аниқлаш, шу асосда *қандайдир*, *нимадир*, *қачондир*, *қаергадир*, *кимдир* сингари гумон олмошлари англаган семантик-услубий оттенкаларни микроматн қуршовида белгилаш лозим бўлади.

Шуни унутмаслик лозимки, гумон олмошларидан матнда фойдаланиш ҳаммавақт ҳам функционал-услубий жиҳатдан кутилган натижани беравермайди, яъни улар орқали оддийгина маълумлик-номаълумлик хусусияти ифодаланади-ю, лекин бу матндан муҳим, эмоционал таъсирчанликни кутиш қийин бўлади. Масалан: *Мен кўчадан нимадир топиб олдим* (Халқ сўзи). Публицистик услубга хос оддий хабар мазмунидаги бу гапда “*нимадир*” олмоши оддийгина номаълумлик маъносини ифодалашга хизмат қилмоқда. Бу матн таркибидаги гумон олмошидан қўшимча функционал-услубий хосланишни кутиш қийин.

Энди бадиий услубга хос қуйидаги матнга диққат қилайлик: *Негадир бурчакка қисилиб, мум тишлаб олган Фазилат ортиқ чидаб туролмади. Бирдан овозининг борича уввос тортиб йиглаб юборди* (О.Ёкубов. Диёнат). Келтирилган матн бошида қўлланган “*негадир*” гумон олмоши ўз хатти-ҳаракатидан қаттиқ пушаймон

³⁰ Сулейманова О.А. Местоименные актуализаторы *весь и целый* в современном русском языке // Филологические науки. 1985. № 4. – С. 18-22; Смирнов Ю.Б. Семантико-функциональные особенности неопределенных местоименных прилагательных // Русский язык в школе. 1985. № 4. – С. 14-16; Хамроев М.А. Ҳозирги ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 51-57.

бўлиб, асаблари таранглашган Фазилат ички кечинмаларига ишора қилмоқда. Қаҳрамон эри Жаббор тирик бўла туриб, Бўрибоевнинг алдовларига учиб, унга тегиб олган, эри фронтдан келганини эшитиб, нима қилишини билмай турган идора ҳисобчиси Фазилатнинг қалб туғёни ифодаланишига “негадир” гумон олмоши актуализаторлик (ишора қилувчилик) вазифасини бажаради. Бундай пайтда гумон олмошларининг матндаги кўшимча маъно хусусияти, услубий жиҳатлари ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Гумон олмошларидан матнда сўзловчига кўпроқ маълум бўлган предмет, воқеа-ҳодисаларга нисбатан кўллаш мантикқа тўғри келади. Масалан: *Ва кўп ҳолларда, маънавият ҳақида бериладиган саволларга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, қандайдир ноаниқ, саёз жавобларни ҳам эшитишга тўғри келади* (И.Каримов. Ю.м., 18). Келтирилган матнда “қандайдир” гумон олмоши ўзидан кейинги “ноаниқ”, “саёз” каби мавҳумликни билдирувчи сўзларни маъно жиҳатдан тўлдириб, услубий жиҳатдан кучайтириб келишга хизмат қилган, яъни бу матнда “қандайдир” гумон олмоши стилистик актуализатор вазифасини бажариб келмоқда.

Шуниси муҳимки, ноаниқлик, гумон маъносини билдирувчи *кимдир, нимадир, қайсидир, қаёқдадир, қанақадир, қандайдир, қачондир* олмошларига келишик, эгалик ва кўплик кўшимчалари – *дир* элементида олдин кўшилади, бундай грамматик ҳолат ноаниқлик, гумон маъносининг матнда кучли тарзда таъкидланишига хизмат қилади: *...бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришига ҳаракат қилади* (И.Каримов. Ю.м., 12); *Саида ниманидир мулоҳаза қилиб, мажлисда Қаландаровга ҳеч нарса демади* (А.Қаҳҳор. Синчалак) кабилар.

Ўзбек тилида гумон олмоши баъзи сўроқ олмошларига “ҳам” ёрдамчисини кўшиш орқали ҳам ҳосил қилинади. Шуниси муҳимки, “ҳам” ёрдамчиси сўз ўзгартувчи кўшимчалар ёки кўмакчилардан кейин кўшилади: *Толибжон нима билан ҳам ўз фикрини исботламоқчи бўлди, лекин урдасидан чиқа олмади* (Саид Аҳмад. Жимжитлик) кабилар.

Ўзбек тилида “*бирова*” сўзи кўпинча гумон олмоши сифатида кўлланилиб, *бегона, бошқа, нотаниш, ноаниқ одам, ноаниқ шахс, аллаким, кимдир* сингари маъноларини алоҳида таъкид билан ифодалашга хизмат қилади: – *Томорқани бирова кўтариб кетармиди, тураверади-да, - деди кампир ўғли ҳозироқ кетмонни кўтариб томорқа томон жўнашидан ҳадиксираётгандек* (Ш.Бўтаев. Даста райҳон) кабилар.

Баъзи сўзи кўплик қўшимчасини олган ҳолда гумон олмоши вазифасини бажаришга хизмат қилади. Аслида “*баъзи*” сўзи ноаниқ белги, хусусият маъносини билдириб, матн таркибида кўпинча сифатловчи аниқловчи вазифасини бажаради ҳамда бу сўз “*айрим*” сўзи билан маънодошлик ҳосил қилади. Қиёсланг: *баъзи одамлар // айрим одамлар; баъзи уйлар // айрим уйлар*.

Шундай қилиб, ўзбек тилида гумон олмошлари сўроқ олмошларига –*дир, алла-* элементларини қўшиб ҳосил қилинади, “*бирова, бирон, бирор*” сўзлари ҳам гумон олмоши маъносида кўлланилади ҳамда бу олмошлар матн таркибида ноаниқлик, гумон маъноларини кучли таъкид, алоҳида таъкид йўли билан ифодалаб, матнга хилма-хил экспрессив ҳолатларни рўёбга чиқаради, баъзан эса матнда актуализаторлик вазифасини бажаради. Матнда “*бир нима*”, “*қай бир*”, “*баъзи*”, “*баъзилар*” каби сўзлар ҳам ўрни билан гумон, ноаниқлик маъноларини ифодалашга восита бўлади.

Назорат саволлари:

1. Олмошларнинг таснифий белгилари ҳақида тушунча.
2. Гумон олмошлари орқали матнда мавҳумлик, ноаниқлик, гумон маъноларининг ифодаланиш хусусиятлари.
3. “Баъзи”, “айрим”, “бир нима” каби сўзларнинг матн таркибида олмош вазифасида қўлланиши.
4. Гумон олмошлари матн таркибида актуализатор сифатида.

7. МАТНДА ЖАМЛОВЧИ ОЛМОШЛАРНИНГ АЙРИМ ФУНКЦИОНАЛ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: сўз туркуми, мустақил сўз туркуми, олмош, жамловчи олмош, сўроқ олмошлари, жамловчи олмошларда келишик, эгалик, кўплик қўшимчалари, тўдалик, жамлаш, белгилаш маъноси, функционал-услубий хусусият, матнда жамловчи олмошнинг актуализаторлик вазифаси.

Маълумки, олмошлар от, сифат, сон, равиш сўз туркумлари ўрнида, ҳатто, бир гап ёки матн ўрнида нутқий ихчамлик учун фойдаланиладиган сўзлар бўлиб, улар нутқ жараёнида нутқий алоқа вазифасини бажаради. Олмошларнинг ҳар бир семантик тури матн таркибида нутқий алоқа вазифасини, дейктик (ишора қилиш, кўрсатиш) вазифасини бажаради [ТТИЛ, 74-75]. Олмошларнинг барча семантик турлари услубий жиҳатдан вазифадошлик (синонимик) ва таъсирчанлик (эмоционал-экспрессив) ифодасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан: *Ҳаммага яхши маълумки, Ўзбекистон аҳолиси кўп миллатли мамлакат ҳисобланади. Бу юртда юзга яқин миллат ва элат вакиллари яшайди* (Ўзб. овози). Келтирилган матнда иккита олмош тури қўлланган бўлиб, биринчи гап белгилаш олмош “ҳамма” билан бошланган, кириш бирикма таркибида қўлланган бу олмошни унинг вазифадоши “барча” билан алмаштириш мумкин, бундай алмашинув ўша гапнинг эмоционал-экспрессив хусусиятига таъсир этмайди. Матн таркибидаги 2-гап “бу” кўрсатиш олмоши билан бошланган, бу олмош матнда дейктик (ишора қилиш) функциясига эга, шу билан бирга бу сўз матндаги ана шу икки гапни семантик жиҳатдан боғлаш, муносабатга киритиш, уларнинг ўзаро яхлитлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қилади.

Ўзбек тилига доир дарслик ва қўлланмаларда таъкидланишича, жамлаш-белгилаш олмошлари предмет ва шахсларнинг йиғиндисини, тўдасини билдиради ёки уларни айириб, таъкидлаб кўрсатади. Шунга кўра жамлаш-белгилаш олмошлари жамлаш ва белгилаш олмошлари деб икки кичик гуруҳга ажратиб ўрганилмоқда³¹. И.Суяров ўз номзодлик ишида белгилаш олмошларини қуйидагича уч гуруҳга ажратиб тасниф қилади: а) умумлаштирувчи-белгилаш олмошлари: *ҳамма, барча, бари, бутун, тамом, жами, бор*; б) яқкалик-айирув белгилаш олмошлари: *ҳар, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай* каби; в) қисман-айирув белгилаш олмошлари: *баъзи, айрим, бир хил* каби³².

³¹ Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 311; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 311-312; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 232; Замонавий ўзбек тили. 1-жилд. Морфология. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008. – Б. 426-431 ва бошқалар.

³² Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Самарканд, 1966. – С. 25-26.

Тилшунос олимлар жамлашни ифодаловчи белгилаш олмошларига *ҳамма, бари, жами, барча, бутун, ялли* каби сўзларни киритадилар. Матн таркибида бу олмошлар қаторида энг функционал жиҳатдан фаоллари *ҳамма* ва *барча* олмошларидир.

“*Ҳамма*” олмоши предмет ҳамда шахслар ўрнида қўлланиб, от характерида, предмет белгисини кўрсатиб, сифат характерида келади ҳамда предмет ёки шахслар тўдасини, ёки уларнинг белгисини ифодалашга хизмат қилади, матн компонентларини мантиқий жиҳатдан боғлаш, муносабатга киритишда асосий дейктик восита саналади: *Япония ёки Жанубий Кореяни олайлик. Бу мамлакатларнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейин қандай оғир аҳволга тушиб қолганини ҳаммамиз яхши биламиз* (И.Каримов. Ю.м., 26); *Тарихимиз саҳифалари шундан далолат берадики, юртимиз ривожини ҳамма замонларда ҳам бир текис кечмаган* (И.Каримов. Ю.м., 50); *Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи тугилиб ўсган юрти ва халқидан тонишига, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишига ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришига қаратилганида намоён бўлмоқда* (И.Каримов. Ю.м., 13) кабилар.

ЎТИЛ-5да қайд қилинишича, “*ҳамма*” олмоши форсча сўз бўлиб, “шахс, нарса, унинг белгиси, сони ва бошқа хусусиятларини жамлаб ёки ажратиб кўрсатади, шу тарзда белгилайди” [ЎТИЛ-5, У, 500]. Бу луғатда “*барча, жами, бутун*” олмошларининг “*ҳамма*” олмоши билан ўзаро синонимик муносабатга киришуви таъкидлаб кўрсатилган [ЎТИЛ-5, У, 500].

“*Ҳамма*” олмоши матн таркибида от вазифасида қўлланганида эгалик ва келишик қўшимчаларини қабул қилиб, функционал жиҳатдан турли хил синтактик вазифаларни бажаради: *Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аجدодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашига, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишига интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликлар, ҳатто азобу уқубатларга дуч келишини кузатиш қийин эмас* (И.Каримов. Ю.м., 21) кабилар.

Олмошларнинг айримлари ўзаро синонимик уялар ёки қаторларга бирлашади. Лекин ана шундай бир синонимик уя (қатор)ни ташкил этувчи маънодош олмошларни ҳаммиша ҳам бири

ўрнида иккинчисини алмаштириб қўллаб бўлмайди. Масалан, луғатларда таъкидланишича, *ҳамма, барча, бутун, бари, бор, жами, буткул, тамом, бор-йўқ* сўзлари бир синонимик қаторга бирлашади [ЎТСИЛ, 267]. Бу сўзларнинг асосий вазифаси шахс, нарсас, белги, хусусият билдирувчи сўзлар ўрнида қўлланиб, умумийлик, жамлик маъносини ифодалашдан иборатдир. Масалан: *Барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайдиган томони шундаки, бизнинг эзгу интилишларимиз замирида ҳам ана шундай пок ният, буюк ишонч мужассам* (И.Каримов. Ю.м., 172). Келтирилган мисолдаги “барчамизга” белгилаш олмошини юқорида келтирилган сўзлардан фақат “ҳаммамизга” сўзи билан алмаштириб қўллаш мумкин, чунки бундай алмашинув матнда услубий ғализликка олиб келмайди: *Барчамизга (ҳаммамизга) гурур ва ифтихор бағишлайдиган томони шундаки, бизнинг эзгу интилишларимиз замирида ҳам ана шундай пок ният, буюк ишонч мужассам* (И.Каримов. Ю.м., 172).

Баъзан бир матн таркибида ўзаро маънодош бўлган “ҳамма” ва “барча” олмошлари қўлланади. Бундай қўлланиш такрордан, услубий ғализликдан сақланиш учун хизмат қилади. Масалан: *Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз* (И.Каримов. Ю.м., 3).

Баъзан жамлик маъносини кучайтириш учун бир матн таркибида “ҳамма” олмоши такрор қўлланади ҳамда улар бири-бирини тўлдиришга, эмоционал-экспрессив таъсирини оширишга хизмат қилади: *Иттифоқо, шу пайт, бозор ёнидан ўтишда ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма жойда ҳозир нозир, лақаби “аёс” – бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз ҳам пайдо бўлиб, ҳаллослаб келиб Темур Маликка пешкаш чиқди...* (Мирмухсин. Темур Малик) кабилар.

“Жами” // “жамики” олмошлари ҳам кам қўлланса-да, семантик жиҳатдан “ҳамма”, “барча”, “бари”, “бутун” каби белгилаш олмошларига мувофиқ келади: *Жамики эзгу фазилатлар*

инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир (И.Каримов. Ю.м., 83) кабилар.

Шундай қилиб, кузатишлар шуни кўрсатадики, жамловчи-белгилаш олмошлари ўзбек адабий тилининг барча функционал услублари хос матнларда қўлланиб, хилма-хил функционал-услубий хусусиятларга эга бўлади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек тилида олмош туркумига оид сўзларнинг таснифий белгилари ҳақида тушунча.

2. Жамловчи олмошлар орқали матнда тўдалиқ, жамлик, белгилаш маъноларининг ифодаланиш хусусиятлари.

3. *Ҳамма, барча, бутун, бари, бор, жами, буткул, тамом, бор-йўқ* сўзларининг ўзаро маънодошлиқ муносабати ҳамда уларнинг матн таркибида жамловчи, белгилаш олмошлари вазифасида қўлланиши.

4. Жамловчи олмошларнинг матн таркибида актуализатор сифатида қўлланиш хусусиятлари.

8. БАДИИЙ МАТНЛАРДА ЛАҚАБЛАРНИНГ АЙРИМ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Таянч сўз ва иборалар: ономастика, антропонимика, антропоним, исм, лақаб, тахаллус, интропонимик сериялар, бадиий асарда қаҳрамон исми, бадиий асарда қаҳрамон лақаби, ономапoeтика, исмларнинг функционал-семантик хусусиятлари, лақаблар бадиий матнда услубий восита сифатида, лақабнинг бадиий-эстетик вазифаси.

Маълумки, тўлақонли бадиий образнинг юзага келишида қаҳрамоннинг портрети, ташқи қиёфаси, нутқи, монолог ва диалоглари билан бир қаторда унинг исми, лақаби ёки тахаллуси ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун жаҳон адабиётининг йирик вакиллари ўз асарлари қаҳрамонларининг исмларига ҳам алоҳида эътибор беришган, қаҳрамонга муносиб исм топиш ўзига хос санъаткорлик белгиси деб баҳоланган. Улуғ рус ёзувчиси А.П.Чехов қаҳрамон исмининг бадиий асар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, жумладан, шундай деган

эди: “фақат асар қаҳрамонларининг нутқларидагина эмас, балки уларнинг исмлари ва фамилияларида ҳам чуқур соддалик ва ҳаётийлик бўлиши керак. Бинобарин, қаҳрамоннинг номи асарнинг ғоявий-бадий мазмунини чуқурлаштириб, унинг миллий руҳини, халқчиллигини кучайтиришда, асардаги образлар ва воқеаларни типиклаштиришда муайян роль ўйнайди”³³. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда, бадий матнда, жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг “Темур Малик” романида қўлланган исмлар (антропонимлар)нинг функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, таниқли ёзувчи Мирмуҳсиннинг “Темур Малик” тарихий романида қўлланган антропонимлар ўша асарда тасвирланган XIII-XIV асрлар тарихий воқелигига мос бўлишига эришилган. Мирмуҳсин бу асарида кўпроқ ўша давр, яъни XIII-XIV аср эски ўзбек адабий тилида, туркий халқлар орасида кенг қўлланган киши исмлари, лақаблар ва тахаллуслардан ўринли фойдаланишга интилади.

Ёзувчи “Темур Малик” романи устида ўн йил меҳнат қилди (1975-1985). 1985 йилда асар дастлаб “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинди, кейинчалик “Хўжанд қалъаси” номи билан алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Ёзувчи бу асарни қайта ишлаб, унинг кейинги нашрларида “Темур Малик” (“Хўжанд қалъаси”) номи билан нашр этишни маъқул кўрди. Бу асарга сўнгсўз ёзган, тарихчи олим Ҳ.Зиёев тўғри таъкидлаганидек, “романнинг Чингизхон истило қилган жойларда, хусусан, Ўтрорда, Хўжандда ва Урганчда қилган ёвузликларига бағишланган саҳифалари катта қизиқиш билан ўқилади”³⁴.

“Темур Малик” романи матнида бошқа лексик воситалар сингари лақаблар ҳам муҳим тасвирий аҳамият касб этган. Масалан, романдаги асли самарқандлик сардор Муҳаммад Интизом “*Меҳтар Бодиялдойи Самарқандий соний*” лақабига эга (Т.м., 107). Ёзувчининг эслатишича, *Меҳтар Бодиялдойи Самарқандий соний* - жангномалардаги афсонавий айғоқчиларнинг исмларидир (Т.м., 107). Шу билан бирга бу айғоқчилар сардорининг “*Меҳтарбод*”, “*камак Кайёний*”, “*салтанатнинг*

³³ Цитата куйидаги асардан олинди: Қосимов У. Ёзувчининг сирлари (Абдулла Қаҳҳор сабоқлари). – Тошкент, 1995. – Б. 56.

³⁴ Зиёев Х. “Темур Малик” романи // Мирмуҳсин. Темур Малик. Тарихий роман. – Тошкент, 1985. – Б. 443. Услубий қўлланмада бу романдан олинган мисоллар асарнинг шу нашридан келтирилади, қавс ичида Т.м., қисқартмаси билан роман саҳифаси кўрсатилади.

ўткир ханжари” каби лақаблари ҳам бор: “- Мана ўқинг, азизим. Сиз на Меҳтарбод ва на Камак Кайёний экансиз!..” (Т.м., 294).

Асарнинг бош қаҳрамони Темур Малик “Фили Маҳмуд” лақабига эга: “Темур Малик ибн Маҳмуд – ўттиз ёшларга борган барваста, елкалари кенг, қўл-оёқлари узун, йўгон овозли киши... Баъзан кулгисинию қаҳрини юзидан аниқ сезиб бўлмас, шу сабабли ҳам уни “фили Маҳмуд” дердилар – эллик қадамча ердан тегирмон тошини елкада кўтариб келиб, чарх устига ўрнатиб берганидан ташқари, гап кўтатар, ҳар қандай нохуш хабар олдида сачраб кетмас, бўронларга қоядек чидамли эди, “Фили Маҳмуд” лақаби ҳам шундан бўлса керак” (Т.м., 5). Романда ана шу лақаб баъзан сўз ўйинига, аскияга асос бўлиб хизмат қилади:

“ - ...Сизга тенглашолмас эканмен. Бу оғир ходалар шернинг эмас, филнинг ҳам (“Фил” сўзи билан у Темур Маликка ишора қилди) юрагини ўйнатиб юборади.

- Филнинг ҳам бўладигани бўлди. Юринг, дарёда бир чўмилиб келамиз... (Т.м., 128-129).

Мўғуллар эса Темур Маликни “қора Ирвэс” - “қора Қоплон” лақаби билан юритишган: “Тунда қора “Ирвэс” пайдо бўлиб, посбонларни ечиниб ётган жойида қонга белаб, қилич билан чопиб, найза билан чанчиб... кетиши мўғулларнинг тинкасини қуритди. Улар тун бўйи ухламай “Ирвэс”ни кутадиган, пойлаб чиқадиغان бўлиб қолдилар” (Т.м., 300) кабилар.

Асарда айрим хотин-қизлар ҳам ўз лақабларига эга. Бу жиҳатдан Хоразмшоҳнинг онаси – Туркон хотун образи характерлидир. У ўта маккор, ўғли – Хоразмшоҳнинг ишига ҳам бўлар-бўлмасга аралашаверадиган аёл бўлиб, асарда у “Худованди Жаҳон”, “Қари тулки”, “Буюк энамиз” лақаблари билан ҳам юритилади: “Султоннинг инъомига сазовор бўлиш ва буни султон ўз қўли билан топшириши - катта воқеа. Хўжандлик Маҳмуд Малик ўгли Темурнинг салтанатга садоқати кейинчалик Хўжандга ҳоким этиб тайинланишига асос бўлган эди. Бу девқомат йигитнинг “Худованди Жаҳон” – Туркон хотунга итоаткорлиги, унга доимо қўли кўксиди, саломини канда қилмаслиги, айниқса, ҳамиша бургутдай чақнаб туриши қаҳри қаттиқ Туркон хотуннинг диққатини ҳам жалб этган эди” (Т.м., 43); “...Худованди жаҳон – Туркон хотун энамизни “Қари тулки” атамишлар... Хўжанд қалъасини мустаҳкам таъмирлашдан

мақсад *Хоразмшоҳга қарши туриши эмиши*” (Т.м., 76); “...*Шаҳзодадан яширманг, менинг “қисматим”дан хабардор. Зинҳор-базинҳор буюк Энамиз мақсадингиздан воқиф бўлмасун...*” (Т.м., 78) кабилар.

Романнинг бир ўрнида Туркон хотуннинг Хоразмшоҳлар давлатидаги улуғлиги раққоса Нигина бегимнинг ҳатти-ҳаракати билан қиёсланади: “*Аёллар ўртасида ҳам “Улуғликда Туркон бўл, эр бағрида Нигинайи жаҳон бўл...*” деган гап ҳам юрарди” (Т.м., 58).

Романда салбий мазмунли лақабга эга бўлган аёллардан бири Бинафша бекадир. Темур Маликнинг хотини Ойчечакнинг канизаги бўлган бу хотин “Қора қанжиқ” – “Олақанжиқ”, “кўрпа тагидаги илон” лақабига эга: “*Бинафша бека ҳам Гурганждан Ойчечак билан бирга келган, бу энаганинг ҳам Туркон хотунга алоқадорлигини Темур Малик аллақачон сезган. У ҳамма нарсани кавлаштириб, ҳамма гапга бурнини тикарди. Шунинг учун бўлса керак, Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний уни “Қора қанжиқ” деб аташарди ўзаро. Темур Малик... Бинафша бека кўрпа тагидаги илон эканини унутмасди. Чунки салтанат шаънига тегадиган ҳар бир гап Гурганжга етиб бориши, “Қора қанжиқ”нинг шаҳарда одамлари борлиги Муҳаммад Интизом орқали унга ҳам маълум эди*” (Т.м., 75); “*Баланд айвон зинасида рўпара келган мўғул қоровули ичкарига кириб, Бинафша бекани бошлаб чиқди. “Олақанжиқ” оқсоқолдан бола топилганини эшитиб, хурсанд бўлганидан йиғлаб юборди*” (Т.м., 314) кабилар.

Романда “ҳамма жойда ҳозир у нозир” бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Моразнинг лақаби “аёс” эди: “*Иттифоқо, шу пайт бозор ёнидан ўтишда ҳамма нарсдан хабардор, ҳамма жойда ҳозир у нозир, лақаби “аёс” – бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз ҳам пайдо бўлиб, ҳаллослаб келиб Темур Маликка пешкаш чиқди*” (Т.м., 10).

Асарда Темур исмли образлар ҳам иккита. Бири – Хўжанд ҳокими, моҳир саркарда Темур Малик бўлса, иккинчиси – хоин, қочоқ Темурдир. Унинг барваста қомати ва исми Темур эканлигига ишониб, Шоҳмурод Кўҳистоний бу барваста йигитни жангчилар сафига қўшади: “*Девқомат бўлгани билан палагда тухумдан чиққанлиги... юрагимга шубҳа солган эди. Лаънатининг номи ҳам “Темур”. Шубҳам тўғри – у иблис бўлиб чиқди!*” (Т.м., 240); “*Ножинс, аттанг қочибди, лекин қўлимизга тушмай иложи йўқ!*”

Мен бу хоиннинг Афросиёбдек қадду қоматига, муртига қарабману юрагига қарамабман. Кўзим кўр экан. Мен бир чаённи бағримизга олибман...” (Т.м., 240).

Романда мўғулларнинг саркардалари Сўқту нўён ва Улоқ нўён исмлари жуда кўп марта такрорланади, уларнинг ўзларига хос характерини, жиззакилик, тош бағирлик, ёвузлик, маккорлик, ишратпарастлик хусусиятларини очиш мақсадида ёзувчи уларнинг ҳар бирига мос мўғулча лақаблардан ҳам фойдаланади. Масалан, Сўқту нўённинг лақаби мўғулча “хулгана” (“сичқон”) бўлса, Улоқ нўённинг лақаби “чоно” (“қашқир”) дир: “Моварауннаҳр тупроғига ўтишида у Хўжанд, ундан то Ўшу Ўзгангача боришни синалган “цегийи” (ҳарбий бошлиқ)лари Сўқту нўён билан Улоқ нўёнларга топширди. Уларнинг катта ўттиз беш ёшда, лақаби “Хулгана” (сичқон) эди. Юмалоқлиги, тишларининг ўткирлиги, питирлаб тез юриши сабабли шу лақабни олган бўлса керак. Иккинчиси ўттиз уч ёшда бўлиб, лақаби “Чоно” (қашқир), “Удирдагч” (йўлбошчи, яъни Чингизхон) бу икки нўёнга Удегей, Чигатою Ботухондек эътиمود қўйган...” (Т.м., 187) кабилар.

Ёки ёзувчи Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогиясининг учинчи китоби - “Мироншоҳ Мирзо” тарихий романида ҳам айрим антропонимларнинг этимологияси, халқ орасида шундай номланишнинг сабаблари ҳам очиб берилган. Масалан, Амир Темур ўзининг севимли невараси Улуғбекка отаси ўз отаси Муҳаммад Тарагай номини беради, шундай улуғ номнинг авлодлари орасидан ўчиб кетмаслиги учун шу номни танлаганини, “Улуғбек” эса унинг лақаби эканини Соҳибқироннинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин:

“...Набирамизни эски удумларга кўра, отамизнинг исмлари бирлан атагоймиз! Токи ул зот руҳлари шод бўлсун, ҳар лаҳза, ҳар он ёдланиб турсунлар! Бас, унинг номи Муҳаммад Тарагайдур!

-Бироқ уни чорлагонда табаррук исми улуглаб, уринтирмаслик лозим, шу сабабдан лақабини “Улуғбек” деб танладук. Оллоҳ таоло анга улуғлик, буюк мартаба ато этсун!” (У.с., Ш, 287).

Ёки Амир Темурнинг содиқ дўсти Жаҳоншоҳ ибн Жоку ягона кизига Соғинч бика деб исм қўяди. Бунинг сабаби отанинг қуйидаги ички нутқи, ўй-кечинмалари орқали очиб берилган: “Демак, Соғинч бика жинларга учрамаган... Эҳ, Соғинч, Соғинч!”

Қайданам сенга шу исмни қўйгон эканмен! Мана энди, согинтириб кетдинг!...” – деб ўйлади хориб-эзилган ота” (У.с., Ш, 266).

Асардаги довюрак, баҳодир йигитлардан бири Аҳий Жаббордир. Шу исм олдидан келтирилган “аҳий” сўзига ҳам асарда Айбож ўғлон сўроғига кўра қуйидагича изоҳ берилади:

“- Ёнаянман, жигарим сув бўлиб оқяпти, оҳ... – мунгсиради оташнок Айбож ўғлон. – Баҳодир жаноблари... Майлими, сўрасам? Агар... энди-да... оҳ... агар, борди-ю... ўз ичимингизни менга илинсангиз, тирик қолишим аниқ, йўқ эса ўламен... Қулогимга тушмиш эрдиким, битта ноннинг ярмини мухтожга бергани сахий дерлар. Ўзи оч-у нонни ҳаммасини мухтожга бергани аҳий деб улуғлайдурлар... Сиз аҳийсиз, аҳий, Ахий Жаббор Баҳодир... Жавонмардлардан эканлигингиз ҳақида эшитгонмен...” (У.с., Ш, 259).

Асардаги персонажларга исм танлашда ёзувчининг яна бир маҳорати шунда кўринадики, Соғинч бика ўзи заифа бўлса-да, мард, жасур қиз, у ёшлигидан йигитлардек жанг қилишни, от минишни машқ қилган. Шу сабабли ўзига йигитча исм – Арғуншоҳни танлаб, севгилиси Муҳаммад Султонни излаб Самарқанддан чиқиб кетади, унинг қўшинига бориб қўшилади. Ўзини сипоҳи йигитлардай тутиб, ўз муҳаббати учун курашади. Буни Соғинч бика (Арғуншоҳ)нинг Муҳаммад Султонга йўллаган мактубидан ҳам сезиш мумкин: “Бас... Мактуб битаётгон кимса... Арғуншоҳ, зукко ва ақлли йигит, сипоҳ... Аслида Арғуншоҳ эрмас, йўқ, йўқ, сизнинг суйгонингиз... шундай дея олурменму, авф этгойсиз... бир бечора, шўрлик, ўксиз, афтода, нотавонлар нотавони Соғинч бикадур...” (Ў.с., Ш, 337).

Асарда айрим персонажлар хагги-ҳаракати билан боғлиқ ҳолда уларга исмига алоқадор кинояли лақаблар ҳам тўқилган. Бу эса романнинг таъсирчанлигини, образлилигини оширишга хизмат қилади. Масалан, Соғинч биканинг эркакшода характери туфайли уни дугоналари “Авбош бика” деб чақиради. Аслида “авбош” эскирган форсча-тожикча сўз бўлиб, “безори, бадкирдор, саёк” маъноларини билдиради (ЎТИЛ-5, 1, 29): “- Вой, Соғинч ўлгур, роса ҳаммамизни қўрқитиб юбординг-ку! Қаёққа йўқолдинг? Шундан гапир! Биров Зарафшонга тушиб кетди дейди, яна қочиб кетди дейишадими-эй... Авбош бика деганлари ҳам бежиз эмас экан-да” (У.с., Ш, 357). Қизнинг отаси ҳам уни ана шу

хусусиятидан келиб чиқиб, “авбош қиз” дейди: “...*Орқаваротдан Арғуншоҳ деган йигитни суриштирди, унинг Самарқандга жўнаб кетганини билди. Демак, “авбош” қизи энди Самарқандда экан...*” (У.с., Ш, 329). Канизак Сарвиноз ҳам йўқолган Соғинч биканинг топилгани ҳақида қизнинг отаси Жаҳоншоҳ ибн Жокуга ёзган хатида яна қизнинг “авбош”лигини эслатади: “...*Оллоҳнинг инояти бирлан, “авбош” Соғинч бика қизимиз, худога шукур, соғ-саломат уйимизга қайтиб келди!...*” (У.с., Ш, 329).

Соғинч бика эса қадрдон дугоналари Зубайдабонуни “войвойхон”, Билқис бегимни эса “думбоққина” лақаблари билан “сийлайди”: “*Илоё, жондай дугоналарим войвойхон Зубайдабону бирлан думбоққина Билқис бегимларга қўчқордай куёвлар ато этсин...*” (У.с., Ш, 357).

Мироншоҳ Мирзо айш-ишратга берилиб кетгани учун ўз атрофидагиларнинг барчасига турли хил лақаблар қўяди. Масалан, Абдулмўмин Гўянда яхши рақсга тушгани учун даврдагилар унга “Сарвиноз” деб лақаб қўйган эдилар: “- *Сарвиноз! – амр этди хийла тўлишиб қолган Мироншоҳ Мирзо ҳаллослаб сўрига яқинлашар экан. – Ўйинга-а-а!..*

Қийқириқ кўтарилди.

“Сарвиноз” – Абдулмўмин Гўянданинг даврадаги лақаби. У ўйинни қийворгани, қизлардай эшилиб рақс туша олгани учун шундай лақаб олган. Надимларнинг барчасида лақаб бор, чунончи, Хожя Мароғийни “Ўйинчи”, Мавлоно Кўҳистонийни “Раққос”, Ардашер Чангийни “Жилвагар”, Қутбиддин Нойийни “Шўхий”, Ҳабиб Удийни “Нозича” деб атардилар” (У.с., Ш, 390).

Соҳибқирон Амир Темурнинг қизи Султон Бахт бегим эса оилавий ҳаётда нотинчлиги, эри темурийлар давлатига хоинлик қилгани учун ўзини Султон Бадбахт бегим деб ҳисобларди. Буни Султон Бахт бегимнинг ички кечинмалари, ўй-хаёллари тасвири берилган қуйидаги матн ҳам яққол тасдиқлайди: “*Сен-чи, Бахт? – сўради ўзидан ўзи алам гирдобиди... – Худо шоҳид, ичингда Амир Шоҳмалик жанобларини севардинг. Ҳа, севардинг, аммо севгинг учун курашдинг-му?.. Агар курашганингда, анови ер юткур малъун телбанинг қўлида эзилган гулдек хор бўлмасдинг-ку?.. Энди Султон Бадбахт бегимга айланиб ўлтирибсен!...*” (У.с., Ш, 370).

Хоразм маликаси Хонзода хоним Амир Темурнинг азиз, ардоқли келини, Жаҳонгир Мирзонинг севимли ёри эди. Лекин

тақдир тақозоси билан эри вафотидан етти йил ўтгач, Соҳибқирон истагига кўра ўзидан кичик қайин укаси Мироншоҳ Мирзога турмушга чиқишга мажбур бўлади. Ана шундан кейинги қийноқлар, жабру аламлар, камситишлар туфайли у Сароймулкхоним билан бўлган суҳбатда ўзини асли исми *Севин бикага* қофиядош қилиб *Алам бика, Ситам бика, Дард бика* деб атайди: “-..Мендан анови канизагим *Оққиз бахтлироқ...* *Ҳа, ҳа, у бахтли, ардоқда, суйғони ёнида...* *Шунчалар ҳам толеим наст бўладирму? Шунчалар ҳам хўрланадурму киши?... Севин бика эрмиш, Севин бикамас, Алам бикамен, Ситам бикамен! Дард бикамен! Мен ҳам одам боласи эдим-ку, хонимойим ҳазрати олиялари?.. Эдим-ку?..” (У.с., Ш, 323).*

Шундай қилиб, бадий матнларда, жумладан, ёзувчи Мирмуҳсиннинг “Темур Малик” ва Муҳаммад Алининг “Мироншоҳ Мирзо” тарихий романларида лақаблар асарда тасвирланган тарихий давр – мўғул босқинчиларига қарши кураш, темурийлар давлатини мустаҳкамлаш даври ҳақида китобхонларга аниқ тасаввур бериш учун хизмат қилади. Ўзбек бадий матнида лақабларнинг функционал-услубий хусусиятлари эса махсус кузатишлар талаб қиладиган алоҳида муаммо саналади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек тилида антропонимлар ва уларнинг таснифий белгилари.
2. Исмлар, тахаллуслар ва лақабларнинг ўзаро муносабати, уларнинг антропонимлар тизимида тутган ўрни.
3. Антропонимларнинг бадий матнда қўлланиш хусусиятларини ўрганишнинг аҳамияти.
4. Ўзбек ономопозитикаси ва унинг асосий муаммолари.
5. Бадий матнда (“Темур Малик”, “Мироншоҳ Мирзо” тарихий романларида) лақабларнинг функционал-услубий хусусиятлари.

II. “МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

1. “МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ” ФАНИДА НУТҚ ДЕРИВАЦИЯСИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Таянч сўз ва иборалар: деривация, деривация турлари, нутқ деривацияси, операнд, оператор, тил бирликларининг деривацияси, нутқ бирликларининг деривацияси, тил ва нутқнинг ўзаро муносабати, нутқий фаолият ва деривация.

Маълумки, ҳозирги вақтда жаҳон тилшунослигида инсон нутқининг шаклланиш жараёни ва унинг реал қўлланиши каби масалаларни ўрганишдек долзарб вазифалар турибди. Бунда асосий эътибор тил системасининг нутқда қўлланилиши ва бу жараёнда жумланинг, жумлалар мажмуасининг нутқий занжир сифатида воқеаланиши, унинг аҳамиятини ўрганиш масаласига қаратилмоқда.

Айтиш лозимки, Ф.де Соссюр таълимотига кўра нутқ билан нутқий фаолият фарқланади, улар муштарак ходисалар эмас. Нутқ инсоннинг нутқий фаолияти маҳсулидир. Нутқий фаолият ўта динамик характерга эга, зотан, у инсоннинг жамиятда тутган мавқеи билан, яшаш тарзи билан узвий боғланади. Лингвистика (ўзбек тили) йўналиши бўйича магистратура таълими ўқув дастуридан ўрин олган “Матн тилшунослиги” ўқув предметидан худди ана шу масалаларни ҳозирги замон тилшунослиги ютуқлари негизида ўрганиш кўзда тутилган.

Нутқни инсоннинг сўзлашув жараёнида вужудга келадиган яхлитланган тил материали сифатида идрок этамиз. Инсон ўз нутқий фаолиятида тил системасидан фойдаланади. Инсон нутқи тил бирликларининг кесишиш чизиғи ҳисобланади ва бунда тил унсурларининг поғонали муносабати вужудга келади³⁵. Бошқача айтганда, тил бирликларининг ҳар бири ўзидан катта бирлик сатҳида қўлланила бошлайди. Ана шу нуқтаи назардан нутқ ҳам динамик характер касб этади.

Инсон нутқининг энг асосий хусусиятларидан бири унинг боғланишли эканлигидир. Мазкур хусусият нутқнинг таркибий қисмлари ҳисобланувчи гап, иловали қурилмалар, мураккаб

³⁵ Турниёзов Н.Қ. Нутқ лингвистикасига доир баъзи мулоҳазалар // Нутқ лингвистикаси (халқаро илмий-назарий конференция материаллари). – Самарқанд, 2006. – Б. 6-7.

синтактик курилмалар, абзац кабиларнинг ўзаро семантик ва синтактик муносабатидан келиб чиқади. Улар ўртасида бундай муносабат бўлмас экан, нутқда ўзаро алоқадорлик, поғонали муносабат ҳам бўлмайди. “Матн тилшунослиги” фани ўрганилаётганда масаланинг ана шу томонлари конкрет мисоллар таҳлили асосида очиб берилиши лозим.

Равшанки, нутқ тил системасининг амалда қўлланилиши объекти саналади. Шу боис нутқни гап ва ундан катта birlikларнинг мажмуасидан шаклланади дейилса, масала моҳиятига бир томонлама ёндилган бўлади. Чунки инсон нутқи биринчи галда унли ва ундош товушларнинг ўзаро синтагматик муносабатини тақозо этади. Бироқ айти пайтда “Матн тилшунослиги” курсида асосий эътибор матн ва нутқ деривациясига қаратилгани учун ўқитувчи синтактик структуралар ҳақида ҳам мулоҳаза юритиши лозим бўлади.

Нутқ нафақат тил системаси унсурларининг амалда қўлланилишини, балки сўзловчининг индивидуал тажрибаси ва билимининг ҳам ҳаётга тадбиқ этилишини кўрсатади. Шунга кўра, дарс жараёнида нутқ икки нарсани - тил материаллари ва сўзловчининг уларга муносабатини тақозо этади, деб изоҳланиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳозирги тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири тил билан нутқнинг ўзаро муносабатини ўрганишдан иборатдир. Мазкур муаммо талқини барча лингвистик назарияларга асос бўлади. Бу ҳолат синтактик назарияларда янада очиқроқ кўзга ташланади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтгача тилшуносларнинг асосий эътибори тил ҳодисаларини ўрганишга қаратилди, нутқ лингвистикаси, матн таркибидаги нутқ birlikларининг деривацион имкониятлари эса олимлар эътиборидан четда қолиб келди. Шу боис ҳозирги пайтда нутқ лингвистикаси масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Тўғри, ўтган асрнинг 50-йилларида мазкур масалага бир гуруҳ олимларнинг эътибори қаратилган эди. Лекин жаҳон тилшунослигида айрим чалкашликлар келиб чиққанлиги сабабли бу масала тилшуносларнинг илмий ишларида етарли аҳамият касб эта олмади. Масалан, В.Скаличка нутқни стилистик ҳодиса

деб тарғиб этган бўлса³⁶, Е.Косериунинг тадқиқотларида эса нутқ ўта кенг ҳажмли ҳодиса сифатида изоҳланади ва тил унинг маълум бир қисмига тенглаштирилади³⁷.

Кўринадики, тилшуносликда нутқ деривацияси, унинг матн шакллантиришдаги ўрни каби умум-назарий масалаларнинг қандайдир бир қирраси ёритилади, холос. Шунга кўра, бундай қарашларда айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Бундай нуқсонлар сирасига тил системасининг нутқда реал қўлланилиши, тил белгиларининг матн таркибидаги ўзаро муносабати каби масалаларнинг назардан четда қолганлигини киритиш мумкин.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, боғланишли нутқ компонентларининг ўзаро синтактик муносабатлари *синтагматик* қаторда воқеланади, яъни матн таркибида нутқ парчалари бир-бири билан кетма-кет боғланади. Бунда уларнинг семантик ҳолати ҳамда синтактик салмоғи бир хил даражада бўлиши шарт эмас.

Сўзлашув жараёнида сўзловчининг зиммасига матн ёки нутқнинг тўғри ва равонлигини таъминлаш вазифаси юклатилади. Акс ҳолда тингловчи учун хабар мазмунида нуқсонлар рўй бериши мумкин. Шу билан бирга, сўзловчи ва тингловчи мулоқотида уларнинг ижтимоий ҳолатлари ҳам муҳим мавқега эга бўлади. Масалан, тилшунос билан космонавтнинг ёки кимёгар билан денгиз ишчисининг нутқий мулоқотларида нутқ компонентларини мукамал қўлланилади деб бўлмайди. Шунинг учун нутқнинг бенуқсон бўлишини фақат локал боғлиқлик ҳамда глобал ҳолатда, яъни нутқ парчаларининг умумий алоқаси билангина изоҳлаб бўлмайди. Бунда сўзловчи билан тингловчининг умумий тайёргарлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

Туб структура – бу энг кичик (минимал) семантик структура бўлиб, у ҳар қандай хабар ифодасини берувчи нутқ бирлигининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган *базал (базавий) структурани* тақозо этади. Ана шу базал структура асосида нафақат маълум бир гап, балки мураккаб синтактик қурилмалар,

³⁶ Бу ҳақда қаранг: **Курилович Е.** Деривация лексическая и деривация синтаксическая // **Курилович Е.** Очерки по лингвистике. – М.: Иностранная литература, 1962. – С. 58-64.

³⁷ **Турниёзов Н.Қ.** Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1990; **Залевская А.А.** Некоторые проблемы теории понимания текста // Вопросы языкознания 2002. № 3.

абзацдан тортиб макроматнгача бўлган нутқ парчалари шаклланиши мумкин. Буларнинг барчаси синтактик деривация назариясига асосланади, зотан, ҳар бир шаклланишнинг охирига натижаси дериватни (ҳосилани) тақозо этади.

Сўз бирикмалари, шубҳасиз, синтактик деривация маҳсули ҳисобланади ва боғланишли нутқда, матнда маълум бир гап доирасида шаклланади. Бундан, албатта, мустақил матн ҳолида қўлланилган сўз бирикмалари мустасно. Чунки улар гапдан ташқарида воқеланади.

Сўз бирикмасининг хомашёси сифатида икки (баъзан бир неча) операнд қатнашади ва улар деривацион муносабатга реал оператор, белгисиз оператор ёки нол оператор воситасида киришади:

1. *Символ дружбы.* 2. *Мустақиллик пойдевори.* 3. *Дўстлик таянчи.* *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили.*

Келтирилган мисолларнинг биринчи ҳам, иккинчиси ҳам, учинчиси ҳам икки операндли бўлиб, биринчисида реал оператор – **и**, иккинчиси ва учинчисида белгисиз қаратқич келишиги ҳамда эгалик қўшимчаси иштирок этмоқда. Охирига гапда аниқловчили бирикмалар (*кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик*) уюшиб келган, “йили” сўзи билан битишув муносабатига киришган.

Деривацион жараёнда синтактик структураларнинг шаклланиши учун оператор муҳим мавқега эгадир. У матнларни шакллантиришда турли хил воситалар ёрдамида ифодаланади. Масалан, предлог, тенг ва эргаштирувчи боғловчилар, кўмакчилар, келишик аффикслари ана шундай воситалардан ҳисобланади.

Шунга алоҳида аҳамият бериш керакки, матн таркибида синтактик структураларнинг кичиги нисбатан катта структура сатҳида фаоллик олади. Шу боис гап ўзидан кичик бирлик - сўз бирикмасининг деривацион жиҳатдан фаоллик олиши учун ҳам асосий синтактик майдон ҳисобланади. Гапнинг синтактик шаклланиши эса матн таркибида рўй беради. Бунда “Матн тилшунослиги” фанидан дарс берувчи ўқитувчи микро – ва макроматнларни фарқлашга алоҳида аҳамият бериши лозим. Ҳар қандай катта матн ўзидан кичик матнларга нисбатан макроматн саналади. Шунинг учун абзацни мураккаб синтактик қурилмалар учун макроматн тарзида, бобни абзац учун макроматнлар тарзида ўрганиш яхши самара беради.

Назорат саволлари:

1. Нутқ тил системасининг амалда қўлланилиш объекти сифатида.
2. Деривацион жараёнда матн таркибида синтактик структураларнинг шаклланиш омиллари.
3. Матн таркибидаги нутқий парчаларнинг бир-бири билан кетма-кет (парадигматик) боғланиши ҳақида тушунча.
3. Туб структура ҳар қандай хабар ифодасини берувчи нутқ бирлиги сифатида.
4. Матн таркибида синтактик структураларнинг кичиги нисбатан катта структура сатҳида фаоллик олиш жараёни.

2. “МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ” ФАНИДА КОГНИТИВ ТАҲЛИЛ ВА ПРАГМАЛИНГВИСТИКА ИМКОНияТЛАРИДАН ФойДАЛаниШ

Таянч сўз ва иборалар: воқеликнинг лисоний ва когнитив идроки, концепт, геишталът, скрипт, фрейм, спенарий каби когнитив ҳодисаларнинг матн билан муносабати концепт турларининг ўзбек матнларида ифодаланиш усуллари, матнда параметрлаш ва оптималлаштириш усуллари, дейксис ва дейктик ибораларнинг матн таркибида намоён бўлиши.

“Лингвистика” (ўзбек тили) ихтисослиги бўйича таълим олаётган магистрларга 2000 йилда “Матн тилшунослиги” фани киритилган эди. Шундан кейин бу фандан маърузалар матни ва услубий қўлланма тузиб нашр этилди³⁸. Бу ишларда “Нутқда тилнинг қўлланилиши ва матн тилшунослиги”, “Матн тилшунослигининг ўрганилиш тарихи”, “Ўзбек тилшунослигида аин ва уни ўрганиш муаммолари”, “Матн ва унинг компонентлари”, “Матн компонентларининг поғонали муносабати”, “Матн ва нутқ деривацияси”, “Микро ва макроматн муносабати”, “Матн ва нутқ деривацияси”, “Матн тилшунослиги ва диалог муаммоси”, “Матн структурасининг синтагмаларга бўлиниши” каби мавзуларни ўрганиш кўзда тутилган. Лекин ҳозирги кунга келиб, матн

³⁸ Турниёзов Н. Матн лингвистикаси. Маърузалар матни. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. – 86 б.;
Турниёзов Н., Йўлдошев Б. Матн тилшунослиги. Услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – 96 б.

тилшунослигининг тадқиқот доираси янада кенгайди. Шунга кўра шу фан бўйича ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастури таркибига матннинг когнитив тилшунослиги билан муносабати ҳамда матн ва прагмалингвистика муаммоларини ўрганишни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бу ўринда дастлаб когнитив тилшуносликнинг предмети ва вазифалари, “Когнитив тилшунослик” тушунчасининг моҳияти ва унинг матн тилшунослиги билан алоқадорлиги муаммоси ўрганилиши лозим. Шундан кейин когнитологиянинг таянч нуқтаси ва матн турлари, когнитив фонология ва унинг матнни ўрганишдаги ўрни ҳақида магистрантларга маълумот бериш яхши самара беради. “Матн тилшунослиги” фанига доир кейинги машғулотларда воқеликнинг когнитив ва лисоний идроки жараёнида грамматик тизим бирликларининг ўрни, воқеликнинг мияда акс этиши ва унинг матндаги ифодаси муаммолари ҳам ўрганилиши мақсадга мувофиқдир³⁹.

“Матн тилшунослиги”га доир машғулотларда “концепт” тушунчасининг моҳияти ва унинг матн тилшунослиги билан алоқадорлиги. “Бахт ва бахтсизлик”, “ақл ва ақлсизлик” концептларининг ўзбек матнларида ифодаланиш усуллари ҳам ўрганилиши керак.

Шу билан бирга когнитологиянинг асосий тушунчаларидан бўлган “сценарий”, “скрипт”, “фрейм”, “гештальт” кабиларнинг моҳияти ва уларнинг матн билан алоқадорлиги, лисон ва маданиятнинг ўзаро муносабати, унинг матндаги инъикоси, тил ва маданият ўртасидаги муносабатнинг изоморфлиги, детерминизми, уларнинг матндаги ифодаси. Э.Сепир-Б.Уорф фарази, унинг тил ва маданият ўртасидаги муносабатни ўрганишдаги аҳамияти масалалари ҳақида магистрантларга етарли маълумотлар берилиши зарур⁴⁰.

“Матн тилшунослиги” фани бўйича машғулотларда матннинг прагмалингвистик таҳлили масалалари, “прагматика”

³⁹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: “Сангзор” нашриёти, 2006. – Б. 7-18.

⁴⁰ Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. Учебное пособие. – Минск: ТетраСистемс, 2004. – С. 18-56; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: “Сангзор” нашриёти, 2006. – Б. 47-53; Мирзаев И., Омонтурдиев А. Когнитив тилшунослик ҳақида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий ва амалий анжумани материаллари. – Андижон: АДУ нашри, 2010. – Б. 8-11.

тушунчасининг моҳияти ва унинг матн билан муносабати муаммоларини ўрганишни режалаштириш лозим⁴¹.

Шу билан бирга матнни ўрганишнинг коммуникатив-прагматик йўналиши ва унинг асосий муаммолари, матнни шакллантиришда параметрлаш ва оптималлаштириш усулларининг роли, Н.Хомский таълимоти ва унинг матнда лисоний қобилиятнинг ўрнини ўрганишдаги аҳамияти, билвосита нутқий мулоқот ва матннинг семантика ҳамда прагматикага муносабати, билвосита нутқий актларнинг ифода ва мазмун жиҳатдан турлари, уларнинг матн билан алоқадорлиги, нутқий акт назарияси ва матнда коммуникатив мақсаднинг ифодаланиш йўллари, нутқий акт мазмунининг шаклланиши ва унинг матндаги инъикоси каби қатор масалаларни ҳам “Матн тилшунослиги” фанида ўрганиш мақсадга мувофиқ⁴².

Ҳозирги замон назарий тилшунослигининг ривожланиш жараёнидан келиб чиққан ҳолда “Матн тилшунослиги” фанида магистрантларга дейксис ва нутқий мулоқот матни, матнда мазмуннинг ифодаланиш йўллари, матнда мантиқий ва лисоний умумлаштириш, унинг дейксис билан муносабати, дейктик иборалар ва уларнинг бола нутқида матнни шакллантиришдаги ўрни, шахс дейксиси ва унинг матнни шакллантириш имкониятлари, макон ва замон дейксислари, уларнинг матнни шакллантиришдаги ўрни, эмоционал дейксис, социал дейксис ва граудонимия (даражаланиш)нинг матн таркибидаги ўзига хос белгилари ҳам ўрганилиши зарур⁴³.

Умуман олганда, “Матн тилшунослиги”да нутқий мулоқот тизими, дискурсининг матннинг таркибий қисми сифатидаги тузилиши ва унинг компонент таҳлили, мулоқот структурасининг таркиб топиши ва бунда дискурсининг матн таркибий қисми сифатидаги ўрни, нутқий мулоқот тизимининг кўп босқичли характери ва дискурс ҳамда матн тушунчалари, дискурс лисоннинг гапдан юқори турадиган сатҳи сифатида ва унинг матн тилшунослигидаги ўрни сингари қатор долзарб прагмалингвистик

⁴¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 12-33.

⁴² Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2007. – 12-24; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 52-106;.

⁴³ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 124-198.

муаммолар ҳам ёритилиши мақсадга мувофиқ⁴⁴. Бунинг учун, бизнингча, “Матн тилшунослиги” фани бўйича режада кўзда тутилган маъруза ва амалий машғулотлар миқдорини кўпайтириш, шу фан бўйича тузилган намунавий ўқув дастурини қайта ишлаб, тўлдирилган ҳолда нашр эттириш зарур, деган фикрдамиз.

Назорат саволлари:

- 1.Матнда концептнинг лисоний воқеланиш жараёни.
- 2.Сценарий, скрипт, фрейм, гештальт каби когнитив ходисаларнинг матн таркибида намоён бўлиш хусусиятлари.
- 3.Матнни ўрганишнинг коммуникатив-прагматик йўналиши ҳақида тушунча.
- 4.Матнда прагматик мазмунни шакллантирувчи воситалар ҳақида.
- 5.Дейксис ва нутқий мулоқот мазмунининг матнда ифодаланиши.
- 6.Дискурснинг тузилиши ва унинг матн таркибидаги ўрни.
- 7.Матнни когнитив-прагматик йўналишда ўрганишнинг истиқболлари ҳақида.

Иккинчи қисм

МАТН ОРҚАЛИ НУТҚ ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ

К и р и ш

⁴⁴ Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2007. – 26-42; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 201-228.

Маълумки, республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин жамиятимизнинг барча жабҳаларида туб бурилиш юз берди. Бундай ўзгаришлар таълим соҳасида ҳам ўзининг сезиларли даражада ижобий таъсирини кўрсата бошлади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши бунинг ёрқин далилидир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Олий мажлиси 1X сессиясида сўзлаган нутқларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»даги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч бир муболағасиз стратегик мақсадларимиз фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятни барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарурлиги таъкидланган⁴⁵.

Дунёга юз тутиб, ривожланиб бораётган мустақил давлатимизга ҳозирги кунда ўз ҳақ-ҳуқуқини англайдиган, фикрини исботлай оладиган, гапга чечан, сўзини ўткази оладиган етук мутахассислар, ўз соҳасининг билимдонлари зарур. Бундай баркамол авлод вакиллари, аввало, мактаб тайёрлаб бериши лозим.

Шундай экан, мактабда ўқитиш жараёнининг, жумладан, она тили таълимининг асосий вазифаси ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш, уларни ўз фикрини мантиқан изчил ва услубан саводли қилиб баён этишга ўргатишдан иборатдир.

Мактабда ўқувчиларга фақат умумий таълим бериш билан чекланилмайди, унда ижодий меҳнатнинг зарурий шarti бўлган мустақил фикрлаш кўникмаси ҳам ривожлантирилиб, ўқувчиларда ҳар бир ишга ижодий ёндашиш ҳисси шакллантирилади ва камол топтирилади.

Ўқувчиларга таълим беришдан асосий мақсад улар онгига фан асосларини пухта сингдириш орқали уларни диёнатли, эътиқодли қилиб ўстириш, ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага онгли ёндашишни тарбиялаш, эгалланган билим ва кўникмаларни ҳаётга татбиқ этиш қобилиятини ўстиришдир. Бу жиҳатдан ҳам она тили дарси ёш авлодни жамиятимиз олға сураётган юксак гоёлар руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланади.

⁴⁵ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1999. – Б. 8-30.

Шу сабабли ўқитувчининг дарсга тайёрланаётганида хал қилиниши зарур бўлган педагогик масалаларни олдиндан аниқ белгилаб олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқ одобномасида ёшларни ҳаётга қадам қўя бошлаган пайтидан тилга ниҳоятда эҳтиётлик билан муносабатда бўлишга, тил бирликларидан ўринли фойдалана олишга ўргатиб бориш мумкинлиги таъкидланади.

Дарҳақиқат, инсоннинг ички дунёси, маънавий қиёфаси, хулқ-атвори, муомаласи, одоб-ахлоқи, маданияти унинг тили орқали намоён бўлади. Чунки ҳар қандай кишининг маънавийлиги, одоби, билим даражаси, фаҳм-фаросати, фикрлаш доирасининг кенглиги ёки торлиги, катта ҳаётга тайёр ёки тайёр эмаслиги унинг нутқида ўз аксини топади. Кимнинг тили бой бўлса, ким сўзларни адабий тил асосида тўғри, аниқ, равон, ифодали талаффуз қилса, ўз она тилига чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан қараса, у билимли саналиб кишилар ўртасида обрў-эътибор қозонади. Шунинг учун халқимиз: «Тили бойнинг ўзи бой», «Тил - юракнинг калити» деб бежиз айтмаган. Ўз тилини яхши билиш ўз халқининг ўтмиши ва ҳозирги ҳамда келажакни яхши билиш, унинг урф-одатлари билан танишиш, халқ яратган барча бойликлардан баҳраманд бўлиш демакдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, орамизда сўз бойлиги кам, тили кашшоқ, сўзлари қовушмаган, ўз фикрини равшан ифодалай олмайдиган, оддий матн туза билмайдиган ёшлар ҳам онда-сонда бўлса-да, учрайди. Баъзи ёшлар орасида русча, айрим ҳолларда кўпчилик тушунмайдиган сўзларни тўғри келса-келмаса қўшиб гаплашадиганлари ҳам бор.

Маълумки, ёшлиқдан бадиий адабиётга меҳр қўйиш, уни мунтазам ўқишга кўникма ҳосил қилиш ва кўп ўқиш юксак маданиятлиликни, бой, гўзал, таъсирчан тилга эга бўлишни таъминлайди.

Ҳар қандай тилнинг гўзаллиги-ю, нафосати билан танишиш, ундан баҳраманд бўлишнинг бирдан-бир йўли шу тилнинг яратувчиси бўлган халқнинг тили ва маданиятини чуқур ўрганиб олиш билан белгиланади.

Киши дунёга мукамал инсон бўлиб келмайди. У туғулиб-оқибат эртак ёки дostonлардаги қаҳрамонлардек ақлли, доно, билимдон бўлиб қолмайди. Умуман, инсон атрофидаги кишилар орасида,

табиат қўйнида, ҳайвонот дунёси, паррандалар, ҳашоратлар, турли-туман воқеа-ҳодисалар қуршовида, улар билан мулоқотда бўлади, ўсиб улғаяди, камол топади. Яхшилардан ибрат олади, ёмонлардан нафратланади. Инсоннинг ана шундай камолатга эришишида тил одобининг ўрни бекиёсдир.

Ўқувчилар ҳамма нарсани ўйин ва сўзлар орқали ўзлаштириш йўлидан борадилар. Ўзаро мулоқот воситасида она тилининг нозик томонларигача ўрганадилар. Улар сўз ва ибораларни қизиқиб ўрганадилар, ҳамда осонгина эслаб қоладилар. Ўша сўзлар ва иборалар аста-секинлик билан болаларнинг луғат бойлигига киради. Лекин болалар сўз ва иборалар маъносини ҳамиша тўғри тушуниб етмайди. Уларни тушунтириш эса оналар билан бошланғич синф ўқитувчиларининг вазифасидир. Чунки болалар луғат бойлигини тўлдиришни худди мана шу ёшдан бошлайдилар.

Маълумки, равшан ва равон имло билан ёзилган асар ёки матнлар унинг ғоявий мазмунини тушунтиришга ёрдам бериш билан бирга нутқ маданиятининг таркиб топишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади, халқ тилининг кучи ва гўзаллигидан баҳраманд этади. Бу борада биз болаларнинг нутқига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Чунки нутқи ривожланган киши пухта билимли, комил инсон ҳамдир. Инсон учун энг зарур бўлган бундай ҳислатни тарбиялаш боланинг тили чиққан давриданок моҳирлик билан олиб борилиши мутахассислар томонидан аллақачон эътироф этилган⁴⁶.

Нутқнинг бой, сермазмун бўлишидаги асосий шартлардан бири ҳар бир тилнинг тўғри талаффуз меёрига тўлиқ амал қилишни билишдир. Тўғри талаффуз кўникмалари кичик ёшдаги болаларга тарбия беришда алоҳида ўрин тутаяди.

Маълумки, ўзбек тили турли шеваларга бой ва айрим ўзига хос товушларга эга бўлган туркий тиллардан биридир. Шу боис ёш болалар ҳали адабий тилни ўзлаштирамасдан олдин шева ва унинг элементларига кўникиб кетишган бўлади. Мана шу кўникмалардан ҳоли бўлиш учун ва адабий тил сўзларини бемалол қўллаш учун ўзбек тилининг орфоэпик меёрларга тўғри ёндашиш керак.

⁴⁶ Сайидираҳимова Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. НДА. – Тошкент, 2004. – Б. 6-21; Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи. НДА. – Тошкент, 2009. – Б. 10-18.

Ўқитувчилар болалар билан машғулот олиб борганида ва машғулотлардан ташқари вақтларда ҳам ўзбек тилининг орфоэпик қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда гапириш керак ва болалардан ҳам шуни талаб қилиши зарур. Ўқитувчи адабий тил қоидаларига қатъий амал қилиши лозим. Чунки, республикамизнинг барча туманларида турли миллат вакиллари билан болалари тарбия олади, ўқийди. Бу уларнинг нутқига ҳар хил таъсир қилади.

Маълумки, она тили таълимининг асосий мақсади ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ кўникмасини тўғри ва ифодали фикрлаш малакасини ҳосил қилишдан иборатдир⁴⁷.

Ҳозирги даврда техника шу қадар ривожланиб, ахборотлар шунчалик кўпайиб кетдики, уларнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши ишлаб чиқаришдан анча орқада қолмоқда. Бу ахборотларни ўзлаштирувчиларнинг кўпчилик қисмини эса ўқувчилар ташкил этади. Кейинги пайтларда ҳаётимизда космос, генетика, тиббиёт, компьютер, электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ), интернет ва бошқа соҳаларга доир кўпгина янги маълумотлар, атамалар кириб келмоқда. Шундай янги атамаларни болага тўғри ўргатиш лозим. Бу муаммони ҳал қилиш эса дарсларга бўлган дидактик талабларнинг оширилишини талаб этмоқда. Дарс мазмуни ўқувчиларнинг ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатиши, у жонли, таъсирчан бўлиши, ўқувчиларнинг қалбини эгаллаб олиши лозим.

Ҳозир ўтилаётган айрим дарслар ўқувчиларнинг ақлини эгаллаб олишга қаратилади-ю, лекин уларнинг қалбига йўл оча олмайди. Мана шуларнинг таъсирида айрим она тили ва адабиёт дарслари зерикарли ва қуруқ ўтади. Зероки, дарс давомида зерикаш – ўқувчининг ашаддий душманидир. Агар дарс давомида ўқувчиларга бефарқ қаралса, бола бутун ҳаёти давомида ўқишга нафрат кўзи билан қарайдиган ёки илмга нисбатан совуққон бўлиб қолади.

Ўқитувчи ҳар бир дарсда ўқувчиларни ўзига қаратмоғи, мавзуга қизиқтирмоғи керак, шу билан бирга, жонли ва эмоционал баён қилиш ҳам ёддан кўтарилмаслиги керак. Баъзи ўқитувчиларимиз дарсда кулиш ёки ҳазил қилишдан кўрқадилар.

⁴⁷ Қосимова Қ. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б. 13.

Ўзлари ҳам кулмайдилар, ўқувчиларни ҳам кулдира олмайдилар. Бундай дарслар қуруқ ва зерикарли бўлиб ўтади.

Шу сабабли ўқитувчининг дарсга тайёрланаётганида ҳал қилиниши зарур бўлган педагогик масалаларни олдиндан аниқ белгилаб олиши муҳим аҳамият касб этади.

Кўпгина ўқитувчилар она тили ўқитишнинг асосини грамматик қоида ёдлатиш ва машқ ёздиришдан иборат, деб тушунадилар. Шунинг учун улар асосан дарслик материалларига ёпишиб оладилар. Грамматик қоидалар ҳам ўқувчилар томонидан кўр-кўрона ёдлаб олинади, қоидани нутқ жараёнига ўринли татбиқ этишга эътибор берилмайди. Ёшларда ижодий тафаккур, ижодий изланиш, мавжуд имкониятлардан энг қулай ва серунумини танлай олиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, уларни миллий қадриятларимиз, удум ва анъаналаримиз руҳида тарбиялашда она тили фанининг тутган ўрни ва имкониятлари бениҳоя катта.

Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, мустақиллик даврига келиб она тили таълимининг шаклланиб қолган таълим усули замон талаби ва эҳтиёжига жавоб бермай қўйди.

Грамматизмга асосланган ўқитиш усули ўқувчи-ёшларнинг кўпчилик қисмида ижодийлик, мустақил фикрлаш, вазиятга қараб фикр ифодалаш кўникмаларининг паст бўлишига олиб келди. Мавжуд ҳолат кўп жиҳатдан она тили таълимининг мақсади, мазмуни ва усулига алоқадар бўлиб, уни янгилаш ҳаётий заруриятга айланди⁴⁸.

Ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчида ўзи дарс бераётган фаннинг мўъжизакор қудратига болада ҳайрат уйғота олсин, ҳар бир ўқитувчи ўз фанининг моҳир устаси бўлсин. Бунинг учун эса тинимсиз изланиш ва яратувчан бўлиш талаб этилади.

Ижодий қобилиятларни ривожлантиришда она тили таълими муҳим ўрин тутди, чунки худди мана шу фан орқали шахс, унинг қизиқишлари, мойилликлари шаклланиши учун пойдевор яратила бошланади. Жамият учун мустақил танқидий фикрлайдиган, ҳаракат қила оладиган ижодкор шахслар жуда асқотаётган ҳозирги кунда ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириши педагогиканинг долзарб муаммоси бўлиб турибди.

⁴⁸ Ғуломов А., Неъматов Х. Она тили таълими мазмуни. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 23-24.

Мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳалардаги кенг кўламли ишлар «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури», «Ўзбек мактабларида она тили концепцияси» тақозасида она тили ўқитиш ишлари ташкилий ва мазмуний жиҳатдан қайта кўриб чиқилди. Демак, она тили ўқитиш ишларини ташкил қилиш ва ўтказишнинг асосий шакли бўлган дарсларнинг мазмунига миллий маънавият ва мафкура, миллий рух, маданият ва қадриятлар ўқув топшириқлари орқали дидактик принципда кўпроқ сингдирила бошлади. Чунки она тили дарслари миллат тафаккурини шакллантирувчи, ривожлантирувчи энг асосий воситадир. Бунинг ижроси ҳар бир она тили ўқитувчисининг бурчидир.

Айни маънода «Таълим ҳақида» ги қонуннинг 33 - моддасида ўқувчиларнинг давлат стандарти даражасида ўзлаштиришларига эришиш, дарс жараёнида умуминсоний ахлоқ қоидаларини муттасил тарғибот қила бориш, таълим жараёнининг бош мақсади эканлиги таъкидланган.

Шубҳасиз, таълим жараёнининг бош мақсадига, асосан, юксак педагогик маҳорат билан ташкил қилинган анъанавий ва ноанъанавий дарслардаги таълим жараёни субъекти, объекти ва бу жараённинг бошқарувчиси фаолияти давлат стандарти, давр талабига мос уюштирилсагина эришамиз. Шунинг учун ҳозирги кунда она тилидан ўқув ишларини ташкил қилишда «ўқувчи - ўқув материали - ўқитувчи» фаолиятига алоҳида урғу берилмоқда, булар ҳозирги кунда она тили таълимининг энг долзарб муаммосидир⁴⁹. Чунки дарс типларини материалга мос танлай олмаган ўқитувчи самарали дарс ташкил қила олмайди.

Ҳозирги кунда давлат таълим стандарти талабида тузилган янги дастур асосида таълим воситалари янгиланди. Дарсликлар замон талабига мос равишда яратилди.

Демак, таълим жараёни билим бериш усуллари талабларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, ўргатилмоқчи материалнинг хусусиятларини назарда тутиб, дарс шакларини, уларга мос билим

⁴⁹ Маҳмудов Н. Тил таълими ва педагогик технологиялар // Ўзбек тили таълимида педагогик технологияларнинг ўрни. “Ўзбек тили” доимий анжумани ўн биринчи йиғини материаллари (2011 йил 14-15 апрель). – Тошкент, 2011. – Б. 9-11.

бериш усуллари тинлаш она тили ўқитишнинг бош мақсадига эришувнинг услубий ва амалий омилидир.

1. МАТН ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОЎЗАКИ НУТҚИНИ ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: матн, мактаб адабий таълими, оғзаки ва ёзма нутқ қоидалари, нутқ ўстириш, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг тушунарлилиги, ўқувчилар нутқини ўстириш усуллари.

Инсоннинг маънавияти, маданияти ва одоб-ахлоқи унинг тилида яққол намоён бўлади. Кузатишлар шуни яққол кўрсатяптики, ўқувчиларимизнинг нутқи равон эмас, сўз бойлиги ҳам камроқ.

Ҳар бир авлод олдида инсоният яратган билимларни ўрганиш ва ўзлаштириш вазифаси туради. Жамият тараққиётини ҳаётнинг такомиллашувини шунингсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли ёш авлоднинг ўқиш ва билим кўникма ва малакасини шакллантиришдир. Ҳадисларда «Бешиқдан то қабргача илм изла», дейилишида жудда катта ҳикмат бор. Илм бобидаги изланиш ва интилишлар инсонни маънавий жиҳатдан ўстиради, ахлоқий баркамолликка етиштиради. Шунинг учун ҳам бизнинг давримизда халқ таълим тизимига, ёшлар маънавиятининг муҳим бир манбаи сифатида катта эътибор берилмоқда.

Ўқишда малакасизлик, ўқиш маданиятини билмаслик ҳар қандай ўрганиш жараёнини тинкани қуритадиган оғир меҳнат ва мажбуриятга айлантиради. Ўқиш ва ўрганиш малакаси муайян даражада шаклланган киши учун эса, ушбу фаолият завқ берадиган ижодий фаолиятга айланади, қийнаётган ишнинг самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар ҳозирлайди.

Мактаб адабий таълимнинг турли босқичларида ўқувчиларни бадиий матн устида ишлашга ўрганишнинг мақбул усуллари ва шаклларидан фойдаланиш, шу жараёнда бадиий-эстетик тушунча ва завқни тарбиялаш, уларни китобхонликка ўргатиш каби

муаммолар методист олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани ҳам ана шу билан белгиланади⁵⁰.

Бундай камчиликлардан қутилишнинг бирдан-бир йўли она тили дарсларида ўқувчининг мустақил фикрини рағбатлантириб боришдир.

Бола мактабга гапиришни билган ҳолда келади, лекин у ўқишнинг биринчи кунларидан бошлабоқ бериладиган янги тушунча, фикр, ҳиссиётни ифодалаб бериш имкониятига эга бўлмайди. Бунинг учун унинг сўз бойлиги етишмайди. Бола мактабга келгунча, унинг сўз бойлиги болалар билан ўйин фаолияти учун, шунингдек, унинг талаб ва қизиқишлари оила доирасида бўлиб, ота-оналари ва қариндошлари билан суҳбатлашиш учун етарли эди. Мактабда эса кўпинча тўлиқ ва кенг жавоб беришга, ўқитувчи ва синф олдида сўзлашга тўғри келади. Ундан ташқари, мактабгача бола ўз фикрини ёзма ҳолда ифодалаган эмас. Булар юзасидан малака ҳосил қилиши учун бола махсус ўқиши, фикр юритишга ўргатилиши зарур.

Она тилини мукамал ўқитиш ўқувчилар нутқ маданиятини ўстиришга кенг имконият яратади. Улар ўқитувчи раҳбарлигида табиат ҳодисаларини, кишиларнинг меҳнат фаолиятини кузатадилар, ўртоқлари билан фикр алмашадилар, ўқитувчи ва бошқаларнинг адабий тил нормалари асосидаги нутқларини эшитадилар, китоб ўқийдилар, ўзлари матн тузадилар.

Бола мактабга келган дастлабки кунлардан оғзаки ва ёзма нутқ қоидаларни, грамматик қоидаларни ўзлаштиришга интилади. Бу грамматик қоидалар ўқувчининг нутқ кўникма ва малакасини ўстириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш иши билан боғлаб олиб борилса, адабий нутқнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Булардан ташқари, ўқувчи нутқини ўстириш, луғатини бойитиш устида маълум режа асосида ва мақсадга мувофиқ иш олиб бориш талаб этилади. Бу соҳада биринчи навбатда ўқувчиларни ўз фикрларини тўғри, аниқ, таъсирчан шаклда ифодалай олишга ўргатиш лозим.

Она тили дарсларида тилни амалий жиҳатдан ўзлаштириб олинади. Ўқувчилар эртақлар айтадилар, ўқиганларини қайта ҳикоя

⁵⁰ Тўхлиев Б. Алабиёт ўқитиш методикаси. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – Б. 7.

киладилар, матн тузадилар, уйдаги ва мактабдаги ишлари ҳақида, ўйинлари, атрофдаги ҳаёт ҳақида сўзлайдилар, айрим нарсаларни, воқеа ҳодисаларни муҳокама қилдилар.

Бутун ўқув иши жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг сўзларини тўғри талаффуз этишига, урғуни тўғри ишлатишига, воқеликни аниқ ифодаловчи сўз ва ифодаларни танлаб, фикрни мазмун жиҳатдан тўғри туза олишига эътибор бериб, йўл қўйган хатоларни тўғрилаб бориши катта аҳамиятга эга, аммо уларни нутқ устидаги етарли иш деб бўлмайди.

Нутқ ўстириш унинг мазмуни, гап тузишга керакли сўз ва унинг формасини танлаш, фикрни орфографик ва пунктуацион жиҳатдан саводли баён этиш, орфоэпик жиҳатдан тўғри талаффуз қилиш устида мунтазам ишлаш демакдир.

Ўқувчилар учун ёзма нутқ алоҳида қийинчилик туғдиради, уларни ёзма нутққа аста-секин, грамматика ўқитиш ва орфография боғлиқ ҳолда ўргатиб борилади. Ёзма ишга ўргатиш танланган матн устидаги дастлабки оғзаки машқдан бошланади. Матнни таҳлил қилиш даврида ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақиллигига суянган ҳолда сўзларни тўғри талаффуз этишга, тўғри танлашга ўргатади.

Мустақил ёзма ишнинг энг кўп тарқалган тури матнни оғзаки ёки ёзма баён қилишдир⁵¹. Одатда, она тили дарсларида қайта ҳикоялаш, матн мазмунини баён этиш бўйича машғулотлар адабиёт дарслари билан боғлаб олиб борилади. Адабиёт дарсларининг вазифаси ўқилган матннинг мазмунини, тилининг ўзига хос томонини ўз сўзлари билан айтиб беришга, ўқиганлари юзасидан ўз фикрини айта олишга ўргатишдан иборатдир. Матн мазмунини ўзлаштиришда, сўз бойлигини орттиришда матнни мустақил ўқиш яхши натижа беради.

Дастлабки вақтда ўқувчилар ўқиганлари ёки расм асосида, шахсий кузатув ва таассуротлари асосида қилган ишлари ва саёҳатлар тўғрисида, баъзан ўзларига яхши таниш бўлган предметларни тасвирлаб, кичик мустақил ҳикоя, матн тузадилар.

Нутқ ўстириш тафаккурни ўстириш демакдир, чунки нутқ тафаккур билан чамбарчас боғлиқ. Боланинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга эътибор бермай туриб, нутқни ўстириш мумкин эмас. Ўқитувчининг муҳим вазифаси бола фикрининг мазмунли, мантиқ

⁵¹ Зиёдова Т. Матн яратиш технологияси (она тили таълими мисолида). – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 33.

жиҳатдан тўғри ва изчил бўлишига ғамхўрлик қилишдир. Ўқишни ҳаёт билан боғлаш, атроф муҳитни кузатиш, уни ўрганиш жараёнида ўқувчи нутқи устида ишлаш, болани турли билимлар билан бойитиш нутқни мазмунли қилишнинг энг асосий воситаларидир.

Ўқувчининг нутқини ўстиришда доим тафаккурга асосланиш зарур. Ўқувчининг диққат билан кузатиши, тушуниб олишга ҳаракат қилиши, эса қолдириши ва кузатишларини таҳлил қилиш билан, турларга ажратиш, умумлаштириш, тушунтириш ва исботлаш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш тафаккурга асосланган ҳолда нутқ ўстиришни таъминлайди⁵².

Ўқувчи учун ўқиганларни маълум режасиз сўзлаб бериш осон. Лекин ўқитувчи уни ўз ҳикоясининг режасини тузиб олишга, ўқиган матнини қисмларга бўлишга ва ҳар бир қисмга сарлавҳа топишга ўргатиши, уни маълум изчилликда баён қилишга одатлантирмоғи лозим.

Ўқувчиларнинг нутқи ва фикрлаш қобилиятини ўстириш билан бирга, уларнинг ёзма нутқини ўстиришга ҳам, ўз фикрларини савияларига мос равишда саводли ёза олишларига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади⁵³.

Ўқувчининг нутқи энг аввало мазмунли бўлиши шарт. Бола сўзлаётган нарсаси, воқеаси, предмети ҳақида аниқ тушунчага эга бўлмай, улар ҳақида сўзлашга йўл қўймаслик лозим. Чунки нутқдаги энг катта камчилик унинг маъносизлиги, сўзларнинг маъносини билмай туриб қўллашдир.

Нутқ мантиқан тўғри бўлиши, яъни фикр изчил баён этилиши керак. Фикрни изчил баён этиш ўқитувчи томонидан берилган ёки ўқувчининг ўзи тузган режа асосида матнни баён этиш демакдир. Матнни баён этишда унинг таркибидаги ҳамма гаплар мазмунан бир-бирига боғланган бўлиши, айрим асосий воқеа-ҳодисалар ҳақидаги фикрлар тушириб қолдирилмаслиги, баъзи нарсаларнинг такрорланмаслигига, кейинги фикрлар олдингисининг давоми бўлишига, баён этиладиган матннинг изчиллигига алоҳида эътибор берилади.

Нутқ тушунарли бўлмоғи, уни ҳамма бирдек, ҳеч қийинчиликсиз тушуна олиши лозим. Нутқнинг тушунарли бўлиши

⁵² Ғуломов А. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 39.

⁵³ Абдуллаева Қ. Нутқ ўстириш. Қўлланма. 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 17-26.

унинг қанчалик тўлиқ ва изчил баён қилинишига, гаплар қанчалик тўғри тузилганлигига боғлиқ.

Нутқ аниқ бўлмоғи, бола ўзини ўраб турган ҳаёт, муҳит тасвирини тўғри, ўқиган нарсасининг мазмунини аниқ тушунтира олиши керак. Ҳар бир ўқитувчи болани ўз таассуроти ва фикрини оддий сўзлар билан тўғри ифодалай олишга ўргатиши энг муҳим иш саналади.

Назорат саволлари:

1. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш усуллари ҳафида тушунча.
2. Она тили дарсларида тилни амалий жиҳатдан ўзлаштириш омиллари.
3. Ўқувчилар нутқини ўстиришда тафаккурга асосланишнинг аҳамияти.
4. Ўқувчилар нутқини ўстиришда нутқнинг мантиқан тўғри бўлишига, аниқлигига эришиш йўллари.

2. ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШДА МАТН ТУЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар: матн, матн турлари, баёний матн, тасвирий матн, мулоҳаза турдаги матн, ривоя матн, тавсифий матн, маълумотнома матн, ижодий-тавсифий матн, оғзаки матн тузишда имо-ишора ва оҳангнинг иштироки, матнда синонимик қаторнинг ўрни, матн тузиш жараёни босқичлари, матн тузишда тасвирий воситаларнинг иштироки.

Маълумки, муҳандис бино қуришдан аввал, мақсаддан келиб чиқиб, бинонинг қандай бўлиши кераклигини кўз олдида келтиради ва унинг лойиҳасини тузади, шундай кейингина қурилиши учун зарур бўлган материал тўплашга киришилади. Бинони лойиҳа бўйича чиройли қилиб қуриш учун қурувчи нафақат ғишт танлаш ва теришни билиши, балки бинонинг қурилаётган қисми қандай бўлиши кераклигини кўз олдида келтириши керак. Ғишт қанчалик чиройли бўлмасин ва у қанчалик яхши терилмасин, лойиҳасиз яхши бино қуриб бўлмайди. Матн яратишда ҳам худди шундай,

фикрнинг қайси тарзда, оғзаки ёки ёзма ифодаланишидан қатъий назар, ўқувчи, аввало нима ҳақида ва нима учун гапириш, ёзиш кераклигини, яъни мақсадни яхши англаши керак. Мақсадга қараб тузилажак матннинг мавзуси белгиланади ва тури аниқланади. Матнларни ўзининг ифода мазмунига кўра қуйидаги тип (тур)ларга ажратиш мумкин⁵⁴: Ўқувчиларга матн туздиришдан олдин матн турлари ҳақида ҳам умумий тушунча бериш, уларни турли хил матнлар тузишга ўргатиш лозим. Асосан, матннинг қуйидаги турлари билан таништириш мақсадга мувофиқдир.

Баёний матн. Баёний матн тузиш учун бирор воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилиш ёки нарса-буюм тўғрисида маълумот бериш керак.

Тасвирий матнда ҳодиса, нарса-буюм ёки кишиларнинг бадиий тасвири берилишини кўрсатиш керак.

Мулоҳаза турдаги матнда эса бирор бир нарса, воқеа-ҳодиса ҳақидаги турлича қарашлар изоҳланиб, турли мулоҳазалар далиллар асосида исботланади.

Ривоя матн. Бундай матнда бирор нарса ҳақида маълумот берилиши, ҳикоя қилиниши ёки бирор ҳодисанинг тафсилоти тушунтирилиши мумкин.

Тавсифий матн. Бундай матнда бирор нарса (ҳодиса, киши, буюм, манзара) тасвирлаб (тавсифлаб) ҳам берилиши мумкин. Матнда шунингдек, бирор бир нарса (шахс), унинг фаолияти (ҳолати) ҳақида мулоҳаза юритилиши, бирон фикр исботланиши мумкин.

Маълумотнома матн. Бунда эса бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса ёки мавжуд ҳолат ҳақида оддий ахборот берилади.

Бундай матнда сўзларнинг кўчма маъноларидан, тилнинг бадиий-тасвирий воситаларидан деярли фойдаланилмайди, воқеа-ҳодиса оддий ва аниқ баён қилинади.

Ижодий-тафсифий матн. Бунда сўзловчи ёки ёзувчи томонидан ижодий равишда баён этилган воқеа-ҳодиса, нарса ёки шахснинг тасвири ёки хабар, маълумотнинг ижодий-тавсифий баёнидир.

⁵⁴ Матн типлари ҳақида қаранг: Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 5-39; Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг дингвопозитик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 12-33.

Маълум воқеа-ҳодисаларга, нарса ва шахсларга оид фикр-мулоҳаза билдириш, уларни бадиий-тасвирий воситалар, далиллар билан таърифлаш, изоҳлаш ижодий-тавсифий матнга хос хусусиятлардандир.

Илмий, публицистик ва бадиий услубларга хос матнлар, шунингдек, иншо ҳам ижодий-тавсифий матннинг кўринишларидандир. Ана шу юқоридаги таснифий белгиларга қараб ўқувчилар томонидан яратилажак матнларнинг турлари аниқланади ҳамда улар илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Гап шундаки, бу матн турларининг ҳар бирида ўзига хос лисоний ва лексик воситалар қўлланади. Ҳар бирининг кириш, асосий ва хулоса қисмлари ўзгача хусусиятга эга бўлади. Ўқувчилар ана шу хусусиятларни билиб олсаларгина, фикрни саводли қилиб тўғри ифодалашни ўрганишлари мумкин. Матнда, шунингдек, фикрларни мантиқан изчил қилиб баён этиш катта аҳамият касб этади. Баъзи матнлардаги ғализликлар кўпинча фикрлар изчиллиги ва мантиқига мос келмайдиган ёки зид бўлган фикрнинг мавжудлиги, шунингдек, мавзудан четлаб кетиш ҳолларидан келиб чиқади. Шундай экан, ўқувчиларга мантиқ қонун-қоидаларини ўргатиш ва уларда фикрни матн тарзида мантиқан изчил қилиб ифода этиш кўникмаларини ҳосил қилиш асосий вазифалардан биридир.

Қуйи синф ўқувчилари учун содда ва қизиқарли асарлар, эртаклардек матнлар керак. Бу ёшдаги болалар учун яратилган матнлар атроф-муҳитни, ҳаётни билишга ва уни севишга ёрдам беради, мурғак қалбларнинг зеҳнини, онгини юксалтиради, турмушни содда ва ҳаққоний равишда тасвирлашга хизмат қилади, болаларнинг луғат бойлигини оширади, уларнинг нутқини ўстиради. Аниқ, равон, қизиқарли тилда ёзилган ҳар қандай асар ёки матн болаларга тез таъсир этади ҳамда улар томонидан осон ўзлаштирилади.

Бундан ташқари, барча турдаги матнлар учун умумий бўлган, шунингдек, ҳар бир турдаги матннинг ўзига хос бўлган фикрни боғловчи воситалар мавжуд. Биринчи жумладаги от туркумига оид сўзнинг ўрнида иккинчи жумлада олмош ишлатилиши, аммо, лекин, зеро каби зидловчи боғловчилар; шунинг учун, шундай экан каби сабаб-натижани ифодаловчи; бундан ташқари, шунингдек, жумладан, масалан каби қўшимча фикрни боғловчи; биринчидан,

иккинчидан, учинчидан каби фикр изчиллигини кўрсатувчи воситалар шулар жумласидандир.

Оғзаки матн тузишда, шунингдек, имо-ишора, оҳанг, эҳе-е-е, вой, ҳа-а-а, А-а-а каби ҳис-туйғуни ифодаловчи воситалар, ёзма матнда эса бу воситалар билан бир қаторда тиниш белгилари ҳам жуда катта роль ўйнайди. Фикрни матн тарзида тўғри ифода этиш учун ўқувчи ана шундай воситалар ҳақидаги билимларни эгаллашгина эмас, балки уларни нутқий мулоқот жараёнида ўринли қўллаш бўйича амалий кўникмаларга ҳам эга бўлиши талаб қилинади.

Матнда, юқорида айтиб ўтганимиздек, фикрнинг услубан саводли қилиб баён этилиши, яъни матнда нутқ мақсади ва вазиятига қараб у ёки бу услубга хосланган сўз ва ибораларнинг қўлланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тили сўз, сўз бирикмалари ва гап даражасидаги бири-бирдан услубий жиҳатдан фаркланадиган синонимларга ниҳоятда бой тиллардан биридир⁵⁵. Шу боис ўқувчиларда уларнинг ҳар бирини матннинг услубий туригагина эмас, балки нутқий жанрига нисбатан ҳам тўғри қўллаш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш керак.

Фикрни матн тарзида ифодалашда ўқувчиларни юқорида тилга олинган барча талабларга риоя қилишга одатлантириш ва бу борада зарурий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида уларни мунтазам равишда матн тузиш бўйича машқ қилдириш яхши натижа беради.

Ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш мақсадида дарсларда матнлардаги тарихий ва эскириб қолган сўзларни топиб, уларни ҳозирги кунда қўлланадиган синонимлари билан алмаштириш топшириғини бериш ҳам мумкин. Масалан: *айтишмоқ* – *жанжаллашмоқ* – *сен-менга бормоқ*; *кузатмоқ* – *огоҳ бўлмоқ* – *кўз-қулоқ бўлмоқ* кабилар.

Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш мақсадида матн тузиш жараёнида синонимлардан ўринли фойдаланиш малакаси ҳам ўргатилади. Дарс давомида сўзларни синонимлари билан алмаштиришдан ташқари, синоним сўзларни ўзлаштиришга қаратилган топшириқлар берилиши мумкин.

⁵⁵ Бу ҳақда қаранг: Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. ДДА. – Тошкент, 1999. – Б. 4-37; Шамсиддинов Х. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2008. – Б. 7-83.

Матндаги синонимик қаторни топиш, бу қатордаги сўзларнинг ижобий ва салбий маъноларини ажратиш, услубий бетараф сўзларни топиб, ундан матнда ўринли фойдаланиш каби топшириқлар шулар жумласидандир.

Ўқитувчи бундай топшириқларни аста-секинлик билан мураккаблаштира бориб, ўқувчиларни матн устида ишлашга ўргатиб боради. Жумладан, матндаги такрорий сўзларни бартараф этиш учун сўзларнинг синонимларини топиш, уларнинг маъноларини изоҳлаш каби топшириқларни бажаришни ўқувчидан талаб қилиш мумкин.

Ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш учун биринчи навбатда улар билан ҳамкорликда матн устида иш олиб бориш керак. Матн танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва билим даражасини эътиборга олиш бундай дарсларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Матн билан ишлаш жараёнида тузилган матн асосида саволлар бериш, суҳбат тарзидаги матнларни ролларга бўлиб ўқиш, матндаги тушириб қолдирилган ўринларни тўлдириш, сўзларни алмаштириш каби иш турлари ўқувчиларда амалий нутқ кўникмаларини ҳосил қилиши, уларда фикрни боғлиқли матн тарзида баён этиш малакасини шакллантиришга хизмат қилади.

Она тили дарсларида ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий матн яратиш кўникмаларини шакллантириш таълимнинг асосий мақсадларидандир. Шунинг учун ҳам, айниқса, кейинги йилларда она тили дарсларида мустақил ва ижодий ишларга катта эътибор қаратилган. Ўқувчиларда ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш учун турли воситалар, усул ва манбалардан фойдаланилади. Булардан матн туздириш энг самарадор омиллардан биридир. Шунинг учун матн тузиш жараёнида ўқувчининг мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида бу жараённи қуйидагича уч босқичга ажратиб ўрганган маъкул:

1-босқич: тасвирланган ҳолатга қадар бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида билдирилган мантикий фикр ва мулоҳазаларни ифодалаш;

2-босқич: тавсия қилинган расмдаги ҳолат тавсифи ва унга муносабатни ифодалаш;

3-босқич: мазкур ҳолатнинг давоми ҳақида ўқувчининг мустақил баёни. Бундай иш ўқувчи дунёқарашини кенгайтиради. Ўқувчилар воқеа-ҳодисалар кетма-кетлигига эътибор беради, улар ўртасидаги узвийликни қидиради. Бундай ижодий ишларни ташкил қилишда ўқувчиларга ижодий эркинлик берилади, уларда мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратилади. Ижодий матн яратишда таълимий ва тарбиявий, маънавий ва маърифий жараён бир бутунликни ташкил этади.

Шунинг сабабли ижодий матн учун танланган мавзу ва расмлар ўқувчиларда она Ватанга, табиатга, миллий анъана ва қадриятларга муҳаббат туйғуларини уйғотувчи характерда бўлиши мақсадга мувофиқдир⁵⁶.

Мактабда адабий таълимнинг вазифаси ўқувчининг фақат назарий билимларни тушуниш ва ўзлаштиришга эришиш билан чегараланмайди, балки шу орқали уларни мустақил фикрлаш қобилиятига эга, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол шахслар қилиб тарбиялашни ҳам назарда тутди. Чунки маънавийлиги бўлишнинг энг муҳим бир шarti бор - у ҳам бўлса ўқиш, билим олиш. Унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ўқиб ўрганмасдан туриб маънавий камолот ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Матн танлашда ўқувчининг ёши ва қобилиятини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу матнларда ўзбекона мулозамат, урф-одат ва удумлар акс этган бўлса яна ҳам маъқул.

Ўқувчиларга оғзаки ва ёзма нутқни ўстирадиган, ўқувчини фикрлашга ундайдиган қизиқарли машқлар керак. Масалан, ҳадислардан парчаларни матн сифатида бериш мумкин. Ўқувчилар бу матнлар орқали мавзунини яхши ўзлаштириб оладилар. Тил ўқитишда биринчи ўринга грамматик қоидалар эмас, нутқий вазифалар қўйилиши керак. Бунда ўқувчилар пассив тингловчи бўлиб қолмай, балки билим олиш жараёнининг фаол иштирокчисига айланадилар.

Она тили дарсларида ўқувчиларга тилнинг ифода воситаларини сингдириб, унинг тасвирий ва аташ воситаларидан нутқ жараёнида самарали ва унумли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, фикрлашга, тафаккур қилишга ўргатиб бориш орқали улар тузадиган гапларнинг мазмундорлигини ошириш лозим.

⁵⁶ Тўхлиев Б., Юсупова Ш., Райимбердиева З. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарсларида юксак маънавийлиги шахс тарбияси. Тошкент: АДУ нашри, 2010. – Б. 14-15.

Она тили дарсларида ўқувчилар қуйидаги муносабат билан гап тузадилар: 1) грамматик қоидага мувофиқ келувчи мисол келтирадилар; 2) топшириқ ёки машқ шартини бажарадилар; 3) баён ёки иншо ёзадилар, оғзаки ҳикоя қиладилар. Ўтилган ёки янги ўрганилган мавзуга оид мисоллар топиш (гап айтиш ёки тузиш) энг кўп тарқалган, ҳар бир машғулотнинг маълум бир қисмида албатта адо этиладиган иш туридир. Бевосита гап тузишга доир топшириқлар эса ҳамма вақт ҳам учрайвермайди. Баён ва иншолар муайян вақт оралиғида ўтказилади. Демак, мавзуга оид мисоллар айтиш асносида гап тузиш ҳар бир дарсда бажариладиган муҳим иш тури ҳисобланади. Айни шу машқлар ўқувчилар нутқ маданиятини шакллантириш борасида узлуксизлик ва узвийликни таъминлай олади, деб фараз қилиш мумкин. Бу нарса тўғри ҳамдир. Чунки бола ҳар бир дарсда мазмундор ва таъсирчан гап тузишни машқ қилиш имкониятига эга бўлади.

Ўқувчилар нутқининг таъсирчанлигини ошириш масалалари илмий-методик адабиётларда бирмунча ёритилган⁵⁷. Нутқ деб таъкидлаганимизнинг боиси бор, албатта. Зеро, тадқиқотчилар асосан мазмундор ва таъсирчан нутқ ҳақида сўз юритганлар. Муаллифларда ўқитувчилар болаларни гап тузишга ўргатишда шу йўналишдаги назарий билимлар ва амалий тавсияларга амал қилишади, деган ўй бўлган бўлса керак. Лекин ўқитувчилар билан ўтказилган суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, улар нутқнинг таъсирчанлигини ўстириш деганда кўпроқ болалар ёзадиган баён ва иншони назарда тутадилар. Биз мавзуга оид мисол айтиш чоғида тузиладиган матнларнинг таъсирчанлигига эътиборни кўчириш лозим, деган фикрдамиз. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, бу тадбир ҳар дарснинг имконият доираси саналади, бинобарин, унинг самараси беқиёс катта бўлишига шубҳа йўқ. Қолаверса, бу жараён болани мустақил фикрлашга тайёрлайди.

Инсон уйда эканлигида уй кийимида юради, ишга борганда бошқача, меҳмонга йўл олганда, байрам тантаналарида иштирок этганда яна ҳам бошқачароқ кийинади. Худди шунингдек, у уйда оила аъзоларига бир хил гапиради, кўча-қуйда, ишхонада бошқача, тантаналарда, меҳмондорчиликда яна бошқачароқ сўзлайди.

⁵⁷ Ғуломов А. 1У синфда она тили дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 4-21; Ғуломов А., Неъматов Х. Она тили таълими мазмуни. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 39-47.

Кейингиларида жозибали нутқ соҳиби эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бунга меҳмонга боришда ўз кийимларини алмаштирган сингари айтиладиган гапларни ҳам бошқача тузиш, мазмундор қилиш орқали эришади.

Методист олим Й.Абдуллаев ўзининг «Сўз ишлатиш ҳақида» деган мақоласида таъкидлашича, «Нутқнинг (оғзаки ва ёзма) таъсирчанлигини оширишда сўзни ўз ўрнида танлаб ишлатишнинг алоҳида аҳамияти бор. Ўз ўрнида ишлатилган ҳар бир сўз, бир томондан, тушунчани аниқ ифодалашга хизмат қилади, иккинчи томондан, услубий раванликни таъминлайди». Биз муаллифнинг фикрига гап (нутқ)нинг мазмундорлигига, таъсирчанлигига эришиш учун сўзни саралаб, фарқлаб, нутқ шароитига мослаб қўллаш керак деб қўшиб қўйган бўлардик.

А.Ҳ.Арипова нутқнинг жозибали чиқиши масалаларини тадқиқ этар экан, эътиборни лексик, морфологик, синтактик, бадиий воситаларнинг уйғун келишига қаратади. Чунончи, у нейтрал сўзлар ўрнида бўёқдор сўзларни ишлатиш, маънони бўрттириш мақсадида жуфт сўзли синтактик конструкциялардан фойдаланиш, уюшиқ бўлакли синтактик конструкцияларни қўллаш кабилар нутқнинг таъсирчанлигини оширади, маънони кучайтиради, деган аниқ тавсияларни баён этади⁵⁸.

Синтактик жиҳатдан ҳосил қилинадиган тасвирий воситалар синтактик ёки услубий фигуралар деб юритилади. Услубий фигураларга антитеза, такрор, жим қолиш, инверсия, градация, кўп боғловчилик, анафора, эпифора, риторик сўрок, риторик мурожаат каби тасвирий воситалар киради⁵⁹.

Маълум бўлишича, таъсирчан матн тузишга доир билимлар ёлғиз она тили дарсларида ўтиладиган мавзулар бўлибгина қолмай ўқиш, адабиёт дарсларида ўрганиладиган маълумотлар билан чамбарчас боғланиб кетади. Демак, она тили дарсларида ўқиш билан ўқув фанлараро алоқа йўлга қўйилиши шарт. Она тили дарсларида ўрганиладиган қатор мавзулар таъсирчан матн тузиш учун асос бўлиши табиий. Ўқувчилар матн тузишдан олдин мазмунли гаплар тузишга ўргатилиши лозим. Ўқувчилардан

⁵⁸ Арипова А.Ҳ. Нотиклик нутқининг лисоний-услубий воситалари. НДА. – Тошкент, 2002. – Б. 9-14

⁵⁹ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 228-236; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 109-115.

шундай гаплар билан мисол келтириш талаб этиладиган дастлабки дарсда нуткнинг ширадорлиги, мазмундорлиги, бунга эришишда фойдаланиладиган тасвирий воситалар юзасидан қисқача маълумотлар бериш зарур бўлади.

Ўқитувчининг бу соҳада қиладиган дастлабки иши шундан иборатки, у ўқувчиларга ўтилган мавзу юзасидан мисол келтиринг ёки гап тузинг деб топшириқ бермасдан, балки мазмунли, таъсирий бўёкқа эга бўлган мисоллар топинг ёки гап тузинг деб топшириқ шартини конкретлаштиради, яъни ўқитувчи одатда фойдаланиладиган топшириқ ва машқ шартларига муайян ўзгариш (ислоҳ) киритади. Албатта, “гап тузинг” дегандан кўра, дарслик машқларидан топинг деган маъқул, чунки кейингиси осонроқ. Ўқувчи машқ материалларидан дидига мос равишда таъсирчан гапларни ажратиш малакасини ҳосил қилиб борса, унда шундай жумлалар тузиш истаги ривожланади. Шунга кўра ҳам, аввал болалар бундай гапларни дарсликдаги илгарироқ бажарилган машқлардан, адабиёт дарсларида ўқилган бадиий асарлардан олишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи ҳар бир ўтган дарсида ўқувчилар тузган гапларга эътибор бериши, ўқувчида мисол танлай билиш қобилиятини шакллантира бориши, дарсликдаги гаплар билан чегараланмасдан, уларда ўзи мустақил ҳолда гап туза олиш малакасини шакллантириши зарур бўлади. Бунинг учун мактаб ва олий ўқув юртларида матн таҳлили ёки таҳлилий ўқиш дарсларини жорий этиш зарур. Бу ҳақда фикр юритар экан, проф. И.Мирзаев қуйидаги ҳаққоний таклифни ўртага ташлайди:

“Филологик таълимнинг энг синалган ва самарали усули – матн таҳлили (таҳлилий ўқиш)дир. Чунки тилшунослик ёки адабиётшунослик қанчалик ривожланган бўлмасин, давр талаб қилаётган филолог кадрлар тайёрлашга қодир эмаслигини ҳаёт батамом исботлади. Бинобарин, фанларни бирлаштириш, бошқача айтганда, мазкур фанлар томонидан қўлга киритилган ютуқлардан матн таҳлилида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқув режасини тубдан янгилаш ва бунда асосий эътибор матннинг филологик таҳлилига қаратилиши лозим...”⁶⁰.

⁶⁰ Мирзаев И. Матн таҳлили – юқори малакали филолог кадрлар тайёрлашнинг самарали усули // Айюб Гуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Тошкент: Университет, 2010. – Б. 38.

Демак, ўқувчиларнинг сўз бойлиги уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ўқувчининг луғат захираси қанчалик бой бўлса, у таъсирчан ифодаларни излай бошласа, ўз фикрини шунча равон ва ширали баён қила олади. Сўз бойлиги кам бўлган ўқувчи эса ўз фикрини ифодаловчи сўзларни топа олмаслиги ёки баъзи сўзларнинг маъносини билмаслиги натижасида услубий нуқсонларга йўл қўйиши ўз-ўзидан маълум.

Она тили ўқитиш концепциясида кўрсатиб ўтилганидек, бола ўз нутқининг ривожланишидаги муайян босқичда ўзининг ёши, тараққиёт даражасига кўра ўзгалар фикрини эстетик англаш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда она тилидаги ифода-тасвир воситаларини ўрганишга ва ўз фикрини ифодалаш жараёнида эса уларни қўллашга ҳаракат қилади. Шу асосда ўқувчи ўзи ўқиган бадиий асар ёки тузган ижодий матнда тилнинг тасвирий воситаларидан фойдаланиш тингловчига эстетик завқ бағишлашига, унинг маънавий дунёсини бойитишига қатъий ишонч ҳосил қилади.

Зеро, сўз мулкининг султони Алишер Навоий айтганларидек, «Гўзал ва ёқимли, яна дил билан бир бўлган тил яхшироқдир; тилинг билан кўнглингни бир тут; тил тезлигидан (ўйламай гапиришдан) қийинчилик, турли маломат ва пушаймонликлар туғилади; тил ширинлиги кўнгилга ёқимлидир, унинг мулойимлиги эса фойдалидир»⁶¹.

Она тили дарсларида ўқувчида ижодий тафаккурни ўстириш, мустақил фикрлаш малакаларини чуқурлаштириб, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмасини шакллантириб, улар тузадиган матнлар ёки гаплар таъсирчанлигини ошириш, мазмундорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Давр билан ҳамнафас бўлиш, янгиликлардан моҳирона фойдаланиш асосида тил фанларини ўқитишда мавжуд дарслик ва қўлланмалар билан бирга матбуот, хусусан, газета материаллари муҳим роль ўйнайди.

Дарс жараёнида у ёки бу тил воситасининг хусусиятини ёритишда сарлавҳалардан фойдаланишнинг афзал томонлари бекиёсдир. Биринчидан, газета сарлавҳаси тез кўзга ташланади ва у

⁶¹ Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2010. – Б. 147-149.

газетхон диққатини бир зумда ўзига тортади. Иккинчидан, сарлавҳа сифатида энг мазмунли, равон сўз, сўз бирикмаси ва гап танланади⁶².

Маълумки, сўз тилнинг энг асосий ва марказий бирлиги сифатида аташ, яъни номинативлик, экспрессивлик вазифаларини бажаради. Сўзнинг ана шу вазифадарини тушунтириш, экспрессив бўёғини кўрсатишда газета сарлавҳасини мисол қилиб келтириш ва унинг матн билан уйғунлигини таҳлил қилиш билимни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Масалан, газеталарда босилган материалларни *Оқибат. Эҳтиром. Ишонч. Саҳоват. Диёнат. Мурувват. Инқироз. Тазарру. Ваҳшийлик. Тошбағир. Ишбилармон. Фермер. Кичик бизнес. Хусусий тадбиркорлик. Аъло ўқиш – шиоримиз. Баркамол авлод орзуси ушалмоқда* каби кўплаб сўз-сарлавҳаларни, сўз бирикмалари-сарлавҳаларни ва гап-сарлавҳаларни матн билан боғлаб, луғавий таҳлил қилиш дарс сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Сўз бирикмаси маълум тушунчани конкретлашган тарзда ифодалаб, номинативлик, эмоционаллик, экспрессивлик, услубий нозикликни таъминлашга хизмат қилади. Шу каби хусусиятларни ўргатишда газета сарлавҳаси кўрғазмали восита ролини бажариши мумкин. Юқоридаги сарлавҳалар асосида ўқувчига матн тузишни топшириш мумкин.

Умуман олганда, ўқувчилар нутқини ўстиришда матн тузиш имкониятларидан фойдаланиш мураккаб илмий-услубий жараён бўлиб, ундан фойдаланишда ҳар бир ўқитувчи ўз тажрибаси, ўқувчиларнинг билим савиясидан келиб чиқиб иш тутиши лозим бўлади.

Назорат саволлари:

1. Матн ва унинг турлари ҳақида тушунча.
2. Оғзаки матн тузишда оҳанг ва имо-ишораларнинг ўрни.
3. Матн тузиш жараёни ва унинг уч босқичи ҳақида тушунча.
4. Она тили дарсларида ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий матн яратиш кўникмаларининг шаклланиши.
5. Матн тузишда тилнинг ифода-тасвир воситаларидан, услубий фигуралардан фойдаланиш усуллари.

⁶² **Тошалиев И.** Сарлавҳа стилистикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 10-19; **Абдусанов А.** Газета сарлавҳаси. Қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1995. – Б. 4-52.

6. Матн тузишга ўргатишда газета сарлавҳалари устида ишлашнинг аҳамияти.

3. МАТН УСТИДА ИШЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯ ВА НАМУНАЛАР

Таянч сўз ва иборалар: матн, матн тузиш, ўқувчилар нутқини шакллантириш, матнни ифодали ўқиш, матнни овозсиз, ичида ўқиш, матнни бўлақларга бўлиб ўқиш, матнни образларга бўлиб ўқиш, расм асосида матн тузиш, яратилган матн мазмунини ҳикоя қилиб бериш, ўқувчилар яратган матнлар таҳлили.

Ҳар қандай таълим жараёни педагогдан ижодий ёндашувни талаб этади. Хусусан, она тили таълимида боланинг билиш фаолиятини тўғри ташкил этиш, унинг ўзлаштириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уни мустақил фикрлашга йўналтириш лозим.

Матн тузишга ўргатишда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Бунда ўқувчининг шахсий сифатлари бойиб, очилиб боради, унинг характеридаги ижобий қирралар ривожланади, ижобий тасаввур машқлари, кузатувчанлик, хотира, диққатни кучайтириш имкони пайдо бўлади, ўқувчи дарс давомида яратилаётган матн юзасидан онгли равишда мустақил фикр юрита бошлайди.

Ҳар бир инсон бирон - бир матнни ўқишга киришар экан, у ўзи ўқиётган матнни тушунишга ҳаракат қилади. Мактабда она тили ва адабий таълимдан мақсад ҳам ана шу тушуниш ва қизиқишни уйғота билишдан иборат.

Бунда матннинг номланиши (сарлавҳаси) катта аҳамият касб этади. Таълим жараёнида матннинг номланиши қизиқиш уйғотиши билан биргаликда уни ўрганиш учун ўзига хос ҳаракат механизми бўлиб хизмат қилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, матн ҳақидаги маълумотнинг етарли бўлмаслиги билим олиш ҳамда матнни тушуниш жараёни уни ўқувчи томонидан идрок этилишига туртки беради. Ўқувчиларда мавжуд маълумотлар банкидаги бўшлиқни тўлдиришга интилиш эса уларда ана шундай қизиқишни уйғотади. Бундан келиб чиқадики, ўқувчи ўзидаги етишмаётган маълумотни излаши ўша матн номланиши (сарлавҳаси) билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу ҳолат матнни тушуниш соҳасидаги кейинги жараён учун

туртки берувчи механизм саналади. Демак, матннинг номланиши (сарлавҳаси) инсоннинг ўзидаги билимлар банкига мурожаат қилишга мажбур этади. Таққослаш натижасида эса, ана шу матн учун керакли ёки йўқ деган саволга жавоб бериш билан тўхтатилади ёки давом эттирилади. Шу билан бирга айнан ана шу матн номланиши билан инсон ўзидаги билимларни таққослаши натижасида ўзининг изланаётган муаммо ҳақидаги тасаввур доирасини аниқлайди. Ўз навбатида матннинг номланиши билан танишиш матн билан ўқувчи ўртасида мулоқот бошланганлигини билдиради. Матн билан мулоқотга киришилганда қуйидагилар намоён бўлади: а) пайдо бўлган саволга матнда яширинган жавобни излаш ва топиш; б) матннинг кейинги мазмунини таҳлил қилиш ҳамда бу таҳлилни текшириш. Шу асосда матнга қўйиладиган талаблардан бири келиб чиқади, яъни матнда ўқувчи билан мулоқот қилиш учун барча талаблар эътиборга олинган бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, матнда очик ёки яширин саволлар мавжуд бўлиши ҳамда ана шу саволлар тахминий жавобларни ўзида жамлаган бўлиши керак. Албатта, бу мулоҳазадан барча матнлар бир хилда бўлиши лозим, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим.

Ҳар бир матн билан мулоқот якуний мулоҳаза билан тугайди. Якуний мулоҳаза қилиш эса матндаги асосий ғояни ўқувчилар томонидан тушунганликни англатади.

Бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчилар матн ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб борадилар. Улар маълум соат давомида гап ва матнни ўзаро қиёслаб, матннинг ўзига хос хусусиятлари устида ишлайдилар, матнни қисмларга ажратадилар, унга сарлавҳа кўядилар, берилган матнни овоз чиқариб ёки овоз чиқармай ўқиш малакаларини ҳосил қиладилар. Дастурга киритилган мазкур материаллар матн ҳақида умумий маълумот ҳосил қилиш имкониятини яратади. Ўқувчилар қуйи синфдан бошлаб, матн ҳосил қилиш учун гапларни мазмунан бир-бирига боғлаш лозимлигини, матнни қисмларга ажратиш мумкинлигини, бир матнга бир неча сарлавҳа топиш, ёзилган матнни қайта ишлаш мумкинлигини билиб оладилар.

Дастур талабига кўра ўқувчиларга берилган расмлар асосида оғзаки ҳикоя (матн) тузиш, берилган матнни ўқиб, унинг мазмунини сўзлаб бериш, саволларга жавоб бериш орқали матн

ҳосил қилиш, бошланиш қисми мавжуд матнни давом эттириш, берилган шеърӣ матн мазмунини насрий йўл билан баён қилиш, кўрган, кузатган эшитган воқеа-ҳодисаларнинг мазмунини сўзлаб бериш, уй ҳайвонлари, қушларнинг таснифини матн сифатида яратиш каби малакаларни ҳосил қиладилар. Бу вазифаларнинг ҳар бири ўзига хос ёндашувни талаб этади. Масалан, мавжуд саволларга жавоб бериш орқали матн тузиш топшириғини олиб кўрайлик. Китобда берилган ёки ўқитувчи томонидан қўйиладиган саволлар ўқувчининг бу топшириқни бажариши учун ўзига хос ёрдам вазифасини ўтайди. Масалан, «Қовун» мавзусида матн тузиш учун ўқувчиларга қуйидаги саволларга жавоб излаш вазифаси топширилиши мумкин:

1. Сиз қовун ҳақида нималарни биласиз?
2. Бизда асосан қовуннинг қандай турлари етиштирилади?
3. Ўзбекистоннинг қайси вилоятларида кўпроқ қовун экилади?

Бу саволларга аниқ ва асосли жавоб топган ўқувчиларнинг «Қовун» мавзусида матн тузишлари жуда осон кечади.

Ўқувчилар нутқини шакллантириш тушунчаси ўзида, биринчидан, ҳар бир товуш, бўғин, сўз ва сўз бирикмаларини тўғри талаффуз қила олишни, иккинчидан, муайян луғат бойлигига эга бўлиш ва ундан фойдалана олишни, учинчидан, саводли ёза олиш кўникмасига эга бўлишни қамраб олади.

Ўқувчилар нутқини ўстириш она тили ўқитишнинг, шу жумладан, ҳар бир дарснинг ҳам мақсадидир. Демак, ўқитувчи томонидан дарсда қўлланиладиган барча иш турлари ўқиш, ёзиш, грамматик қоидаларни ўрганиш, савол-жавоб, суҳбат, ҳикоя, гап тузиш, матн яратиш кабилар, шубҳасиз, ўқувчилар нутқини ўстиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Ўқувчилар нутқини шакллантиришнинг биринчи шarti уларни ўқиган, эшитган нарсасини англашга ўргатишдан иборат, чунки бу нарса нутқ маданиятини эгаллаш ва уни ривожлантиришга хизмат қилади⁶³. Агар дарс давомида ўқитувчи матнни ўқиб эшиттирса, бу жуда чхши самара беради.

2. Ўқувчилар нутқини ўстиришнинг яна бир шarti, уларни тўғри талаффузга ўргатишдир. Тўғри талаффуз қилишни билган

⁶³ Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. Қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 99-100.

болагина аста-секин тўғри ёзиш кўникмаларига ҳам эга бўлиб боради. Шунинг учун дастлаб ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Бу эса ўқитувчи зиммасига ниҳоятда талабчанлик вазифасини юклайди. Бунда ўқитувчидан ўқувчилар нутқини бардош билан назорат қилиш, талаффуз ва имло устида изчил ва тинимсиз ишлаш талаб қилинади.

Ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда матнни ифодали ўқитиш ҳам яхши самара беради. Бунинг учун ўқитувчи ўрганилиши мўлжалланган матнни талаффуз қоидалари асосида аввал ўзи ифодали ўқиб кўрсатади, сўнг ўқувчиларга ҳам бирма-бир ўқитади⁶⁴. Ўқувчиларга матнни ифодали ўқитишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Матнни якка усулда ўқитиш.
2. Матнни биргаликда ўқитиш.
3. Матнни овоз билан ўқитиш.
4. Матнни овозсиз, ичида ўқитиш.
5. Матнни бўлақларга, кичик-кичик парчаларга бўлиб ўқитиш.
6. Матнни образларга бўлиб ўқитиш ва бошқалар.

Матнларни бундай усулларда ўқитиш орқали нутқ ўстириш учун ўқитувчи дарсга мўлжалланган ўқув материалларини дарсликдан ёки турли қўлланмаларда, матбуот саҳифаларида келтирилган матнлардан танлаши мумкин.

3. Танланган матнлар узвий бирликни ташкил қилса, шунинг билан бирга боланинг ёшига мос, ахлоқий матнлар бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки дарс жараёнида ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш асосий вазифадир. Бунинг учун уларни атрофдаги нарса-ҳодисаларни, кишиларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятини кузатиш, таққослаш, улар ўртасидаги умумийлик ва ўзига хосликни идрок қилишга ўргата бориш керак бўлади.

Нутқни ўстиришнинг саналган усулларидан яна бири ўқилган матн ёки ўқитувчи ҳикоясини ўқувчиларга қайта ҳикоя қилиб бериш ёки уларни қайта гапиртиришдир.

Қайта ҳикоя қилдириш усули икки хил бўлиб, матнга яқин ҳикоя қилиш ёки ўз сўзлари билан ҳикоя қилишдан иборатдир.

⁶⁴ Матнни ифодали ўқиш, ҳикоя қилиш ва қайта ижодий ҳикоялаш ҳақида қаранг: **Орипов Қ., Обидова М.** Ифодали ўқиш. Қўлланма. 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 63-75.

Ўқувчиларни дастлабки дарслардан бошлаб ўқиган ёки эшитган нарсаларини ўз сўзлари билан (тушуниб) қайта ҳикоя қилишга ўргатиш керак. Бунда танланган матнни қуйидагича ўзлаштириш мумкин:

- а) матнни ўз номидан ҳикоя қилиб бериш;
- б) матнни иккинчи шахс номидан ҳикоя қилиш;
- в) матн ҳақида кўпчилик номидан гапириш кабилар.

Шунинг билан бирга ўқувчиларга дарс давомида оғзаки равишда матн туздириш мумкин. Оғзаки равишда матн тузишда ёки кўрганларини оғзаки баён қилдиришда қуйидаги шакллардан фойдаланиш яхши натижа беради:

а) муайян сўзлардан (бу сўзлар олдиндан берилади) фойдаланиб, ўқувчига ўз қишлоғи, мактаби, дўстлари ҳақида ҳикоя қилдириш;

б) ўқувчи кўрган киноси ёки ўқиган бадиий асари ҳақида қисқа матн яратиши лозим бўлади;

в) ўқувчига ўзида чуқур таассурот қолдирган воқеа-ҳодисани кичик матн шаклида ҳикоя қилдириш;

г) ўзаро спорт беллашуви, спорт майдонидаги кураш ҳақидаги таассуротларни ўқувчига матн сифатида ҳикоя қилдириш ва бошқалар.

Мана шу юқордаги усуллар ёрдамида матнга ёндошув ўқувчиларни матн воқеаларига жуда тез қизиқтиради, ҳамда уларнинг ёдида яхши сақланади. Шунинг учун ҳам бундай қизиқарли ҳодисалар бўйича ўқувчиларни гапиртириш, уларни матн тузишга ўргатиш анча енгил бўлади.

Расм асосида матн яратишда дастлабки суҳбат катта аҳамиятга эга. Суҳбат расмни ўқувчилар бир-икки минут мустақил кузатиб, унинг мазмуни ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил қилганларидан сўнг ўтказилади. Бу суҳбат расмнинг асосий мазмунини тушуниб олишга ёрдам бериши керак. Баъзан расмда бир-икки эпизод тасвирланган бўлади. У ҳолда ўқувчилар расм мазмунини кенгайтиришлари керак. Мазмуни кенг расмлар юзасидан ҳикоя ёзиш учун материал тўплашда бошқача иш тутиш ҳам мумкин. Бунда оғзаки матн тузишда расмлардан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Бунинг учун ўқитувчи дарсда мазмунли расмлардан фойдаланиши, бу расмда ифодаланган тасвир мазмунини аввал ўқувчиларга тушунтириши, улар билан савол-

жавобга асосланган суҳбат ўтказиши, шулар асосида расм мазмуни ҳақида ўқувчиларнинг маълум тушунчага эга бўлишини таъминлаши керак бўлади.

Ўқитувчи бундай вазифаларни бажараётганда қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

а) ўқувчилар оғзаки равишда гапириб бераётган матнларни сабр-тоқат билан тинглаш;

б) матнларни оғзаки ҳикоя қилаётган ўқувчиларнинг ютуғини таъкидлаб, рағбатлантириб бориш, уларнинг хато ва камчиликларини эса жуда эҳтиёткорлик ва мулойимлик билан тузатиб бориш;

в) агар ўқувчи расмда кўрган нарсаси орқали оғзаки матн тузишга қийналса, унда ўқитувчи йўналтирувчи саволлар билан унга ёрдам бериши зарур бўлади.

Дарс давомида ўқувчиларга бундай характердаги матнлар туздириш уларнинг тез фикрлайдиган, ҳозиржавоб, сўзга чечан бўлишига ёрдам беради. Шунинг билан бирга ўқувчилар дарс давомида ўқитувчи кўмагида расм асосида ёзма матн яратиши ҳам мумкин. Берилган расм асосида уч-тўрт гапли матн тузиб, унга сарлавҳа топиш вазифаси ҳам ўқувчиларга топширилса, бундай усул уларни матн тузишга бўлган қизиқишини янада орттиришга хизмат қилади.

Ўқувчиларни бундай расмлар жуда қизиқтиради, сабаби болада янгиликка ўчлик ҳисси кучли бўлади. Шу билан бирга ўқитувчи томонидан танланган бу расмлар унинг қизиқишига, ўйинига жуда яқин туради. Шу сабабли ўқувчилар қийналмасдан мустақил равишда шунга яқин мазмундаги матн яратишади. Қуйида ўқувчилар тузган ана шундай матнлардан бирини намуна сифатида келтирамиз:

Компьютер хонасида

Бизнинг мактабимизда компьютер хонаси бор. Биз ҳар куни дарсдан бўш пайтларимизда компьютер ўрганиши учун мана шу хонага борамиз. Компьютер ўқитувчимиз бизга ҳар томонлама ёрдам беради. Катта синф ўқувчилари эса ҳар бир дарсда компьютерда ишлайдилар.

Дарс жараёнида матн тузиш ва берилган матн устида ишлашни ҳар хил кўринишда ташкил қилиш мумкин. Масалан: дарсда «От» мавзуси ўтилгандан кейин ўқувчиларга «Алишер Навоий» мавзусида кичкина матн тузиш вазифаси топширилса, улар 15 дақиқа ичида мана шу мавзуга оид матн тузадилар, кейин уларга ана шу матндаги от туркумига оид сўзларни топиш вазифа қилиб топширилади. Ўқувчилар матн ичидаги *Алишер Навоий, Ҳирот, Фиёсиддин кичкина, шоир* каби отларни аниқлашади. Бундай мавзудаги матнлар орқали бола ҳам тарихий шахслар ҳақида маълумотга эга бўлади, ҳам ўқувчининг ёзма нутқи ҳар жиҳатдан ўсади.

Бундан ташқари ҳар бир дарсда бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлган 4-5 та сўз бериб, шу сўзлар асосида боғланишли матн тузиш вазифаси ўқувчиларга топширилиши мумкин. Ўқувчилар мана шу сўзлар асосида матн тузишади.

Тузилган матнда, албатта, узвий бир воқеа ифодаланиши ёки ҳикоя тасвирланиши керак.

Ёки ўқувчиларга бир-бирига умуман алоқаси бўлмаган 3-4 та сўз ёзиб берилади ва шу сўзлар асосида бирор воқеани ифода этадиган матн тузиш ва унга сарлавҳа топиш вазифаси топширилади. Бундай вазифани ҳам дарс давомида 10-15 дақиқа ичида бажариш мумкин. Масалан, *тоғ, дада, ўқувчи* каби сўзларни бериб, ўқувчиларга матн тузидириш мумкин. Ана шундай вазифани бажариш жараёнида ўқувчилар томонидан яратилган матнлардан намуналар:

1-ўқувчи:

Тогда

Менинг дадам шофёр бўлиб ишлайди. У ўз машинасида тогдан тош олиб келади. Бир куни мен ҳам дадам билан тоққа бордим. Тогни мазза қилиб томоша қилдим. Баҳор фаслида тоғ жуда ҳам чиройли бўлар экан. Тоққа қилган саёҳатимнинг таассуротларини келиб синфимиз ўқувчиларига айтиб бердим.

2 -ўқувчи:

Музқаймоқ

Кеча якшанба бўлгани учун дадам билан шаҳарга бордик. Шаҳарни маза қилиб айландим, истироҳат боғини ҳам тамоша қилдим. Шаҳарга борганда ҳамшиша музқаймоқ емасдан кайтмайман. Бу гал ҳам тўйгунимча едим Дадам қаршилик қилса

ҳам яна иккитасини едим. Шундай қилиб, уйга келгандан кейин иситмам чиқиб, касал бўлиб қолдим. Натижада синфимиз ўқувчилари билан тоғ сайрига бора олмай қолдим. Энди бўлса ҳамма вақт катталарнинг айтганини қиламан, деб ўзимга сўз бердим.

Мана шундай матнлар ўқувчи болаларни ўйлашга ва чуқур фикр юритишга, ўзининг номаъқул хатти-ҳаракатларидан уялишга мажбур қилади. Шунга кўра дарс давомида ўқувчиларга ана шундай тарбиявий аҳамиятга молик матнлар туздириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, ўқувчиларга қуйидаги мавзудаги матнлар бериб, уларнинг фикрлаш қобилиятини дарс давомида синаб кўриш мумкин. Масалан, «Феъл» сўз туркумини ўтиб бўлгандан кейин ўқувчиларга «Анвар йиғлаб юборди...» мавзусида матн тузишни топшириш мумкин. Ана шу дарслар давомида ўқувчилар тузган матнлардан айрим намуналар:

1-ўқувчи:

Анвар йиғлаб юборди...

Она тили дарси эди. Ўқитувчимиз барчамизнинг китоб, дафтарларимизни кузатиб чиқди. Лекин Анвар дафтарини олди-ю, китобини олмади. Ўқитувчимиз китобни сўраганда, Анвар индамай тураверди. Шунда ўқитувчимиз унга сумкасини олишни буюрди. Анвар сумкасидан секингина китобини олди. У китобининг муқовасини йиртиб-чизиб ташилагани учун яшириб ўтирган экан. Ўқитувчимиз Анварга ҳеч нарса демади, лекин у китоб билан боғлиқ ҳикоятни айтиб берди. Анвар эса нима қилишини билмай уялганидан йиғлаб юборди.

2-ўқувчи:

Анвар йиғлаб юборди...

19 март куни мактабимиз бўйича шанбалик уюштирилди. Барча ўқувчилар шанбаликка фаол қатнашиб, дарахтларнинг тагини юмшатдилар, оқладилар. Шанбаликка фақат Анвар келмай қолди. Эртасига ўқитувчимиз кечаги шанбалик ва меҳнат ҳамда унинг фойдалари ҳақида гапирди. Ўқитувчимиз яна «Дангаса бола» ҳақидаги ривоятни айтиб берган эди. Анвар ўрнида туриб ўзини кечиршини сўраб, йиғлаб юборди. Ўқитувчимиз эса айбини бўйнига олиш ҳам мардлик эканини айтиб, Анварни кечирди.

Шундай характердаги матнлар тузиб бўлингандан кейин ўқувчиларга бу матнлар таркибидаги феълларни топиш вазифа

қилиб топширилади. Ўқувчилар ҳеч қийналмасдан ўзлари тузган матнлардаги феълларни топиб, таҳлил қилиб берадилар.

Бундан ташқари дарсликда берилган матнлар устида ишлаш ҳам яхши натижа беради. Дарс давомида дарсликда берилган матнларни ўқиш, уларни қайта ҳикоя қилиш, режа туздириш мумкин. Масалан, 4-синфнинг «Она тили» дарслигида шундай матн берилган:

224-машқ

Ибн Сино бир ҳафтадан кейин саройга келди. Доридармонлар беморга таъсир қилганини кўрди. Бинни Мансур ибн Синони очиқ чеҳра билан қарши олди. Табибга ўз миннатдорчилигини билдирди. Ибн Синога нимани истаса, шуни бермоқчи бўлди. Ибн Сино саройнинг кутубхонасида мутолаа қилиш учун ижозат сўради.

Подшо пулдан илмни афзал кўрган олимга кутубхонадан фойдаланишга рухсат берди.

Мана шу матнни ўқиб, кейин бу матнга режа тузиш вазифаси топширилади. Ўқувчилар матнга тахминан қуйидагича режа тузадилар:

Р е ж а:

1. Ибн Сино - буюк табиб.
2. Бинни Мансур билан Ибн Синонинг суҳбати.
3. Ибн Синонинг подшодан сўраган илтимоси.
4. Ибн Сино - илм шайдоси.

Ана шу режа асосида ўқувчилар юқорида келтирилган матнни қайта ҳикоя қилиб берадилар. Шунда ўқувчиларга Ибн Сино ҳаёти, ижодий ва табиблик фаолияти ҳақида қўшимча саволлар ҳам бериш мумкин. Шундан кейин тузилган бу матндаги келишик қўшимчаларини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш вазифаси топширилади.

Шунинг билан бирга бирор матнни бошлаб шуни давом эттиришни ҳам ўқувчиларга топшириш мумкин. Масалан, давом эттирилиши зарур бўлган матн тахминан қуйидаги йўналишда бўлади:

Матн

Бугун яқинба. Шаҳлонинг онаси бозорга кетишдан олдин қизига уйларини артиб, тозалаб қўйишни топширди. Кейин...

Ўқувчилар шу матнни давом эттиришлари керак ва унга сарлавҳа топишлари лозим. Дарс давомида ўқувчилар томонидан тузилган матнлардан намуналар:

Биринчи матн
Меҳнаткаш қиз

Бугун яқинба. Шаҳлонинг онаси бозорга кетишдан олдин Шаҳлога уйларни артиб, тозалаб қўйишни топширди. Шаҳло ҳали учинчи синф бўлса ҳам онасининг ёрдамчиси. Уйдаги барча ишларда онасига қарашади. Бугун ҳам онаси кетгандан кейин, олдин ҳамма жойларни супуриб, кейин ювиб чиқди. Деразаларни артти, гулларга сув қўйди. Бу ишларни қилиб бўлиб укасини ҳам овкатлантирди. Онаси бозордан келиб қизининг қилган ишларидан қувониб кетди. «Баракалла она қизим», – деб Шаҳлони ўпиб қўйди.

Иккинчи матн

Дангаса

Бугун яқинба. Шаҳлонинг онаси бозорга кетишдан олдин Шаҳлога уйларни артиб, тозалаб қўйишни топширди. Шаҳло бўлса ойисининг айтган гапларини унутиб, укаси билан ўйинга киришиб кетди. Ҳатто ўзи нонушта қилган жойларни ҳам йиғиштирмади. Бозордан чарчаб келган Шаҳлонинг онаси хоналарнинг тартибсиз ҳолда ётганини кўриб қизидан қаттиқ хафа бўлди.

Ўқувчилар ўзлари тузган ана шундай матнларга сарлавҳа топиши ҳам лозим. Шундан кейин бу матнлар ичидаги сўзлар сўз туркумларига ажратилади.

Бундай матнлар орқали боланинг ўйлаш, фикрлаш қобилияти янада чархланади. Худди шундай матнлар туздирриш учун эртак усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Чунки оддий матнга қараганда эртаклар болаларни кўпроқ қизиқтиради. Масалан, сифат мавзусини ўтиб бўлгандан кейин ўқувчиларга қуйидагича матн бериш мумкин.

Матн

Қадим замонда, чекка бир ўрмонда очкўз бўри билан айёр тулки яшар экан. Бир куни...

Ўқувчилар эртакни давом эттиришлари керак. Қуйида бир ўқувчининг мустақил равишда яратган ана шундай эртагини келтирамиз:

Матн

Қадим замонда, чекка бир ўрмонда очкўз бўри билан айёр тулки яшар экан. Бир куни тулки айёрлик қилиб бир товуқни қўлга туширибди. Шу товуқнинг гўштини еб ўтирган вақтда қаёқдандир очкўз бўри пайдо бўлибди. У тулкидан товуқни қандай қилиб қўлга киритганини сўрабди. Шунда ҳийлакор тулки: «Агар товуқхонанинг олдига бориб қўшиқ қўйласанг, товуқлар сенинг олдинга учиб чиқади, сен мазза қилиб еб оласан», - дебди. Тулкининг бу гапларига ишонган лақма бўри тезда йўлга отланибди. Товуқхонанинг олдига бориб бор овози билан қўшиқ айта бошлабди. Буни эшитган уй эгаси чиқиб, бўрини роса калтаклабди. Шундан кейин очкўз бўри айёр тулкига ишонмай қўйибди.

Бу матн яратиб бўлингандан кейин унинг таркибидаги сифатларни топиш ўқувчиларга вазифа қилиб топширилади.

Она тили дарсларида матн тузишга ўргатишда мамлакатимизда компьютер дарсларидан фойдаланишга доир айрим тажрибалар ўтказилмоқда. Слайдларда матн ва унинг тарқоқ гаплардан фарқли, биринчи гапнинг хат бошидан бошланиши, матннинг нечта гапдан тузилганлиги, матнда гапларнинг чегараси қандай белгиланиши, биринчи ва охириги гап, матн қисмлари, ҳар бир қисмдаги гапнинг хат бошидан ўзилиши, гапларнинг изчиллиги, асосий қисмда феъл кесимларнинг замон ва шахс-сон қўшимчалари жиҳатидан уйғунлиги ҳақида зарур маълумотлар акс этмоқда⁶⁵.

Болалардан яратилган матн мазмунини ҳикоя қилиб беришни талаб қилишда уни кичик мавзуларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Мантиқий изчил тузилган бундай кичик ҳикоя ёки матнлар ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқининг ўсишида энг асосий манба саналади. Шу асосда матн тузиш, унинг мазмунини кичик мавзуларга ажратган ҳолда ҳикоя қилиб бериш орқали бола равон сўзлайдиган, чиройли фикрлайдиган ва гапга чечан комил инсон бўлиб етишади. Матн устида ишлаётган ҳар бир ўқитувчи “Тил ва матн” сарлавҳали қуйидаги шеърни доимо ёдда тутмоғи лозим бўлади⁶⁶:

⁶⁵ Бекниязова Н., Нажимова А. Ўқувчиларни матн тузишга ўргатишда педагогик технология // Ўзбек тили таълимида педагогик технологияларнинг ўрни. “Ўзбек тили” доимий анжумани ўг биринчи йиғини материаллари (2011 йил 14-15 апрель). – Тошкент, 2011. – Б. 32-33.

⁶⁶ Зиёдова Т. Матн яратиш технологияси (она тили таълими мисолида). – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 144.

*Гарчи, азим дарахт бўлса тил,
Матн унда яралган ҳосил.
Ҳодиса деб қаралса, лисон
Матн турур хулоса, инон.
Тил сабаб деб олинса, албат
Матн эрур нажот, оқибат.
Тил – тасаввур, матн – таълимот,
Тил бойликдир, матн – зурриёт
Тил тилсимдир, матн – каифиёт!*

Назорат саволлари:

1. Ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришда матн тузиш машқларининг аҳамияти.
2. Матннинг номланиши (сарлавҳаси) билан танишиш жараёни ва унинг матн билан ўқувчи ўртасидаги мулоқотдаги ўрни.
3. Ўқувчиларга қайта ҳикоя қилдириш асосида матн туздириш усуллари.
4. Оғзаки матн тузишда расмлардан фойдаланишнинг аҳамияти.
5. Дарс давомида “Феъл”, “От”, “Сифат” “Олмош” каби мавзулар ўтилгандан кейин ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш усуллари.

ХУЛОСА

Жамиятимиз тараққиёти соғлом ақлга мувофиқ келувчи йўналишга тушиши билан комил инсон омилининг салмоғи ортди. Комил инсон омилининг ортиши эса, бу жамиятда маънавий қадриятларга эътибор кучайишига олиб келади. Мактаб лисоний-адабий таълими жамиятнинг маънавий қадриятларини шакллантиришда энг кўп вазифа бажарадиган фаолият туридир. Шундай экан ушбу соҳага катта эътибор қаратилмоғи ва шу асосда таълим-тарбиянинг асослари илмий ишлаб чиқилмоғи даркор. Бундай эътибор мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ берилди. Ушбу эътибор натижаси улароқ, мавжуд таълим тизимини миллий қадриятларимизга мос ва хос равишда янгидан ислоҳ қилиш самараси сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим

тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди, Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук, ватан ва халққа, миллий анъаналарга садоқатли қилиб тарбиялашда мактабдаги лисоний-адабий таълимнинг роли ва ўрни ниҳоятда каттадир. Бу соҳада давр ва жамият томонидан қўйилган улкан масъул вазифани тўла ва сифатли бажариш ниҳоятда мураккаб жараён дир. Проф.Ш.Маҳматмуродов тўғри таъкидлаганидек, бу соҳада “ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши ва касбига меҳр қўйиши керак. Бунинг учун шу фан олдида турган муаммолардан, олиб борилаётган илмий тадқиқотлардан хабардор бўлиши, фанлар ўртасидаги алоқани эгаллаган бўлиши керак. Ўқитувчи болалар билан муомалада маълум одоб қоидаларига риоя қилиши керак. Бу иш касбга оид қоидалар дир, бу талабни эгаллаган ўқитувчи ўқувчилар билан муомалада тўғри йўл топа олади. У ўқувчига ишонади, адолатли, ростгўй, муомалада заррача ҳам сохталикка йўл қўймайди. Болаларни ҳурмат қилиш ўқитувчининг асосий фазилатидир. Ўқитувчи ўз иродаси билан болалар хусусиятини тарбиялайди. Ўқитувчи на сўз билан, на нигоҳи билан ўқувчини ҳақорат қилмаслиги керак. Ўқитувчининг меҳнати янги кишини шакллантириш билан қимматли ва гўзал дир”⁶⁷.

Дарҳақиқат, ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда матндан фойдаланиш ва шу орқали ўқувчиларимизни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашнинг самарали усуллари ни ҳаётга татбиқ этар экан, ўқитувчи ана шу қоидаларга оғишмай амал қилиши лозим бўлади. Биз ўз ишимизда ўз ҳамкасбларимиз диққатини ана шу масалаларга қаратишга ҳаракат қилдик.

Бу ишда келтирилган материаллар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактабларида она тили дарсларида матн устида ишлашни тўғри ташкил этишда фан ўқитувчиларига зарур услубий қўлланмалардан бири сифатида ёрдам беради, деган умиддамиз.

⁶⁷ Маҳматмуродов Ш. Бошланғич таълимнинг долзарб муаммолари (қўлланма) // Маҳматмуродов Ш. Оқаётган умр сарҳисоби. – Тошкент: “Тамаддун”, 2010. – Б. 130-131.

“МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ” ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Матн лингвистикаси тилшуносликнинг янги соҳаси сифатида.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн турлари, лингвистика, унинг матн билан муносабати.

2. Матн лингвистикасининг предмети, мақсад ва вазифалари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матнни ўрганиш усуллари. Матн тилшунослигининг қисмлари ва турлари.

3. Матн лингвистикасининг бошқа фанлар билан алоқаси ва улар қаторида тутган ўрни.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн тилшунослиги ва адабиётшунослик, лингвопоэтика, нутқ маданияти, стилистика, морфология, синтаксис.

4. Лингвостилистика, функционал стилистика ва матн лингвистикасининг ўзаро алоқадорлиги.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн тилшунослиги ва лингвостилистика, матн ва функционал таҳлил

5. Матн лингвистикасининг асосий йўналишлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн турлари, матн тилшунослигининг шаклланиши ва асосий муаммолари, матн тилшунослигининг таркибий қисмлари, матн лингвистикаси ва коммуникатив тилшунослик, матн тилшунослиги ва прагматик тилшунослик.

6. “Матн”, “контекст” тушунчаси ва унинг моҳияти.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, “матн” атамасининг турли хил таърифлари, матн компонентлари, матн бирликлари, микроматн, макроматн, контекст ва унинг турлари, вертикал контекст.

7. Бадиий матн ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: Бадиий матн, шеърый матн, насрий матн, драматик матн, бадиий матн ва экспрессивлик, таъсирчанлик, образлилик.

8. Матннинг онтологик ва гносеологик хусусиятлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн турлари, матн бирликлари, матн ва билиш назарияси, матн ва унинг онотологик қисмлари, матн ва ономасиология.

9. Матн стилистикаси ва унинг кўринишлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн турлари, матн бирликлари, матн ва унинг прагматик хусусияти, матнда коннотатив маънонинг ифодаланиш йўллари, матн стилистикаси ва унинг асосий турлари.

10. Матн ва унинг таркибий қисмлари (компонентлари) ҳақида.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, дискурс, абзац, синтактик бутунлик, синтактик қурилма.

11. Матннинг товуш сатҳидаги бирликлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн ва нутқ товуши, матн ва фонема, матн ва аллофон, матн ва урғу, матн ва интонация.

12. Матннинг луғавий сатҳидаги бирликлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн ва лексема, матн ва фразеологизм, матн ва сўз, матн ва қўшма сўз, матн ва луғавий маъно компонентлари.

13. Матннинг морфологик сатҳидаги бирликлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн ва морфема, матн ва сўзнинг морфологик шакли, матн ва алломорф, матн ва унинг морфологик хусусиятлари (турланиш, тусланиш кабилар).

14. Гап матн бирлиги сифатида, унинг кўринишлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн ва гап, гап матннинг энг кичик бирлиги сифатида, матн ва содда гап, матн ва муркаабдашган содда гап, матн ва қўшма гап.

15. Тилнинг образли системаси ва унинг матн билан муносабати.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн ва унинг коннотатив хусусияти, матн ва прагматик маъно, матн ва экспрессивлик, матнда образлиликнинг ифодаланиш усуллари.

16. Матн структураси ва “структура” тушунчаси ҳақида.

Таянч сўз ва бирикмалар: Матн ва унинг структураси, “структура” ва унинг турли хил изоҳлари, матн структураси ва матн тузилиши.

17. Матннинг юза ва туб структуралари, уларнинг ўзаро муносабати.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матнда юза структура, матнда туб структура, матндаги юза ва туб структуранинг ўзаро муносабатини намоён этувчи воситалар.

18. Матн ва унинг категориялари ҳақида тушунча.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матннинг асосий хусусиятлари, матн бирликлари, матн компонентлари, матн категориялари, грамматик категорияларнинг матнда ифодаланиши.

19. Матн категорияларининг ифода плани.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн категориялари, матнда грамматик, семантик категорияларнинг ифодаланиш усуллари.

20. Матн ва унинг темпорал структураси ҳақида тушунча.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн структураси, матнда туб ва юза структура, матнда темпорал структура.

21. Мураккаб синтактик қурилма ва матн мақоми.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн турлари, матн бирликлари, матн категориялари, мураккаб синтактик қурилма ва унинг моҳияти, мураккаб синтактик қурилма матн компоненти сифатида, мураккаб синтактик қурилма матн сифатида.

22. Матн компонентларининг семантик ва синтактик муносабатлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн турлари, матн бирликлари, матн категориялари, матн компонентлари, матн компонентларида семантик ва синтактик муносабатларнинг ифодаланиш усуллари.

23. Ўзбек тилшунослигида матн ва унинг прагматик хусусиятларини ўрганишга доир амалга оширилган тадқиқотлар.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матннинг прагматик хусусияти, матнда коннотатив маъно ифодаланиши, М.Ҳакимов, М.Мамадалиева, С.Боймирзаева тадқиқотлари.

24. Абзац ва мураккаб синтактик бутунлик матн бирликлари сифатида.

Таянч сўз ва бирикмалар: абзац, унинг турлари, матн таркибида абзац, мураккаб синтактик қурилма ва абзац.

25. Матн ва унинг синтагматикаси ҳақида тушунча.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн бирликлари, матн компонентлари, матн синтагматикаси, унинг кўринишлари, матн прагматикаси билан муносабати.

26. Ўзбек илмий матн бирликлари – жумла, абзац ва мураккаб синтактик бутунлик ўртасидаги синтагматик муносабат ҳақида.

Таянч сўз ва бирикмалар: илмий матн, унинг ўзига хос хусусиятлари, жумла, абзац ва мураккаб синтактик қурилманинг илмий матндаги ўрни.

27. Матн ҳосил бўлишида мазмуний валентлик ва мазмуний семаларнинг боғланиш имкониятлари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матннинг ҳосил бўлиш омиллари, мазмуний валентлик ҳақида, мазмуний семаларнинг матнда боғланиш усуллари.

28. Мантиқ категориялари ва тил категорияларининг умумий ҳамда фарқли белгилари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн категориялари, тил категориялари, уларнинг ўзаро алоқаси ва фарқли белгилари.

29. Анъанавий мантиқда қўлланиладиган “субъект” ва “предикат” атамаларидан тилшуносликда фойдаланиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрларга муносабат.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, “матн субъекти” ва “матн предикати” атамаларининг моҳияти ҳақида.

30. Матн таркибида лексик такрор ва унинг моҳияти.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн таркибида лексик такрорнинг ўрни, лексик такрорнинг турлари ва асосий белгилари.

31. Олмошлар ва уларнинг матн компонентларини боғлашдаги аҳамияти.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, олмошлар матн компоненти сифатида, олмошларнинг матн компонентларини боғлашдаги ўрни.

32. Кириш сўз ва кириш бирикмаларнинг боғловчи восита сифатида микроматндаги иштироқи.

Таянч сўз ва бирикмалар: кириш сўз ва кириш бирикма, уларнинг матн таркибидаги ўрни, микроматнда кириш сўзларнинг иштироқи.

33. Матн компонентларининг семантик боғланиши ва унинг синтактик боғланишга таъсири.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матннинг синтактик боғланиши, матннинг семантик боғланиши, уларнинг ўзаро боғланиши ҳамда фарқли белгилари.

34. Матнда “нутқ занжири” тушунчаси ва унинг моҳияти.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матнда “нутқ занжири” тушунчаси, нутқ занжирининг кўринишлари, матндаги ўзига хос белгилари.

35. Матнда “туб структура” тушунчаси ва унинг белгилари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн структураси, матнда туб ва юза структура, матнда туб структуранинг ўзига хос белгилари.

36. Матнда лексик деривация ва унинг синтактик деривациядан фарқли белгилари.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн ва деривация, “деривация” ходисасининг тилдаги кўринишлари, матнда лексик ва синтактик деривация кўринишлари.

37. Матнда “деривация оператори” тушунчаси ва унинг моҳияти.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн ва деривация, “деривация” ходисасининг тилдаги кўринишлари, деривация, оператор, деривация оператори, операнд тушунчалари ҳақида.

38. Матн деривациясида оператор вазифасида келувчи воситалар.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн турлари, матн компонентлари, от, сифат, сон, олмошлар матн деривациясида оператор вазифасида келиш хусусиятлари.

39. Матн деривацияси операндлари вазифасида истеъмолда бўлган синтактик структуралар ҳақида тушунча.

Таянч сўз ва бирикмалар: матн, матн турлари, матн бирликлари, аниқловчи, тўлдирувчи, парцеллятив қурилма, ҳол каби гап компонентлари матн операндлари сифатида.

